

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг  
йигирма олти йиллигига*

---

**ФИДОЙИНГ  
БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ,  
ЎЗБЕКИСТОН!**

---



**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2017

УЎК: 323(575.1)  
КБК: 66.3(5Ў)я7  
Ф 57

**Ф 57** Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон! [Матн]: ўқув қўлланма / Республика маънавият ва маърифат маркази. – Т: «Маънавият», 2017. – 208 б.

ISBN 978-9943-04-331-2

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» 2017 йил 27 июндаги Қарорида илгари сурилган фикр ва ғояларни ватандошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш, аҳоли ўртасида мустақиллик шарофати билан амалга оширилган эзгу ишлар, саъй-харакатлар, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни тарғиб этишда фойдаланиш учун тайёрланди.

Шунингдек, ўқув қўлланмада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг маъно-мазмунни, уларда белгиланган вазифаларнинг моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу нашр профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадиган маънавият тарғиботчилари ва кенг китобхонлар учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

УЎК: 323(575.1)  
КБК: 66.3(5Ў)я7

*Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари  
Алишер Қодировнинг умумий таҳрири остида*

### **И ж о д и й   г у р у х:**

*А. Маврулов, Ш. Зулфиқоров, Х. Хайитов, Э. Ҳожиёв, Қ. Раҳмонов,  
Э. Турғунбоев, А. Юлдашев, Ш. Тошматов, А. Исломқулов, Н. Хамраходжаев,  
Л. Турсунов, А. Холов, Д. Бекчанов, Н. Шодиев, О. Турғунов,  
Ш. Асадов, С. Пулатова, В. Қўчқоров, М. Бекмуродов, Н. Қосимов*

**М а с ъ у л   м у х а р р и р:** *проф. Муҳаммад Қуронов*

**Т а қ р и з ч и л а р:** *проф. Мансур Бекмуродов  
доц. Шавкат Тўраев*

ISBN 978-9943-04-331-2

© «Маънавият», 2017

## КИРИШ

Ҳар йили мустақиллик байрамини алоҳида шиор остида нишонлаш гўзал анъанага айланди. Улуғ шиорлар бутун жамиятнинг мақсад-муддаосини, ижтимоий фикрини ўзида жамлаб, фуқароларни ягона мақсад йўлида бирлаштирган ва янги зафарларга йўналтириб, реал кучга айланган. Шу маънода ҳар қандай шиор миллатнинг манфаатига мос келиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2017 йил 27 июнда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорда мазкур байрамни **«Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!»** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари асосида ташкил этиш белгилаб кўйилди. Қарорда буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун бекиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бораётгани, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келаётгани алоҳида қайд этилди.

Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, унда мустақилликнинг 26 йиллик байрамини бешта тамойил ва ғоялар асосида ўтказиш бўйича тавсиялар берилгани бўлди. Жумладан, «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз», «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» каби тамойил ва ғоялар асосида мустақиллик йилларида

эришилган ютуқларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни халқимиз онгу тафаккурига сингдириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, маънавият-маърифат барча замонларда миллат ва давлат тақдирида алоҳида ўринга эга. Шу маънода қарорда маънавият – энг таъсирчан ва қудратли курул эканлигига урғу берилган. Аҳолининг маданий савиясини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонлик, жумладан, электрон китобхонликни ривожлантириш, ижодкор зиёлиларнинг ижодини кенг тарғиб этиш бўйича тавсиялар берилган. Айни пайтда, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни юргизиш, мамлакат фуқаролари манфаатларини ифода этиш лозимлигига эътибор берилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилини халқимиз ижтимоий онгига чуқур сингдириш муҳим вазифа эканлигини эътиборга олиш лозим.

Тақдим этилаётган ўқув қўлланма мамлакатимизда мустақиллик йилларида, жумладан, кейинги қарийб бир йил давомида юз берган туб ўзгаришлар, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга ошаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Айни пайтда китобда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар жойларда ўтказиладиган маърифий тадбирлар томонидан маҳаллий мисоллар, жойлардаги ўзгаришлар билан тўлдирилган ҳолда тарғиб этиш тавсия қилинади.

## МУСТАҚИЛЛИК – БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайдиган ҳолат: 1991 йилнинг 31 август куни республика Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессияси иш бошлади. Сессияда мамлакат Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида маъруза қилди. Унда шундай сўзлар бор эди: «Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтман, бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу Қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасидир»<sup>1</sup>.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг ушбу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддас. Мана, 26 йилдирки мустақиллик бизнинг энг муқаддас туйғумиз, буюк неъматимиз, энг олий қадриятимизга айланди. Хўш, ушбу 26 йил мобайнида ўзбек халқи ва Ўзбекистонда қандай ўзгаришлар содир бўлди, нималарга эришдик? Қўлга киритган ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосини нималар ташкил этади? Буларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Шарқ», 2000. 34-бет.

– шўро тузуми даврида Ўзбекистон ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган, мустабид, қарам мамлакат эди. Бугун биз озод, эркин, демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар давлатга айландик;

– 26 йил аввал мамлакатимиз жар ёқасига келиб қолган, иқтисодиёти инқирозга учраган, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлигига асосланган давлат эди. Бугун эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, ривожланиб бораётган саноат индустриясига эга, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари чиқариб, жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакат;

– шўро даврида ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмаган мустамлака «давлат» бўлсак, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда ижтимоий тараққиётга оид тинчликсевар ташаббуслари билан эътиборга сазовор бўлиб бораётган, ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга мамлакат сифатида бўй-бастимизни намоён этмоқдамиз;

– чорак аср аввал ўз дини, тили, тарихи, миллий қадриятини анъаналаридан узоқлашиб кетаётган, кўнгли синиқ, эртанги кунга ишончи йўқолиб бораётган халқ эдик. Айни пайтда биз, ўзбек халқи, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган мутафаккир-алломаларимиз, аждодларимиз руҳини шод этаётган, буюк уч минг йиллик давлатчилик тарихидан ҳақли равишда фахрлана оладиган, ўз миллий маданияти, санъатини ҳеч қандай «кўрсатмалар»сиз ривожлантираётган, уни дунё халқлари ўртасида намоёйиш этишга маънавий ҳаққи бўлган авлодмиз;

– мустақилликкача биз фақат собиқ марказнинг «қош-қовоғи»га қараб иш тутадиган, мустақил равишда бирор нарсани режалоштиришга имкони бўлмаган, ҳаттоки, уни тасаввур этишга умиди бўлмаган одамлар эдик. Бугун эса ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига эга, мамлакатни модернизация қилиб, демократик ислохотларни тобора чуқурлаштириб бораётган, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига айланаётган мустақил давлатмиз.

Мана, 26 йилдирки, энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллик кунини катта хурсандчилик ва шодиёна билан кутиб оламиз, нишонлаймиз. Ҳар йилги байрамни алоҳида бош ғоя асосида нишонлашга ҳам ўрганиб қолдик. Бош ғоя халқимизни янада бирлаштириш, уюштириш, ягона мақсад сари йўналтиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Биз, барчамиз мустақилликнинг 26 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мамлакат раҳбари томонидан имзоланган қарорни ҳам сабрсизлик билан кутдик. Ва ниҳоят, 27 июнь кунини мазкур ҳужжат имзоланди. Унда мустақилликнинг 26 йиллик байрамини «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» деган бош ғоя асосида ташкил этиш, ўтказиш тавсия этилди. Қарорда буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун бекиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бораётгани, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келаётганига алоҳида эътибор берилди<sup>1</sup>.

«Фидо бўлиш» янги мақсадлар сари ўзини сафарбар этиш, «чексиз садоқатни намоёниш этиш» дегани, аслида, ҳар бир кишининг, пировард натижада бутун жамиятнинг бугунги кундан тўла-тўқис қониқмаётгани, муайян камчиликлар мавжудлиги, бундай муаммою камчиликларни бартараф этиш эса ҳар биримиздан жонни фидо қилишни талаб этаётганлигини англатади. Мақсадни, маррани баланд олсаг-у, ҳаётимиз, турмушимиз кечагидан фаровон, гўзал бўлишини истасак-да, аммо ишимизнинг суръатини оширмасдан, ўтган кундаги тезликда фаолият кўрсатиш асносида бой, бадавлат ва бахтли ҳаётни орзу қилсак, бу «фидойилик»ка уйғун ҳол эмас. «Фидойилик» барчамиздан кечаги кундан бугун кўпроқ, сифатлироқ, унумлироқ ишлашни, фикр қилишни, мушоҳадани, таҳлилни, хулоса чиқаришни, самара ва натижани кўзлаб иш юриштишни талаб этади.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил, 28 июнь.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев сўнги пайтларда бир иборани бот-бот такрорламоқда. Бу – ҳар биримиздан «ўзини қийнаш»ни талаб этмоқликда намоён бўлмоқда. Хўш, «ўзини қийнаш»ни қандай тушунмоқ зарур, умуман, «ўзини қийнаш» керакми, у инсонга хос ҳолатми? Бу саволга жавоб бериш жуда қийин. Яъни, инсон доимо эркинликка, хотиржамликка, жоннинг роҳатига, лаззатга мойил. Бундан барчамиз қониқиш ҳосил қиламиз. Аммо ҳаёт фақат лаззатдан иборат эмас-ку! Барча моддий таъминотлар, бойликлар қачондир ўз ниҳоясига етади. Шундай экан, инсондаги истеъмолчилик кайфиятини яратувчиликка алмаштириш зарурлигини барчамиз биламиз-ку! Қолаверса, инсонда доимо ортиб борадиган ҳолат – унинг эҳтиёжи. Қанча яхши яшасак, турмушимиз қанча фаровон бўлса, бизда унданда яхшироқ, аълороқ ҳаёт ва турмуш барпо этиш истаги туғилаверади.

Бироқ, фаровон, обод ҳаёт фақат истак, хоҳишлар билангина пайдо бўлмайди. Унинг учун ҳаракат, курашиш, тинимсиз меҳнат қилиш лозим. Қолаверса, кечагидан бугун, бугундан эса эртага фаровон турмуш қуриш учун инсон доимо ҳаракатда бўлиши зарур. Ана шу нарсани муҳтарам Президентимиз «ўзини қийнаш» деб атайди.

Қарорни ўқиб туриб, бир хулосага келдим. Унда маррага етишнинг аниқ йўллари ҳам кўрсатилган. Биринчидан, бу 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида аниқ ўз ифодасини топган. Иккинчидан, бугунги фуқароларимиз тафаккур тарзи, ўй-хаёлида теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни мушоҳада қилиш, хулоса чиқариш янгича шакл ва мазмун касб этмоқда. Тўғриси айтганда, бугунги қарашларимизда жиддий эволюцион ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишни, адолатсизликнинг олдини олишни ўрганмоқда. Бу нарса кишиларимиз ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги, эътиқоди мустаҳкамланиб бораётганлигида тобора аниқроқ кўринмоқда.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида эълон қилинган Президент қарорини мушоҳада қила туриб хаёлан бундан 89 йил аввал улуғ сиймо Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг Мирзакалон Исмоилийга айтган қуйидаги сўзларини эсладим: «Миллат хароб бўлди. Унинг энг муқаддас нарсалари, хурлиги, шаъни-шарафи қўлдан кетди! Хар қадамда юрагимиз куш ҳадиги билан уради. Энди бизнинг вазифамиз, келажак авлоднинг вазифаси миллатни шармандаларча кулликдан, ҳақорат ва хўрликдан қутқазиб бўлиши керак»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, халқимиз ана шундай хўрликларни кўрди. Миллат учун қайғурган фидойи инсон халқ душмани сифатида қатл этилди, қатағон қилинди, миллий кадрларимиз, динимиз, тилимиз софлиги учун курашганлар миллатчи сифатида отилди. Бугун ана шу кишиларнинг фарзанд ва набиралари озодлик, хурлик гаштини суришмоқда. «Инсон табиатидаги олий ва гўзал фазилат, – дейди Гёте, – она ерга муҳаббат, мамлакат қонунларининг ҳимояси остида эркинлик ва мустақилликни ҳис этишдир»<sup>2</sup>. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз бугун мустақиллик гаштини сурмоқда.

Тан олиш лозимки, ҳаётимизда кейинги йилларда муайян муаммолар, камчиликлар, хатолар ҳам тўпланиб қолган эди. Булар ҳақида муҳтарам Юртбошимиз куюнчаклик билан фикр билдирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари ҳамда виртуал қабулхонаси фаолияти ҳам бунга яққол далилдир. «Виртуал қабулхона ва халқ қабулхоналари, – дейди Шавкат Мирзиёев, – ўз фаолиятини бошлагандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бўйича қарийб 890 мингга яқин фуқаро ариза билан мурожаат қилган. Ушбу мурожаатларнинг 93 фоизи ўрганилиб, тегишли жавоб қайтарилди. Мурожаатларнинг қолган қисми эса, айни пайтда, мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда. Алоҳида таъкидлаш зарурки, фуқароларимиздан келиб тушаётган мурожаатларнинг қарийб 80–90 фоизи асосли ва ўринли бўлиб, улар йиллар

---

<sup>1</sup> Наим Каримов. Чўлпон. – Т.: «Шарқ», 2003. 34-бет.

<sup>2</sup> Гёте. Ҳикматлар. – Т.: 2010. 35-бет.

давомида эътибор қаратилмасдан, тўпланиб қолган муаммолар эканини таҳлиллар кўрсатмоқда»<sup>1</sup>.

Бундай муаммолар ижтимоий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш жамиятимиздан катта сафарбарликни талаб этади. Муҳтарам Президентимизнинг давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, мамлакатимиз ва халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг йўллари кўрсатиб берилди. Бу 5 та тамойил ва ғояларда мужассам топди.

Жумладан, бу йилги мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва нишонлашда **«Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз»** деган тамойилга суяниш, амал қилиш тавсия этилмоқда. Мазкур тамойил катта ва муҳим мазмун-моҳиятга эга. Гап бу ерда халқимизнинг мард ва тантилиги, келажакни ёрқин тасаввур эта олиши хусусида кетмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш каби масалаларни ҳал этиш орқалигина буюк келажакни барпо этиш мумкин. Бунда мақсадни тўғри қўйиш, унга интилиш муҳим ўрин эгаллайди, зеро, буюк бобомиз Мир Алишер Навоий айтганидек: «Талабингга, мақсадингга томон тезқадам бўл, чунки истагувчи топгувчидир»<sup>2</sup>.

Айни пайтда мамлакат раҳбари давлат, унинг ташкилот, идоралари билан халқ ўртасидаги алоқалар ҳаддан ташқари расмийлашиб кетганлиги, шунингдек, оддий инсоннинг ғам-ташвишлари, мавжуд адолатсизликлар айрим катта ва кичик амалдорлар томонидан эътиборга олинмаётганлигига ҳам жамият эътиборини қаратмоқда. Бу бежиз эмас, зеро, минг афсуслар бўлсинки, ҳали жамиятимизда айрим адолатсизликлар, инсон манфаатларини поймол этиш ҳолатлари учраб турибди. Энг ёмони, коррупция кўринишлари деярли барча соҳаларда мавжудлиги кўзга ташланмоқда.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил, 16 июнь.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т.: «Шарқ», 2014. 147-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан 2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши кураши тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун мамлакатимизда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатнинг шаклланишига пойдевор бўлди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази мутахассислари мазкур масала бўйича сўровнома ўтказдилар. Респондентларнинг 56,8 фоизи жамиятимизда коррупция борлигини таъкидладилар. Респондентларнинг 76,3 фоизи фикрича, мазкур иллат ҳамма жойда эмас, балки жамиятнинг айрим соҳаларида бор. Масалан, сўровда иштирок этганларнинг 37,6 фоизи томонидан соғлиқни сақлаш, яъни тиббиёт коррупция энг кўп кириб борган соҳа сифатида кўрсатилган. Таълим соҳасида эса бу рақам 31,4 фоизни ташкил этади. Сўровда иштирок этган ҳамюртларимизнинг ҳар тўртинчиси айрим ҳуқуқ-тартибот органлари коррупциялашган, деган фикрни билдирган. Шунингдек, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат, банк, солиқ ва божхона идоралари, ҳокимликлар ҳамда бошқалар фаолиятида ҳам коррупция учраши билдирилган<sup>1</sup>.

Бундай ҳол халқимизда ҳақли равишда айрим норозиликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг 26 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ қарорда **«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»**, деган тамойилга алоҳида урғу берилган. Мазкур тамойилнинг нақадар тўғри эканлигини Шавкат Мирзиёевнинг ўзи амалда исботлаб бермоқда. Қисқа муддатда вилоятларга 2–3 маротабадан ташриф буюриб, асосий эътиборни ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга, уларнинг адолатли ечимни топишга қаратмоқда.

Аслида мамлакат раҳбарининг халқ олдида очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида чиқиши, одамларнинг оғирини енгил қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари адолатли жамият барпо этилаётганидан даракдир. Шу йўлда Ўзбекистон Республикаси Президенти иқтисодиётни янада ривожлантириш, либераллаштириш, унинг

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил, 16 июнь.

рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этишга кўпроқ урғу бермоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар халқимиз, айниқса, ёшлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакат раҳбарининг одиллиги жамиятда камчиликларни тугатиш, айрим адолатсизликларнинг олдини олишга имкон беради. Шу ўринда «Қобуснома»да шундай дейилади: «Асло зулмни кўнглингга келтирмағилки, одил подшоҳнинг хонадони кўп йиллар боқий қолур ва золимнинг хонумони тезда барбод ва нобуд бўлур, нединким, адл ободликнинг нишонидур ва зулм вайронкорлик аломатидур. Ҳукамолар дебдурларки, одил подшоҳ олам хуррамлигининг сарчашмасидур, золим подшоҳ жаҳон харобалиғининг селобасидур»<sup>1</sup>.

Қарорда *«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади»*, деган ғояни кенг фуқаролар орасида тизимли равишда тарғиб этиш лозимлиги белгилаб берилган. Бу бежизга айтилмаган. Шўро давлати ўзини камбағалпарвар сифатида кўрсатар, шу аснода бутун жамиятни бой-бадавлат кишиларга қарши қўйишга интиларди. Бошқача сўз билан айтганда, ўша даврда камбағаллик рағбатлантирилар эди.

Аммо энди у даврлар ўтиб кетди. Мамлакат раҳбарияти, ҳукумат шундай имкониятлар яратиб бермоқдаки, бой бўлмасликнинг иложи йўқ. Қолаверса, Ислом динида ҳам бой бўлиш яхши эканлиги, бойликнинг ҳалол йўллар ва меҳнат билан топилиши инсонни янада улуғлайдиган ҳолат эканлиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, биз доимо кам-кўстсиз, бой-бадавлат яшашга, фаровонликда турмуш кечиришга интиламиз. Аммо бунга эришиш осон эмас. Бунинг учун ҳар бир инсон, биринчидан, ўзидаги дангасалик, ишэкмаслик, ташаббуснинг йўқлиги, лоқайдлик, бепарволик, мавжуд ҳолатдан қониқиш каби салбий «хислат»лардан фориг бўлиши лозим. Иккинчидан, жамият аъзоларини бой қилиш учун давлатнинг ўзи манфаатдор бўлиши лозим. Бундай манфаатдорлик эса одамларга ишлаш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик ва ишбилармон-

<sup>1</sup> *Кайковус*. Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 2011. 176-бет.

лик учун муносиб шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Агар давлат бундай шароитни яратса-ю, одамлар ўзидаги дангасалик каби салбий ҳолатларни бартараф эта олмасалар, – бу, шубҳасиз, давлат ва жамият тараққиётига таъсир кўрсатади.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий қудратини фуқаролар моддий қудратида кўрмоқда. Бундай кенг кўламли вазифани адо этиш учун эса аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, томорқа хўжалиги учун имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, мамлакат раҳбари вазирлик ва ҳокимликларга ҳар бир туман ва шаҳар марказида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этиш вазифасини қўйди. Ана шу кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш учун электр энергияси, табиий газ, сув ва транспорт коммуникацияси, алоқа воситалари, Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда фойдаланилмай ётган давлат объектлари ёш тадбиркорларга «ноль» қиймати билан ижарага берилиши белгиланди. Шунингдек, барча ҳудудларда ташкил этилаётган иқтисодий зоналарда, шаҳарларда эса кичик саноат зоналарида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган тадбиркорлардан ижара ҳақи олинмайдиган тартиб жорий этилиши маълум қилинди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган барча муаммоларни бартараф этиш, камчиликларнинг олдини олиш, шубҳасиз, маънавият, маърифат, инсон тафаккурига, уларнинг ҳолатига боғлиқ. Биз бугун маърифатли жамият куришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Маърифатли жамият фуқаролардан, айниқса, ёшлардан ўзининг маънавий оламини шакллантиришни, улар ўртасида китобхонлик, хусусан, электрон китобхонликни ривожлантиришни, зиёлилар меҳнатини муносиб равишда рағбатлантиришни талаб этади. Шубҳасиз, бу борада катта ютуқларга эришдик. Аммо, афсуслар бўлсинки, ёшларимизнинг муайян қисмида китобхонлик даражаси жуда паст. Китоб мутолаа қилаётганларнинг ҳам аксарият қисми олий таълим муассасаларига кириш мақсадида қўлларига китоб олмоқдалар.

Шу маънода мамлакат раҳбарининг китобхонлик маданиятини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш, Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳужжатларини Ўзбекистонда маърифатли жамият барпо этиш йўлидаги дадил қадамлар сифатида қадрлашимиз лозим. Одамларимизни китоб ўқишга қайтариш, у билан ошно қилиш, айниқса, бадиий адабиётнинг инсонпарварлик, эзгулик йўлида эргаштирувчилик ролини ошириш бугунги кунда ўта муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. «Энди, эй, қардошлар! – деган эди буюк мутафаккирларимиздан Чўлпон, – Адабиёт ўқуйлик. Адиблар етиштирайлук, «адабиёт кечалари» ясайлук. Рух, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук. Агарда «баёз» ва бемаъни бир-икки дона китоблар ила қолсак, маҳви инкирозий бўлурмиз. Юрагимиз кундан кун тошдан ҳам қаттиг бўлур. Юракни эритайлук, руҳ берайлук, инкироз бўлмайлук»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, адабиёт тушкунликка тушган инсон кайфиятини кўтарадиган, одамни мушоҳадага чорлайдиган, синиқ кўнгилларга завқ берадиган, юракни эритадиган, адашганларни тўғри йўлга бошлайдиган, адолатли ҳукм чиқаришга кўмак берадиган бебаҳо неъмат, барчани маънавиятга чорлайдиган, маърифатли жамиятнинг пойдеворини курадиган феномен ҳодиса ҳисобланади. Китоб – маънавият булоғи. Шунинг учун ҳам бекорга биз ўрганаётган қарорнинг муҳим тамойилларидан бири сифатида **«Маънавият – энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз»**, деб таъкидланмаган.

Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган мазкур Қарорда **«қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш»** муҳим тамойилларидан бири сифатида олға сурилган. Бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, дунёнинг тобора глобаллашиб бориши, ташқи ва ички таҳдидларнинг кўпайиб кетиши, динлараро, миллатлараро, давлатлараро низоларнинг кескинлашуви – буларнинг бари ҳар бир мамлакат

---

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надир? – Т.: «Чўлпон», 1994. 37-бет.

рахбарияти, сиёсатдонларидан ўта вазминлик билан ташқи сиёсат олиб боришни талаб этади.

Шуни эсдан чиқармаслик муҳимки, бугунги таҳдидлар эътиқод ва қадриятларга қарши қаратилмоқда. Айни пайтда ҳар қандай давлатнинг вазмин ва пухта ташқи сиёсати қўшнилар билан тенг равишда ўзаро ҳамкорлик қилишни талаб этмоқда. Бу осон иш эмас, чунки мустабид шўро даврида тўпланиб қолган геосиёсий муаммолар, айрим давлатлар лидерларининг ҳиссиётга асосланган ҳолда олиб борган ва олиб бораётган сиёсатлари барчадан ўта зийраклик билан иш тутишни талаб этмоқда. 6200 километрдан ортиқ чегараларимиз хавфсизлигини таъминлаш, турли ғоявий, мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш, ўта оғир оқибатларга олиб келаётган «оммавий маданият»нинг таъсирига дош бериш ва унинг кучини синдириш осон бўлмапти. Қолаверса, мустақиллик йилларида халқимиз нуфусининг 12,5 миллион нафарга ошганлиги, сув, энергетика захираларидаги ўзгаришлар, аҳоли моддий эҳтиёжларининг муттасил ортиб бориши – буларнинг бари мамлакат раҳбариятидан ўта нозик ички ва ташқи сиёсат олиб боришни талаб этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг кейинги 8–9 ой мобайнида олиб бораётган сиёсати, халқимиз ижтимоий онгига тобора сингиб бораётган ҳаётдан розилик кайфияти барчамизни эртанги кунга умид билан қарашга ундамоқда. Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг Ўзбекистон таракқиётидаги беқиёс аҳамияти бугун янада яққолроқ кўринмоқда. Шу ўринда буюк мутафаккирларимиздан Абдурауф Фитратнинг қуйидаги сатрлари бугунги кун учун ўта аҳамиятли эканлигини таъкидлаймиз: «Турма, югур, тинма, тириш, букилма, юксал, хуркма, кириш, қўркма, ёпиш, йўрилма (чарчама), қўзгал»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2000. 41-бет.

## **ОЛИЙ МАЖЛИС ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА**

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида парламент ваколатларининг кенгайтирилиши билан бир қаторда соҳа тизимини, унинг фаолиятини ислоҳ қилиш ва уни ривожлантириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Мустақилликка эришилгандан кейин қисқа давр ичида Ўзбекистонда парламент ваколатларини кенгайтирадиган, такомиллаштирадиган, мажбурият ҳамда ваколатлари, вазифаларини тўлдирадиган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятини тартибга солувчи бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидан. Ушбу қонунларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда улар аъзоларининг фаолиятини такомиллаштиришга бевосита ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Парламент ташкилий жиҳатдан кенг тармоқли бўлганлиги сабабли ҳам давлат ҳокимияти тизимида, умуман, давлатчиликда алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасида парламентаризм соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди, бундай нати-



жалар мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

*Охирги йилларда олиб борилаётган парламент соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган мақсад: биринчидан, қонунчилик фаолияти самарадорлигини ошириш; иккинчидан, парламент назорати вазифаларини кенгайтириш ва кучайтириш; учинчидан, парламент фаолиятида ҳудудлар ролини кучайтириш; тўртинчидан, парламентнинг барқарор ишлаши учун кафолатлар тизимини яратиш; бешинчидан, депутатлар ва сенаторларнинг профессионал сифатлари, умуман, парламентаризм маданиятини ривожлантиришга қаратилган.*

Парламент нафақат ҳокимият тизимида, умуман, мамлакат ва унинг аҳолиси тақдирида катта ўрин тутади. Парламентнинг қандай ташкил қилинганига қараб мамлакатга баҳо бериш, унинг қандай йўл тутганини аниқлаш мумкин. Парламент халқ ҳокимиятининг ишончли ва ёрқин кўринишидир. Шундай экан, давлат ҳокимиятини демократлаштиришда олиб борилган изчил ислоҳотлар, албатта, халқимиз турмуш тарзининг янада фаровонлашуви, қолаверса, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг узвийлигини таъминлашда бевосита хизмат қилади.

Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» ҳар қандай ислоҳот босқичма-босқич, яъни тадрижий-эволюцион йўл билан амалга оширилиши лозимлигини кўрсатиб берди. Парламент назорати соҳасида нафақат хорижий мамлакатлар парламентларида, балки ўзбек миллий парламентаризми тарихида ҳам ўзига хос тажриба тўпланган. Мазкур институт мамлакатимиз парламенти икки палатали шаклда фаолият юрита бошлаганидан сўнг янада такомиллаштирди.

Айниқса, 2011 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96, ва 98-моддаларига)»ги

Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг мантиқий давомийлигини кўрсатиб берди. Қонуннинг асосий мақсади демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришдан иборат.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси биринчи қисмининг 15-бандига қўшимча киритилган бўлиб, унга кўра, Олий Мажлис палаталарига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилди. Мазкур янгиллик мамлакатимиз парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш орқали давлат ҳокимияти тизимида ўзаро бир-бирини тийиш ва мувозанат сақлаш принципининг янада самарали амалга оширилишини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш имкониятларини анча кенгайтиради. 2011 йил июль ойида ушбу қонуннинг амалдаги ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳукумат фаолиятига доир ҳисоботи эшитилди.

Мазкур ўзгартиш киритилиши орқали Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитишдан иборат парламент тинглови институтининг миллий қонунчилик негизи яратилиши таъминланади. Бу билан мамлакатда амалга оширилаётган ислохотнинг баъзи стратегик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини тинглаш сингари

муҳим парламент назоратининг институтларидан фойдаланиш у ёки бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлашга, бу муаммоларни ҳал қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш ва қабул қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш орқали, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 21-бандига ўзгартиш киритиш бўйича «ушбу Конституцияда назарда тутилган парламент назорати ва бошқа ваколатларни амалга оширади» деган мазкур қоида ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилини амалда жорий қилиш, улар ўртасида мувозанатни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, ҳокимиятнинг учала тармоғининг фаолиятида том маънодаги мустақиллик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи ҳуқуқий асосдир. Бу қоида нафақат Конституциянинг 78-моддаси, балки Асосий Қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган парламент назоратига доир бошқа ваколатларни амалга оширишни назарда тутди.

2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан сўзланган маърузада таъкидлаб ўтганидек: «Бу борадаги ишларни ташкил этишда парламент сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан кенг фойдаланиш керак»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, ижро ҳокимияти ва вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашда парламент назорати шаклларида унумли фойдаланиш ҳозирги даврда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати раҳбарияти, депутатлар ва сенаторлар парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. 18-бет.

муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳар қайси вилоятдан, масалан, Сурхондарёдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда, айтишлик, Музработ туманида бўлиб, ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маълумки, ҳозирги кунда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар йили Бош прокуратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу, албатта, муҳим, лекин жойлардаги, масалан, узоқ Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар бўлимларининг ҳисоботини ким эшитади?

Шу нуқтаи назардан қараганда, Биринчи Президентимиз жорий этган тизим асосида Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси жойларга чиққанларида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни, уларнинг мурожаатларини қандай ҳал қилаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш тартибини янада кучайтириш, депутат ва сенаторлар масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурининг жойлардаги ижросини назорат қилиш, жойида ҳал этиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозим ва бу ҳозирги куннинг талабидир.

Маълумки, 2017 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони лойиҳаси, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» лойиҳаси, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди.

*Хусусан, лойиҳаларнинг «Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги янада ошаяпти ҳамда мамлакатимизда бўлаётган ислоҳотларга улар бефарқ эмас.*

Ҳаракат стратегиянинг биринчи йўналиши **«Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари»** деб номланган бўлиб, «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш», «Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш», «Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш» йўналишларини ўз ичига қамраб олган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган охириги йиллардаги ислоҳотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масалалари диққат-эътиборимизда турибди. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг биринчи устувор йўналишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қарорлар, чора-тадбирлар дастури режасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, 2016 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда «парламент назорати» тушунчаси, мақсади, парламент назорати субъектлари, парламент назорати шакллари, жавобгарлик масалалари каби муҳим қоидалар ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида

парламент назоратини кучайтириш, унинг шаклларида унумли фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтган эдилар. Дарҳақиқат, ушбу йил халқ билан мулоқот, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифалардан келиб чиққан ҳолда, халқ вакили сифатида парламентнинг олдига ҳам улкан вазифалар ва юқори даражадаги масъулиятни юклайди. Қабул қилинган қонунлар ҳам ҳаёт билан ҳамнафас бўлган ҳолда доимо такомиллашиб, ривожланиб бораверади.

2017 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойлардаги аҳволни ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниб, ушбу Қарорда ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хулосалар бериши; Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиши; Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиши назарда тутилди. Олдинлари, Қонунчилик палатаси депутатлари бир йилда тўрт марта ўз сайловчилари билан учрашган бўлса, эндиликда ҳар ойда ушбу учрашувлар ташкил этилади.

2017 йил 1 февралдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларга чиқиб, Қарорда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришга киришдилар. Халқ билан учрашувлар ўтказиб, бевосита мулоқот қилиб, ҳудуддаги мавжуд камчиликлар, муаммолар, ечилиши лозим бўлган масалаларни ўрганиб, таҳлил қилиб, ўз хулосаларини шакллантириб, тегишли сессияларда муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилдилар. Бу, албатта, халқимизнинг давлат органларига, халқ вакилларига бўлган ишончини янада оширади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги маърузасида хорижий сармоялар ва илғор технологияларни иқтисодийга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги элчилар нафақат сиёсий, айни вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор. Уларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайтириш зарур. Бу қўмита халқаро иқтисодий ҳамкорлик, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш масалалари бўйича парламент назоратининг муҳим бўғинига айланиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Сенати Раисининг ушбу масалаларни мувофиқлаштирувчи, назорат қилувчи биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Дастурида, давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг роли ва мавқеини оширишга қаратилган бир қанча тегишли қонунларга қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу қўшимчалар давлатнинг ташқи сиёсати амалга оширилиши, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши устидан назорат ваколатларини мустаҳкамлайди; хорижий давлатлар парламентлари билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми такомиллаштирилади; Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини рўёбга чиқариш учун парламент дипломатиясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Қолаверса, ушбу Дастурда Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги доимий вакили лавозимини таъсис этиш масаласи ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу вакиллик институти парламент ва ижроия ҳокимияти органининг қонун ижодкорлиги соҳасида, шунингдек, ижро органлари фаолияти устидан парламент

назоратини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига охириги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятида ҳам ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Бош вазир лавозими номзодлигига сайловлар натижаларига кўра, Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумининг киритилиши, ҳар йили Олий Мажлисга Вазирлар Маҳкамасининг ўз маърузаларини тақдим этиши, тегишли давлат органлари мансабдор шахсларининг Олий Мажлисга ўз ахборот ва ҳисоботларини киритиши, Бош вазир лавозимига номзод тасдиқланаётганда бир вақтнинг ўзида яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Албатта, ушбу ислохотлар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, давлат сиёсий тизимининг янада эркинлашишига бевосита хизмат қилади.

Қонунларнинг давлат ва жамият ҳаётида тўла акс этиши ҳамда халқ фаровонлигига хизмат қилиши қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва реал ҳаётий муносабатларни тартибга солиши билан боғлиқ. Қонунларнинг сифати ва ҳаётбахшлиги кўп жиҳатдан қонун ижодкорлиги жараёнининг тўғри ташкил этилиши билан белгиланади.

Бугунги кунга қадар қонун ижодкорлиги соҳасида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, Олий Мажлиснинг бир палатадан икки палатага ўтиш, қонунларни қабул қилиш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг фаол иштирокини таъминлаш, қонунларни қабул қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, илмий жамоатчиликни кенг жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Ўтган йиллар мобайнида қонун лойиҳаларини тайёрлашда тўпланган ижобий тажрибалардан бири қонун матнларини соҳа



мутахассислари муҳокамасидан ўтказиш ҳисобланади. Бир неча кишидан иборат таркибдаги мутахассис ва экспертлар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда ўтказадиган муҳокамалари қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳият жиҳатидан сифатини оширишга ёрдам бермоқда. Қонун матни устида бундай ишлашни уни тайёрлашнинг дастлабки босқичидан бошлаб то ниҳоясига етказиш давригача амалга ошириш лозим.

Ҳозирги кунда республикамызда фаолият юритаётган фуқаролик жамиятининг институтлари, олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертлар мамлакатимиздаги турли соҳалардаги долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишга кенг жалб қилинмоқда. Ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларининг кенг жамоатчилик ўртасидаги муҳокамалари айнан фуқаролик жамияти институтлари орқали ўтказилиб келинаётгани ҳам диққатга сазовор. Бу борада ўзига хос миллий тажриба ҳам шаклланиб бораётганини қайд этиш жоиз.

Ушбу йўналишдаги амалий фаолиятни янада такомиллаштириш, эксперт гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2015 йил 15 сентябрдаги 219–III-сонли Қарори билан Қонунчилик палатаси кўмиталари ҳузуридаги эксперт гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ушбу фаолият йўналишининг қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида, 2015 йил 29 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги Қонунга янги, 71-модда киритилди. Яъни, Қонунчилик палатасининг кўмиталари ҳузурида эксперт гуруҳлари тузиш масаласи бўйича. Ушбу янги норма юзасидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишга, назорат-таҳлил тадбирларини тайёрлаш ва ўтказишга кўмаклашиш мақсадида Қонунчилик палатасининг кўмиталари ҳузурида эксперт гуруҳлари тузилади. Эксперт гуруҳлари давлат органларининг, илмий ва таълим муассасаларининг, нодавлат ношаро ташкилотларининг тегишли соҳаларда илмий иш тажрибасига, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва (ёки) амалий иш тажрибасига эга бўлган малакали

мутахассислари орасидан тузилади. Қонунчилик палатасининг кўмиталари ҳузурида эксперт гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланиши мустаҳкамлаб кўйилди.

2016 йил январь ҳолатига кўра, Қонунчилик палатаси кўмиталари ҳузурида тузилган эксперт гуруҳларининг тузилмавий таркибига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, уларнинг таркиби малакали мутахассис ва етук олимлардан шакллантирилганлигини кўриш мумкин.

### **Эксперт гуруҳларининг тузилмавий таркиби**

Давлат органлари вакиллари – 34 %

Профессор-ўқитувчилар – 27 %

ННТ вакиллари – 15 %

Илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари (олимлар) – 13 %

Бошқалар – 11 %

Ушбу статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, эксперт гуруҳларининг таркиби турли жамоатчилик вакилларида шакллантирилган. Бу эса, албатта, қонун лойиҳаларининг кенг ҳамда самарали тарзда муҳокама қилинишига ёрдам беради.

Аммо, бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар доирасининг кенгайиб бориши ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг жадаллашуви замон талабларига мос келувчи, ҳаётий бўлган янги қонунлар қабул қилиш эҳтиёжини вужудга келтирмоқда. Бу эса, албатта, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш заруратини уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали

тадбирдаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқда қонунларнинг ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларини яратиш борасида қилиниши лозим бўлган ишларга, чунончи, қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаётгани, уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолаётгани ҳақидаги танқидий фикрлари қайд этилди.

Қолаверса, Президентимиз таъкидлаганидек, асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган. Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.

Дарҳақиқат, шахс, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шундай экан, қабул қилинаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳар томонлама аниқ, пухта, ихчам тарзда ишлаб чиқилиши, биринчи навбатда, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилиши лозим.

Юртбошимизнинг юқорида билдирган фикр-мулоҳазаларида назарда тутилган камчилик бугунги кунда қонун ижодкорлиги соҳасида бартараф этилиши зарур бўлган жиддий камчиликдир. Шу сабабли уларни бартараф этиш билан боғлиқ вазифалар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомил-

лаштиришнинг устувор йўналишлари» номли биринчи бўлимида ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири сифатида акс эттирилди. Ушбу вазифа қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган қонунларни амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда тубдан оширишдан иборат. Ушбу вазифа мақсади бугунги кунда қонун ижодкорлиги фаолиятини янги босқичга кўтаришни назарда ту-тади.

Шунингдек, мазкур мақсад ва вазифаларни бажариш учун бир канча чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Биринчидан, бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунларни ҳар томон-лама танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилишга қаратилган ҳамда олинган натижалар асосида ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган қонун ижодкорлиги режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашдир.

Бундай ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган қонун ижодкор-лиги режаларининг қабул қилиниши натижасида қабул қилинган қонунлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сифати ва ҳаётийлиги таъминланади.

Шунингдек, қабул қилинган қонунларнинг бугунги кунда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотларига тўсқинлик қилаётган нормалари бекор қилинади.

Иккинчидан, қонун ижодкорлиги соҳасини такомиллашти-ришнинг яна бир йўналиши сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган янги қонунлар қонуности ҳужжатларни, айниқса, идоравий ҳуқуқ ижодкорлигини кескин қисқартиришга қаратилган ҳамда тўғридан тўғри ҳаволаки норма-ларсиз амал қилишини таъминловчи қонун лойиҳаларини назарда тутувчи режаларни ишлаб чиқишни келтириш мумкин.

Бундай режаларнинг ишлаб чиқилиши Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар-ни тўлиқ тартибга солувчи ички ташкилий-ҳуқуқий механизмлар билан бойитилишини таъминлайди. Бу эса қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлигини оширади ҳамда бошқа давлат органла-

ри томонидан идоравий манфаат нуқтаи назаридан турлича талқин қилиниши олдини олади.

Учинчидан, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида қонун ижодкорлиги фаолияти ва қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан ахборот-таҳлил ва тадқиқот фаолиятини кучайтириш билан шуғулланувчи таркибий тузилмаларни ташкил этишдир.

Ушбу таркибий тузилмаларнинг ташкил этилиши Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини оширишга ҳамда қабул қилинаётган қонунларни чуқур таҳлил ва асослантиришлар ёрдамида қабул қилишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини оширишга хизмат қилувчи яна бир муҳим институт – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги Доимий вакилидир. Ушбу вакиллик институти парламент ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш ва янги босқичга кўтаришга замин бўлади.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йил 12 июль куни Шавкат Мирзиёев «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак» номли маърузасида парламентимиз фаолиятини таҳлил қилиб, уни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурдилар. Мазкур маърузада парламент фаолиятида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишларини ҳам етарли, деб бўлмаслиги қайд этилиб, бу каби ҳолатларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Хусусан, «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилиб, унда парламент ваколатларини янада кенгайтириш назарда тутилди.

Мазкур маърузада Президентимиз: «Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади. «Парламент – демократия мактаби», деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак. Бу борада сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлар барчага намуна бўлишингиз зарур. Чинакам баҳс-мунозара, принципал тортишувлар аввало шу ерда – парламент минбарида бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциянинг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ намоён бўлади», деб асосли таъкидлади. Ўйлаймизки, депутат ва сенаторлар юртбошимиз томонидан кўйилган вазифа ва мақсадларга эришишда ўз имкониятларини тўлиқ ишга соладилар.

### **Давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш**

Парламент фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган сиёсий институт – сиёсий партияларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг мақсад-муддаолари ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилоти – сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокларини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Мустақилликка эришилган пайтдан бошлаб мамлакатимизда сиёсий партияларнинг фаолиятини жонлантириш ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар узлуксиз тарзда амалга оширилмоқда. Шу кунгача амалга оширилган ислохотлар натижасида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий пар-

тияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида Конституция ва бир қатор қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам бу соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди, натижада Ҳукумат таркибини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштироки таъминланди, ишончсизлик вотуми институти жорий қилинди, парламент назоратини амалга ошириш шакллари кенгайтирилди ва сиёсий партиялар парламент назоратининг асосий субъектлари сифатидаги ўрни мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришга қаратилган ишлар ўз ниҳоясига етмади, Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистоннинг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев 2017–2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқиладиганлигини маълум қилди<sup>1</sup>. 2017 йил 7 февралда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида асосан тасдиқланган ушбу муҳим ҳужжатнинг биринчи устувор йўналишида сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим масалалар белгиланди. Дарҳақиқат, бугунги кунда давлат ва жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Зотан, ҳукуқий давлат ва демократик жамиятни қўппартиявийлик тизимисиз, фаол ва соғлом рақобатда иш олиб борувчи сиёсий партияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга

---

<sup>1</sup> *Шавкат Мирзиёев*. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. 25-бет.

бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш масаласи кўзда тутилган.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалардан кутилаётган асосий натижалар сифатида куйидагилар белгиланган:

*биринчидан*, партия гуруҳлари томонидан халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳақидаги таклифларни киритиш ваколатига эга бўлади. Бу, ўз навбатида, маҳаллий вакиллик органларидаги сиёсий партия гуруҳлари фаолиятининг жонланишига хизмат қилиб, маҳаллий ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг депутатлар олдидаги масъуллигини оширади;

*иккинчидан*, туман (шаҳар) ҳокими номзодини вилоят ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш тартиби жорий қилинади. Бу, ўз навбатида, ҳоким номзоди юзасидан сиёсий партиялар манфаатларнинг инобатга олиниши, ҳокимнинг, шу жумладан, сиёсий партиялар олдидаги масъулиятининг кенгайишига хизмат қилади;

*учинчидан*, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишли туман (шаҳар) ҳокимларининг, шу билан бирга, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни тақдим этиш ҳуқуқи берилади. Мазкур чора-тадбир маҳаллий ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш каби парламент назорати шаклининг самараси ортишига замин яратади;

*тўртинчидан*, Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги жамоатчилик вакиллари сифатида тегишли сиёсий партия ҳудудий бўлимларининг вакиллари бириктириб қўйилади. Бу, ўз навбатида, марказий ва маҳаллий даражадаги сиёсий партия вакиллари фаолиятининг интеграциялашуви, маҳаллий даражадаги



масалаларнинг парламент даражасида ҳал қилиш механизмининг ривожланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ва-зифалар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ижрочи котиблари лавозимининг таъсис этилиши кўзда тутилган. Мазкур чора-тадбир қуйи палата-даги сиёсий партиялар сиёсатини парламент қуйи палатасида ҳи-моя қилиш ишини ташкил этишга, кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан фракциянинг ягона ёндашувини ишлаб чиқишга, фракция аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш мақса-дини кўзлаб, сиёсий партия фракциялари фаолияти самарадор-лигининг юксалишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Қари-мов таъкидлаганидек, «Партия дегани – бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъ-носини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади».

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатда вакиллик демократияси шакл-ланишини сиёсий партияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ролини оширишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Улар фаолиятининг қонуний асослари мустаҳкамлаб бориляпти, ваколатлари кенгаймоқда. Натижада, сиёсий партияларнинг ислохотлар самарасини янада оширишда масъулияти кучаймоқда. Партиялар фаолиятининг таш-килий-ҳуқуқий, молиявий шарт-шароитлари мустаҳкамланмоқда, уларнинг халқ орасидаги обрўси ортиб, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги таъсири тобора кучайиб бормоқда. Сиё-сий плюрализм ва кўппартиявийлик жамият ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Сиёсий партия – муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиё-сий ташкилот. Демократик жамиятда сиёсий партиялар жамият

сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар бевосита давлат фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлашда иштирок этади, давлатнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда қатнашади.

Кўппартиявийлик тизими шароитида ҳар бир сиёсий партия ўзининг муқобил дастур ва ғояларини жамиятга татбиқ этади, улар ўртасида соғлом ғоялар кураши кечади. Бу жараёнда, албатта, жамият катта наф кўради, эркин ва фаровон ҳаёт қарор топишига замин яратилади<sup>1</sup>.

Умуман қараганимизда, ҳар бир сиёсий партиянинг ўз дастур ва уставларида белгиланган мақсад ва вазифалари бир-биридан бевосита фарқ қилади. Шунинг учун партиялар жамиятда ўзининг алоҳида йўналишига эга бўлади. Сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган бўлса, илгари сурилган ғоялар ўзининг ҳаётий ечимига эга бўлсагина, сиёсий партиялар ўзининг етарлича тарафдорларига эга бўлади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ кўппартиявийлик тизими бевосита шаклланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 4 та сиёсий партия – Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу партиялар ўзининг дастур ва уставларида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, фаолиятларини амалга оширмоқдалар. Масалан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби халқ демократияси тамойилларига амал қилган ҳолда, давлат ҳокимияти вакиллик органларида аҳолининг қуйи қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйса, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси иқтисодиёт ва ижти-

---

<sup>1</sup> С. Бердиқулов. Демократик янгиланиш жараёнларида сиёсий партияларнинг ўрни. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. 15-бет

мой соҳаларда инновацион тараққиётнинг, яратилган моддий бойликларни адолатли тақсимлашнинг, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилишнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг фаол тарафдори, деб билади.

Ёки Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси мустақиллик йилларида бошланган миллий кадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояларни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида диний анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдори бўлса, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар, моддий ва интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ифодалайди, ҳимоя қилади.

Ҳар бир сиёсий партиянинг ўз дастур ва уставларида белгиланган мақсад ва вазифалари бир-биридан бевосита фарқ қилади. Шунинг учун партиялар жамиятда ўзининг алоҳида йўналишига эга бўлади. Сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган бўлса, илгари сурилган ғоялар ўзининг ҳаётий ечимига эга бўлсагина, сиёсий партиялар ўзининг тарафдорларига эга бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида кўппартиявийлик тизими янада ривожланмоқда, сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки кенгаймоқда, улардан кўрсатилаётган номзодлар сайловчилар томонидан етарлича қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу ҳолатни биргина 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижаларида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайлови натижаларига кўра, депутатлик ўринларини 52 нафар – Ўз-ЛиДеП, 36 нафар – «Миллий тикланиш» ДП, 27 нафар – ЎзХДП,

## ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

20 нафар – «Адолат» СДПдан кўрсатилган номзодлар эгаллади. Сайланган 150 нафар депутатдан 40 нафари (27%) илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Шунингдек, депутатларнинг 24 нафари (16 %) аёллардир<sup>1</sup>. Ушбу сайлов натижаларидан ҳам гувоҳи бўляпмизки, сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат янада

1 - ж а д в а л

### 2014 йилги сайловлар натижаси

				
ЎзЛиДеП 52 та ўринга эга бўлди	Ўз. МТДП 36 та ўринга эга бўлди	Ўз. ХДП 27 та ўринга эга бўлди	«Адолат» СДП 20 ўринга эга бўлди	Экоҳаракат 15 та ўринга эга бўлди
Фракция раҳбари: <i>Турдиев Содиқжон</i>	Фракция раҳбари: <i>Отамуратов Сарвар Саъдуллаевич</i>	Фракция раҳбари: <i>Кетмонов Ха- тамжон Абду- раҳмонович</i>	Фракция раҳбари: <i>Умаров Нариман Маджитович</i>	Гуруҳ раҳбари: <i>Алиханов Борий Ботирович</i>
Қуйидаги қўмиталарни бошқаради: 1. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар; 2. Суд-ҳуқуқ ва қонунчилик; 3. Саноат, қурилиш ва савдо; 4. Аграр ва сув хўжалиги масалалари.	Қуйидаги қўмиталарни бошқаради: 1. Демократик институтлар ва ФЎҒБО; 2. Ахборот ва коммуника- цион техно- логиялар; 3. Халқаро ишлар ва парламент- лараро алоқалар.	Қуйидаги қўмиталарни бошқаради: 1. Мудофаа ва хавфсизлик; 2. Меҳнат ва ижтимоий масалалар.	Қуйидаги қўмитани бошқаради: 1. Фан, таъ- лим, мадани- ят ва спорт масалалари.	Қуйидаги қўмитани бошқаради: 1. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси. 2015 йил № 1–2 (34–35)-сон.

кучаймоқда, номзодлар ҳамда сайловчиларнинг сайловлардаги иштироки, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги кескин ошмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгилаб қўйилган. Қолаверса, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги ўзаро мутаносиблик ҳамда манфаатлар мувозанатини таъминлашда сиёсий партиялар иштирокининг қонуний асослари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 та (10, 12, 32, 34, 56, 57, 58, 60, 62, 106, 108, 112, 120) моддасида сиёсий партиялар билан боғлиқ қоидалар киритилганлиги, давлат ва жамият тизимида сиёсий партияларнинг ўрни конституциявий нормалар орқали аниқ белгилаб қўйилганлигини яққол кўрсатади.

Агар хорижий мамлакатлар тажрибаларига эътибор қаратадиган бўлсак, дунёда биринчи бўлиб, Германиянинг 1949 йил 23 майдаги Конституцияси (21-моддаси) сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомининг асосий принципларини аниқ белгилаб қўйди<sup>1</sup>.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб эса аксарият давлатларда партияларнинг бошқа жамоат ташкилотлари орасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини эътироф этган ҳолда, конституцияларда берилган қоидаларни тасдиқлайдиган ва ривожлантирадиган сиёсий партиялар тўғрисидаги махсус қонунлар пайдо бўла бошлади. Сиёсий партиялар ҳақидаги илк қонунлар Германияда (1967 йил 24 июнь), Португалияда (1974 йил), Австрияда (1975 йил), Испанияда (1978 йил) ва бошқа мамлакатларда қабул қилинган. Уларда, асосан, партияларнинг тушунчаси, партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принциплари, вазифалари, партияларнинг давлат билан муносабатлари каби масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

<sup>1</sup> Қаранг: Жаҳон конституциялари. I жилд. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. 384-бет.

*2007 йил 11 апрелда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириши ҳамда мамлакатни модернизация қилишида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириши тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-модасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиши тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Конституциявий қонун сиёсий партия фракцияларига ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатишида муҳим ҳуқуқий асос бўлди.*

2013 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун партиялараро, хусусан, фракциялараро рақобатнинг ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантирди. Унга кўра, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари иштирокининг процессуал механизми мустаҳкамланди. Эндиликда, қонун лойиҳаси бўйича масъул қўмита фракцияларнинг қонун лойиҳасига доир фикр ва таклифларисиз қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳасига доир фикр ва таклифлари инобатга олинади, шунингдек, Қонунчилик палатаси мажлисларида лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида маърузачи барча ўқишларда фракцияларнинг фикр ва таклифларини депутатларга етказди. Мазкур нормаларнинг белгиланиши қонун ижодкорлиги жараёнида фракциялар ўртасида рақобат муҳитининг амалда кучайишига хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2014 йил 16 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва

117-моддаларига)»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонун мамлакатимизда сиёсий партиялар ва уларнинг фракцияларини давлат бошқарув органларини шакллантиришдаги иштирокини янги босқичга кўтариб берди. Ушбу Қонунда жамоатчилик назорати, парламент назорати каби институтларга илк бор конституциявий мақом берилди. Бу эса сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг норматив-ҳуқуқий базасини янада кучайтирди.

2015 йил 14 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламентнинг куйи палатасида «Демократик кучлар блоки»ни тузиш масаласи муҳокама этилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Дастурида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш мақсадида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – партия гуруҳлари томонидан маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш тартибини киритиш; туман (шаҳар) ҳокими номзодини вилоят ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш; халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг,

шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қоникарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни тақдим этиш ҳуқуқини бериш; Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги жамоатчилик вакиллари сифатида тегишли сиёсий партия ҳудудий бўлимларининг вакилларини бириктириб қўйиш.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган амалий ишларимизнинг самараси ўзбек моделининг тамойилларидан бири ҳар бир ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёни билан узвий боғлиқ. 2007 йил 11 апрелда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунда вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашув ўтказиш ҳамда партия гуруҳларига ҳоким фаолиятини назорат қилиш функциясига эга бўлиш билан боғлиқ нормаларнинг ифодаланиши нафақат сиёсий партиялар ролини кучайтиришга, қолаверса, давлат бошқарувининг демократик асосларини такомиллаштириш ва тадрижий равишда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш имкониятини яратди.

Эндиликда, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари партия гуруҳларига ушбу ҳуқуқларнинг берилиши партия гуруҳларининг вакиллик назорати функциясини янада кучайтиради, уларнинг тегишли ҳокимият номзоди юзасидан ўз фикрларини билдиришларига, улар фаолиятини таҳлилий баҳолашга ҳуқуқий замин яратади.

Мазкур ўзгартишлар сиёсий партиялар фаоллигининг янги босқичга кўтарилишига, партия гуруҳларининг ҳудудларнинг турли муаммоларини ҳал қилишдаги иштироки билан бирга, бу муаммоларни ҳал қилувчи маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширишда бевосита қатнашиш имкониятини беради.

Қонунчилик палатаси депутатларининг халқ билан мулоқот қилиш тизимидаги ролининг кенгайиши натижасида уларнинг жой-



лардаги жамоатчилик вакиллари сифатида тегишли сиёсий партия худудий бўлимларининг вакилларини бириктириб қўйиш масаласи ниҳоятда долзарбдир. Қонунчилик палатаси депутати нафақат халқ билан учрашувлар ўтказиш даврида, қолаверса, жойлардаги вакиллар орқали доимий ҳолатлардан хабардор бўлиш ва тегишли ҳаракатларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

2017 йил 12 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак» номли маъруза билан чиқиш қилиб, сиёсий партиялар фаолият самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурдилар. Шунингдек, йиғилишда эришилган ютуқлар қайд этилган ҳолда, ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий руҳда таҳлил қилинди, ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, Президентимиз сиёсий партияларнинг маҳаллий давлат ижроия ҳокимияти органлари устидан назорати таъсирини ошириш бўйича аниқ таклифларни илгари сурдилар. Масалан, келгусида ҳар бир туман ёки шаҳар ҳокими номзодини вилоят ҳокими томонидан тегишли маҳаллий Кенгашларда ҳар бир партия гуруҳи билан маслаҳатлашув ўтказилганидан сўнг тегишли сессияда тасдиқлаш тартибини жорий этиш таклиф этилди. Бундан ташқари, ҳоким лавозимига номзод сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган кадрлар орасидан танлаб олинади, яъни ҳоким муайян сиёсий партиядан бўлади. Бунинг учун ҳар бир сиёсий партиядо ҳокимликка номзодлар бўйича кадрлар захирасини шакллантириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, айтилган пайтда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига тегишлича туман ёки шаҳар ҳокимлари, шунингдек, маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тақдим этиш ҳуқуқини ҳам бериш кераклиги таъкидланиб, бу бора-

да ҳар бир сиёсий партия гуруҳи ўз хулосасини бериши лозимлиги қайд этилди.

Яна бир таклиф – бундан буён вилоят ва республика миқёсидаги ижроия ҳокимияти юқори лавозимларига тайинлашда партиялар фикрини албатта инобатга олиш тартибини жорий этиш масаласи. Шу муносабат билан Президентимиз масъул ташкилотларга бир ой муддатда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга ва бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифасини топширди.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий партиялар ролининг ортиб бориши жамиятда демократик ислохотларнинг янада фаоллашувиغا, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида бевосита қатнашувларига мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий имкониятлар яратилади.

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга демократик давлат куриш, инсон олий қадрият ҳисобланган жамиятни шакллантиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг заминида эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир.

Мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятида инсон омилининг устуворлик қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллиги янада кенгрок намоён бўлмоқда. Шундай экан, ҳар бир амалга оширилаётган кундалик ишларимизда қонун устуворлигига эътибор қаратишимиз ҳамда масъулиятимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Давлат бошқаруви тизимида олиб борилган ислохотлар ва хусусан маъмурий ислохотлар борасида ҳар бир давлат тарихий, сиёсий, ҳуқуқий ёки маданий хусусиятлардан келиб чиқувчи ўзининг тажрибасига эга. Лекин шу билан бирга, баъзи бир умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Бундай умумийлик, биринчи навбатда, олиб бориладиган маъмурий ислохотларнинг мақсади, асосий йўналишлари ҳамда кўринишларида намоён бўлади.

Маъмурий ислохотлар: бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга, давлат бошқаруви тизимида «рақобат» принципини жорий этишга, давлат бошқаруви тизимида номараказлаштиришга, бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмини ўзгартиришга қаратилган.

Аксарият давлатларда маъмурий ислохотларнинг мақсади оммавий бошқарув тизимининг транспарентлигига ҳамда маъмурий ва суд процедураларини такомиллаштиришга, иккинчи гуруҳ давлатларда эса, бошқарув тузилмалари ва улар фаолиятини такомиллаштириш, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган. Учинчи гуруҳ давлатларда маъмурий ислохотлар давлат бошқарувини демократлаштириш ҳамда номарказлаштиришни назарда тутлади.

Ҳозирги кунда маъмурий ислохотларнинг қуйидаги икки асосий йўналишини кўрсатиб ўтиш мумкин:

*биринчидан*, бошқарув функцияларини ислоҳ этиш.

Бундай ислохотлар мазмунини давлат органлари ваколат (вазифа, функция)ларини оптималлаштириш, ортиқча ва такрорланувчи функциялардан воз кечиш ташкил этади.

Бошқарувдаги функционал ўзгаришлар бир неча йўналишларда, яъни бошқарув функцияларини номарказлашган ташкилотларга ўтказиш ёки бошқарув функцияларини давлат органлари тизимида қайта тақсимлаш ёхуд марказлашган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида қайта тақсимлашда намоён бўлади.

Замон талаби асосидаги маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири айнан номарказлаштириш, яъни марказлашган давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш ҳисобланади.

*Иккинчидан*, маъмурий процедураларни ислоҳ этиш.

Маъмурий процедураларни ислоҳ этиш жараёнида бошқарув қарорларини қабул қилиш тартиби, ушбу механизмдаги давлат хизматчиларининг тутган ўрни ва роли ўзгаради.

Маъмурий процедуралар шундай жараёнки, унда бошқарув субъектларининг ваколоти доирасидаги вазифаларни бажаришга ҳамда оммавий хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳаракатларнинг кетма-кетликда амалга оширилишини назарда тутувчи тартибот намоён бўлади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ю.А. Тихомиров. Административное право и процесс: Полный курс. – М.: Тихомиров, 2005. – с. 611.

Бошқарув тизимидаги процедуравий ислохотлар, бошқарувдаги функционал ўзгаришлар сингари, давлат тузилмаларининг фаолиятига тегишли масалаларни кўриб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали таъсир кўрсатади. Процедуравий ислохотларнинг олиб борилиши билан, биринчидан, маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солиш такомиллашади; иккинчидан, ортиқча ва такрорланувчи процедуралар (хатти-ҳаракатлар) барта-раф этилади, яъни соддалаштирилади; учинчидан, маъмурий процедуралардаги очиклик таъминланади. Процедуравий ислохотлар нафақат бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибининг ўзгаришига, балки давлат хизматчиларининг мақоми (хатти-ҳаракати)га ҳам таъсир кўрсатади.

Давлат хизматини ислох этиш унинг самарадорлигини оширишга ҳамда тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий муносабатларга мослашиб боришига хизмат қилиши лозим.

Хорижий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, маъмурий ислохотлар давлат тузилмаларидаги бошқарув билан бизнес соҳасидаги менеджментни яқинлаштириб, хизматлар сифатини оширишга ҳамда бошқарув қарорларини оператив равишда қабул қилиш ва амалга оширишга хизмат қилиши лозим.

Олиб борилган ислохотлар давлат хизматчиси томонидан аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириши, жисмоний ва юридик шахсларнинг тегишли ҳужжатлар (маълумотлар) олишини енгиллаштириши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида аҳоли хабардорлигини яхшилаши лозим.

Маъмурий ислохотлар давлат хизматида маъмурий-буйруқбозлик ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Маъмурий ислохотлар давлат хизматчиларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини жорий этиш ва такомиллаштириб боришни ҳам назарда тутади.

Давлат хизматидаги ислохотлар давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш механизмини ҳам жорий этади. Амалда давлат хизматчиси фаолиятини натижасига қараб баҳолаш кенг қўлланилади. Баҳолаш механизми хизмат мажбуриятларини са-

марали амалга ошираётган давлат хизматчисининг олдинга қараб ҳаракатланишига, давлат хизматчиси фаолиятидаги нуксонларни аниқлашга, нолойиқ хизматчиларни бўшатишга хизмат қилади. Баҳолаш механизмининг омиллари сифатида давлат хизматчиси томонидан кўрсатилаётган хизматлар самарадорлиги, сифати, кам ҳаражат, ишчанлик, ташкилотчилик, мажбуриятларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилиши кабилар намоён бўлади. Маъмурий ислоҳотлар давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмини ҳам йўлга қўяди.

Ҳозирда тез ривожланиб бораётган жамиятда ҳар қандай билим, кўникма ва малакалар замон талабидан орқада қолиши табиийдир. Шу сабабли давлат хизматчиларининг касбий билим, кўникма ва малакалари доимий ошириб борилади, масофавий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилади, ахборот тармоқлари орқали янги таълим дастурлари жорий этилади. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг марказлаштиришдан чиқариш давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини ошириш ҳамда иқтисодий бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: «...давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади»<sup>1</sup>.

Бу борада 2017–2021 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар концепцияси қабул қилиниши, унда давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, тақрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ушбу мақсад

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. 19-бет.

ҳамда вазифалар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришда муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ва очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида жамият ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Ислохотлар кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бунда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиши ҳамда ушбу органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини англашига боғлиқдир.

Қайд этиш керакки, 2014 йил 5 майда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>1</sup> қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича муҳим кадамлардан бири бўлди.

Қабул қилинган қонун ҳужжатлари фуқароларга ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини бериши билан бирга, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтирди.

Мамлакат қонунчилигида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ҳамда ишончлилиги, улар фаолиятининг ошқоралиги ва шаффофлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг фаолияти

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил 12 май, 19-сон, 209-модда.

тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг асосий принциплари сифатида белгилаб қўйилди. Уларни рўёбга чиқаришнинг амалий механизмлари сифатида ахборотни эълон қилиш (чоп этиш), тегишли расмий веб-сайтларда жойлаштириш ва янгилаб бориш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга ахборот тақдим қилиш белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш керакки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши орқали давлат органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг самарали тизими яратилди; давлат органлари билан жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ва медиатузилмалари ишини янада фаоллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ўрнатилди; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида реал ёритиб бориш орқали юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашга эришилди; аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб бориши таъминланди; оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имконияти яратилди.

Давлат органлари фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш имкониятини берувчи мазкур қонуннинг ҳуқуқий механизмлари муваффақиятли амалга оширилиши фуқароларнинг давлат органлари



фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишга оид конституциявий ҳуқуқлари кафолатини таъминлайди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари хизматчиларининг маъмурий маданиятини ошириш, иш юритишини оптималлаштириш ҳамда ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчилик олдида ҳисоб бериши бўйича тартибнинг ўрнатилишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. АКТдан самарали фойдаланиш борасида фуқароларимиз салоҳияти ҳам ошиб бормоқда. Буни ҳозирги вақтда фаолият олиб бораётган Президентимизнинг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг виртуал қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар ва таклифлардан ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунга келиб Президентимизнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар сони 2017 йил 26 июль ҳолатига кўра 1015293 га етди<sup>1</sup>. Бу мурожаатларнинг 94% дан ортиғи кўриб чиқилган.

Президентимиз айтганидек, ҳар бир мурожаатнинг ортида камида битта фуқаронинг тақдири ётибди. Фуқароларнинг мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда бир нечта Президент фармонлари қабул қилинмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, халқ муҳокамасига қўйилган ҳолда 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Ҳукумат томонидан қабул қилишга тавсия этишдан олдин Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси (regulation.gov.uz) дан ўтмоқда. Бу албатта фуқароларга ҳужжатларни муҳокама қилишда иштирок этишларига ва ўз фикрларини билдиришларига имтиёз яратади.

Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги зиммасига АКТ га оид 40 та вазифа юклатилган.

---

<sup>1</sup> <https://pm.gov.uz>

Вазирлик раҳбарлигида ҳозирда ишлаб чиқиладиган идоралараро интеграцион платформанинг ([ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)) бошқа барча тизимлар билан боғланиши режалаштирилган (1-расм).



1 - р а с м. Идоралараро интеграцион платформа.

Мазкур интеграцион платформа қуйидаги ишларни амалга оширишга мўлжалланган:

- давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш;
- идоралараро электрон ҳамкорликни ягона идентификация қилиш;
- электрон давлат хизматларини сифатли жорий қилиш имкониятларини кенгайтириш.

1-расмда кўриниб турибдики, [ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz) платформаси «Электрон ҳукумат» тизими архитектурасида келтирилган маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари комплекси (АТК) билан боғланган.

Олдин кўпчилик фойдаланувчилар [id.uz](http://id.uz) тизимидан ягона фойдаланувчилик кодларини олишган. Бу тизимдан рўйхатдан ўтиш ўзига хос мураккаблик туғдиради. Ҳозирда эса электрон ҳукумат

тизимдаги турли хил АТК ва маълумотлар базасига кириш имконини берувчи Ягона идентификация тизими – OneID (id.gov.uz) ишлаб чиқилган. OneID тизими фойдаланувчиларнинг маълумотлари хавфсизлиги ва конфиденциаллигини таъминлайди. Ҳозирда бу тизимдан рўйхатдан ўтиш орқали қуйидаги порталларга кириш имконияти ишлаб чиқилган:

- Ягона давлат интерактив хизматлари порталининг 2-версияси (my2.gov.uz);
- Ўзбекистон Республикаси электрон лицензиялаш портали (license.gov.uz);
- Маълумотномалар ва таснифлагичлар регистри портали (classifiers.gov.uz);
- Юридик ва жисмоний шахслар маълумотлар базаси (ilds.gov.uz);
- Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали (ek.uz);
- «Ягона дарча» марказлари ягона портали (birdarcha.uz);
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки портали (cb.uz).

Бу имкониятлар юридик ва жисмоний шахсларга енгилликлар олиб келади. Жумладан, электрон лицензиялаш портали лицензияловчи органлар фаолиятини ахборот-технологик таъминлаш сифатини оширади, лицензиялар ва рухсатномаларни расмийлаштириш бўйича хизматларни электрон шаклга ўтказиши. Бундан ташқари, портал лицензия олишда аризачилар ва лицензияловчи органларнинг ўзаро ишлаш самарадорлигини оширади.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясига кўра фуқаролар ва тадбиркорлар учун 40 турдаги фаолият бўйича лицензия олиш учун онлайн ариза юбориш, аризани кўриб чиқиш ҳолатини кузатиб бориш, лицензияловчи орган ва эксперт комиссиялари ишини автоматлаштириш, лицензиялар реестридан онлайн фойдаланиш имкониятларини берувчи электрон лицензиялаш портали <https://license.gov.uz> домени остида ишга туширилди. Портал ёрдамида Ўзбекистон тадбиркорлари: транспорт, савдо фаолияти, архитектура ва қурилиш, банклар, суғурта, қимматбаҳо қоғозлар, микрокредитлаш; ломбардлар, лотереяларни ташкил қилиш; маданият, ноширлик фаолияти, реклама; ахборот технологиялари, криптохимоя,

ЭХМ учун дастурлар ва фонограммалар, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг айланиши, божхона фаолияти, нефть ва газ мажмуаси, табиий ресурслардан фойдаланиш, тиббий фаолият, фармацевтика, ветеринария, хавфли товарлар ва буюмларнинг айланиши, аудит, баҳолаш ва адвокатлик фаолияти, таълим, спорт ва туризм ва бошқа йўналишларда лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириши мумкин.

Порталнинг даъвогарлар ва лицензияловчи органлар ўртасидаги алоқалар самарадорлигини ошириш, лицензиялаш тўғрисидаги маълумотларнинг янада очиқлиги таъминланади.

«Ягона дарча» марказларида мурожаат муаллифлари билан ўзаро муносабатни бошқариш ахборот тизими ва давлат божи ҳамда давлат хизматлари учун тўланган йиғимлар қиймати ҳисобини юритиш бўйича биллинг тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Бу ишларни амалга ошириш борасида «ягона дарча» марказлари фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун самарадорлигини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Ушбу Қарорга кўра «ягона дарча» марказлари Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Қарорда «ягона дарча» марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сонини (ҳозирги вақтда 16 та) кескин равишда ошириш билан бирга ишга туширилган «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси доирасида олинadиган рухсатнома ва лицензияларни қоғоз кўринишида эмас, балки электрон шаклга ўтказиш ҳамда уларни 2018 йил 1 январдан бошлаб қоғоз кўринишида олиш бекор қилиниши белгиланди. Бу ҳам, ўз навбатида, ортиқча сарсонгарчиликнинг олдини олади. Мазкур қарорда «ягона дарча» марказларини молиялаштириш манбалари аниқ қилиб кўрсатилган. Унга кўра «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва йиғимлар ҳажмининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар «ягона дарча» маркази фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади.

Бу эса марказнинг стратегик вазифаларини янада такомиллаштиришга ҳамда давлат хизматлари турининг сонини оширишга хизмат қилади.

Режага кўра келажакда «ягона дарча» марказлари томонидан ҳозирда кўрсатилиб келаётган 16 та хизмат ёнига яна 86 та хизмат қўшиш режалаштирилган. Бу албатта «ягона дарча» марказларининг маъсулиятини оширади.

Барчамизга маълумки, ҳозирги вақтда фаолият олиб бораётган ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) халқимиз орасида ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталига келиб тушган мурожаатлар сони 2017 йил 26 июль ҳолатига кўра 1310554 га етди. Бу мурожаатларнинг 99 фоизи кўриб чиқилган<sup>1</sup>.

Бу порталда фуқаро ва тадбиркорнинг шахсий кабинетини яратиш орқали персоналлаштирилган давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг ягона портал билан мунтазам интеграциялашган ҳолда ўзаро муносабатини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Ҳар бир фуқаро ва тадбиркор ўзининг шахсий кабинети орқали идоралараро ҳамкорликдан фойдаланган ҳолда ўз мурожаатларини, коммунал тўловларини ва бошқа қулай бўлган имкониятлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, ҳозирги вақтда портал орқали 310 дан ортиқ интерактив давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Келгусида олинган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда бу хизматлар сонини янада такомиллаштириш, талаб кўпларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Портал зиммасига хизматларни транзакцион қилиш орқали фуқаро ва тадбиркорлар ишини янада осонлаштириш вазифалари юклатилган. Жумладан, 2018 йилда 1000 та, 2020 йилда эса 3000 та интерактив давлат хизматларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

---

<sup>1</sup> <https://my.gov.uz>

Аслида, ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) «электрон ҳукумат» тизими тушунчаси замирида ётади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018–2021 йилларда «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Бу Қарор орқали 2021 йилгача электрон шаклга ўтказиладиган асосий давлат хизматлари ва давлат органлари функциялари хатловдан ўтказилиши ҳамда қоғозбозликдан воз кечиш режалаштирилган. Шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик ёрдамида жўнатиладиган маълумотлар рўйхатини шакллантириш, ахборот тизимлари ва улар ўртасида узатиладиган маълумотлар рўйхатини ҳамда электрон шаклга ўтказиладиган давлат хизматлари рўйхатини ўз ичига олган «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш бўйича йўл харитасини тасдиқлаш назарда тутилган.

Шу ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишда муаммоларга дуч келувчи, жумладан, имконияти чекланган, Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун ҳар бир тумандаги «Ягона дарча» марказлари ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ бўлинмаларида 250 та инфокиоскани ўрнатиш режалаштирилган. Бу жойлар фуқаролар ва тадбиркорларга инфокиоскалар орқали давлат хизматларини кўрсатиш, тўловларни қабул қилиш ва баъзи рухсатнома ҳамда маълумотномаларни олиш имконияти яратилади. Бу ҳам аҳоли ва давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

2017 йилнинг 2-чорагидан ягона давлат интерактив хизматлари порталининг 2-версияси ([my2.gov.uz](http://my2.gov.uz)) ўз фаолиятини бошлади. Бу порталда жисмоний ва юридик шахслар учун қуйидаги имкониятлар ишлаб чиқилган:

- Солиқ тўловчининг идентификацион рақамини аниқлаш;
- Энг кам ойлик иш ҳақининг динамикаси;
- Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси ҳолати ҳақида;
- Ўз коммунал хизматлари (совуқ сув, иссиқ сув, газ, электр энергияси) бўйича ҳолатни кўриб бориш ва тўловларни амалга ошириш;

- Солиқлар (мол-мулк ва ер солиғи, фуқаролар томонидан тўланадиган суғурта миқдорлари) ҳақидаги маълумотлар;
- Автотранспорт жарималари;
- Нотариус қабулига олдиндан ёзилиш;
- Уй-жойни турар жойдан нотурар жойга ўтказиш ва бошқалар.

Буларнинг барчаси фуқароларга қулайликлар туғдиради.

Барчамизга маълумки, ҳар бир фуқаро, албатта, нотариал идорага мурожаат қилади. Бу идораларда аҳоли гавжум ва узундан узоқ навбатларга доимо дуч келиши аҳоли ва тадбиркорларга жуда катта қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш, барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва тадбиркорларга нотариал соҳада интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Бу, албатта, аҳоли ва тадбиркорлар тайёрлаши лозим бўлган маълумотнома(справка)лар сонини камайтиришда қўл келади. Бунда, айниқса, идоралараро ҳамкорликни янада такомиллаштириш лозим. Яъни нотариал идора ходими бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базасига кирган ҳолда мурожаатчига тегишли бўлган нотариал идора учун керакли маълумотларни олиш билан ортикча қоғозбозлик ва сансалорлик камаяди ҳамда нотариал ходим учун ҳам, фуқаро учун ҳам иш самарадорлиги ошади. Фуқаро бошқа ташкилотларга бориб нотариал идора учун керакли маълумотномаларни йиғиб юрмайди. «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимини ишга тушириш Тошкент шаҳрида – 2017 йил 1 июлдан бошлаб, Республика бўйича эса – 2018 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу, албатта, фуқаролар учун фойдадан холи эмас (2-расм). Ҳар бир фуқаро нотариус идорасига маълум бир белгиланган вақтда ташриф буюрган ҳолда ўз мурожаатига жавоб олиши мумкин бўлади.

Маълумки, ҳозирги вақтда алоқа компаниялари ва банкларнинг бош офисларида электрон навбатга қўйиш тизими йўлга қўйилган. Унинг афзаллик томонлари мавжуд. Энди шундай электрон навбат-



## 2 - р а с м. Нотариал идоранинг анъанавий ва АТК схемаси.

лар тизимини эҳтиёж юқори бўлган, яъни фуқаролар кўп мурожаат қиладиган давлат хизматларини кўрсатувчи давлат идораларида йўлга қўйиш режалаштирилган.

Савол туғилади, бу бизга нима беради? Биринчидан, узок вақт навбат кутишларнинг олдини олади. Иккинчидан, иш самарадорлиги ошади, иккала томоннинг ҳам вақти тежаллади ва халқнинг давлатга бўлган ишончи ортади. Учинчидан, ўша давлат хизмати кўрсатувчи давлат ходими иш фаолиятини мониторинг қилиб бориш имконияти пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда кўплаб ахборот тизими комплекслари ишлаб чиқилмоқда. Булар, албатта, яхши, лекин уларни ҳимоя қилиш масаласи, яъни ахборот хавфсизлигини ҳам таъминлаш лозим.

Бу борадаги ишлар самарадорлиги таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривжолантириш вазирлиги ҳузурида Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди. Бу марказ томонидан



юртимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Марказ томонидан 24 соат фаолият олиб борувчи алоҳида навбатчилик гуруҳи ташкил этилган.

Барчамизга маълумки, АКТни янада ривожлантиришда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ҳамда бу соҳада кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ўрни беқиёс.

Айнан шу вазифаларни бажариш мақсадида 2017 йил 15 март куни «Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Қарори эълон қилинди<sup>1</sup>. Ушбу Қарорда университет фаолиятини оширишда катта вазифалар юклатилган.

Жумладан,

- иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам алоқаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида республика ва халқаро кўламда илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш;
- олий таълим муассасалари талабалари ўртасида АКТ соҳасида, шу жумладан, дастурий маҳсулотларни яратиш борасида танлов ва олимпиадалар ўтказиш;
- Университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияни жорий этиш;
- республиканинг етакчи олимлари, хусусан, академиклар ва фан арбоблари иштирокида олий таълим муассасалари талабалари, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар билан илмий учрашувлар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш;
- математик моделлаштириш, алгоритмлаш ва криптология соҳаларида, компьютер ва дастурий инжиниринг, телекоммуникация ва телевизион технологиялари, ахборот хавфсизлиги йўналишларида замонавий ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №ПҚ-2834 Қарори. 2017 йил 15 март. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11(171)-сон, 158-модда. 30–34-бетлар.

уларнинг мультимедиа авлодларини яратиш ҳамда талабалар, олимлар ва педагогларнинг ушбу ўқув адабиётларидан эркин фойдаланишлари учун уларни электрон ресурсларга жойлаштириш;

- оммавий ахборот воситаларида ҳамда Ziyonet миллий таълим тармоғида улуғ аллома, қомусшунос олим Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи мақола ва материалларни бериб бориш;
- замонавий технологияларга асосланган илм-фаннинг янги қирраларини тадқиқ этиш учун янги ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;
- иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг истиқболли илмий-тадқиқот ишлари натижалари ва илмий мақолалари даврий равишда эълон қилиб бориладиган «Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари» номли илмий журнални таъсис этиш;
- 2018 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан илмий-амалий ва маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони<sup>1</sup> эса юқорида келтирилган миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўйилган вазифанинг маҳсули десак муболаға бўлмайди.

Фармонга кўра АКТдан фойдаланишга асосланган иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграция-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №ПФ-5099 Фармони. 2017 йил 30 июнь., 2017 й., 26(786)-сон, 576-модда. 9–13-бетлар.

лашувини янада чуқурлаштириш, АКТ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази ташкил этилди.

Қуйидагилар Инновация маркази фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- хўжалик юритувчи субъектлар ва олий таълим муассасаларининг ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорларда сотишга қаратилган ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;
- АКТ соҳасида рақобатбардош лойиҳаларни ички ва ташқи бозорларда сотиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишда Инновация маркази резидентларига кўмаклашиш;
- олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларининг «ахборот технологиялари» мутахассислиги бўйича битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини таъминлашда, шу жумладан, иқтидорли ёшлар томонидан «старт-ап» лойиҳаларини амалга оширишда уларни қўллаб-қувватлаш йўли билан иштирок этиш;
- қисқа муддатли ва ўрта муддатли ихтисослаштирилган курсларни ташкил этиш, шу жумладан, чет эл мутахассисларини таклиф этиш йўли билан АКТ соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил қилиш;
- ёш тадбиркорлар томонидан ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги истиқболли йўналишлар бўйича инновация лойиҳалари амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш.

Бу Инновация маркази резидентлари 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек, ягона ижтимоий тўловни тўлашдан, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воси-

талари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона йиғимларидан ташқари), ўзи ишлаб чиқарадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод этилган.

Бу эса АКТ миллий бозорининг ривожланишига, ички ва ташқи бозорларда дастурий маҳсулотлар ва АКТ хизматларининг рақобатдошлиги даражасини оширишга хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир соҳага АКТни жорий этиш замон талабларидан биридир. Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналишининг 65-бандида айнан судлар фаолиятига замонавий АКТни жорий қилиш вазифаси юклатилган. Хусусан, судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш, суд фаолиятида ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий АКТни киритиш вазифалари қўйилган. Барчамизга маълумки, суд жараёнини ташкиллаштиришда турли йўналишдаги маълумотлар оқими билан ишлашга тўғри келади.

Масалан, қандайдир сабабларга кўра сизнинг турар жойингизда рўйхатда бўлган фуқарони рўйхатдан чиқариш учун камида қуйидаги маълумотномалар талаб қилинади:

- туман ФХДЁ бўлимидан;
- туман суд тиббий экспертиза бўлимидан;
- ИИВ Ахборот марказидан;
- туман ИИБ бошлиғи ва бошқа тегишли ташкилотлардан.

Тегисли маълумотларни олиш учун фуқаро ушбу ташкилотларга бир неча маротаба мурожаат қилишга мажбур бўлиб, айрим ҳолларда сансалорликка дуч келмоқда. Суд тизимига АКТни жорий қилиш, албатта, уларнинг фаолиятини кузатиб бориш ва суд ишларининг кўриб чиқиши самарадорлигига таъсир этмасдан қолмайди.

Буларнинг барчаси халқ фаровонлигини ҳамда халқнинг давлатга бўлган ишончини оширишга ҳам давлат ва халқ орасидаги очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз айтганидек, Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, АКТни татбиқ қилган ҳолда фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини янада ошириш мумкин. Собиқ Германия канцлери Гирхард Шрёдер айтганидек, *инсонлар эмас, маълумотлар югуриши лозим.*

### **Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмини шакллантириш ва такомиллаштириш ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифадир» номли маърузасида таъкидлаганидек, «Бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири – бу бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатишдан иборат».

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳамда кундалик эҳтиёжларини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўрни ҳамда роли алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, жумладан, давлат органлари фаолияти устидан жамият, жамоатчиликнинг назорати масаласи доимо муҳим масалалардан бири бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари фаолиятида ўзаро мувозанатда ушлаб туриш механизми мавжуд. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, давлат назорати билан бир вақтда жамоатчилик назоратини амалга ошириш унинг самарадорлик даражасини бугунги кундаги тараққиёт талаблари даражасига кўтариши мумкин. Шу сабабли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, унинг механизмини такомиллаштириш лозим.

Жамоатчилик назорати жамият ва давлат ўртасидаги муносабатни ифодаловчи ҳодиса бўлиб, у мазкур ижтимоий институтлар ўртасида оммавий ва хусусий манфаатлар мувозанатини саклашга хизмат қилади. Ҳозирги замон давлат тузилмалари жамоатчилик назоратисиз қолиб кетиши мумкин эмас.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шарти, шунингдек, ушбу институтлар фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич ҳамда мамлакатда қонунийликни таъминловчи кафил сифатида майдонга чиқади.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларда мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Мазкур институт инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгалигини таъминлайди, бунда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати – давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратдир.

Жамоатчилик назоратининг асосий субъекти фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Улар жамоатчилик назоратини амалга ошириш, унинг самарадорлигини таъминлаш, мавжуд ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида алоҳида фаоллик кўрсатиши лозим. Мамлакатимизда ҳозирги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳаллалар муайян даражада жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид маълум бир қоидалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Жамоатчилик назорати бир қатор шаклларда: ижтимоий манфатларга тегишли масалалар бўйича сўровлар юбориш, жамоатчилик текшируви, жамоатчилик фикрини ўрганиш, жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатлари, жамоатчилик экспертизаси ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

Бугунги кунда ҳукукий демократик давлат қуриш, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаффофлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, авваламбор, мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида, ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон учун ўтказилаётганлигини фуқароларнинг онгига сингдириш ва уларни ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд эканлиги олдимизга давлат органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирларни кўпайтириш, айниқса, ОАВ орқали замонавий ва ҳаётий кўрсатувлар, содда, халқчил тилдаги мақола ва эшиттиришлар сонини кўпайтириш талабини қўймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: «Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ чораларни амалга оширишдир»<sup>2</sup>.

Бошқача айтганда, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш масалалари ҳаётимизни ислох қилиш ҳамда янгилаш борасида олдимизга қўйган асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида сўз эркинлигининг муҳим жиҳати – ҳар кимнинг ахборотни эркин

<sup>1</sup> Э.Т.Хожиев, Ш.Ф.Асадов. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ус- тидан жамоатчилик назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: «Akademiya», 2013. 82–87-бетлар.

<sup>2</sup> Ислоҳ Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти- риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И. Каримов. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун<sup>1</sup> билан тартибга солиниши мустаҳкамлаб қўйилган.

Сўз ва матбуот эркинлигини ҳуқуқий ҳимоя қилишга, ахборот олиш ва тарқатишни кафолатлашга қаратилган яна бир қонун ҳужжати – бу «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонундир<sup>2</sup>. Мазкур қонун журналистнинг касб фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

Бугунги кунда жамоатчилик назоратининг муҳим субъекти сифатида ОАВ зиммасига муҳим масъулият юкланган. Бунда улар давлат ҳокимияти бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг тегишли қонунчилик ва давлат дастурларида белгиланган вазифаларни қай даражада бажараётганлиги, қабул қилинаётган муҳим қарорларнинг жойлардаги ижроси ҳолати юзасидан мунтазам тизимли назорат олиб боришлари зарур бўлади. Бунинг учун журналистлардан юксак даражадаги касбий маҳоратга эга бўлиш, ҳалоллик, дадиллик ва энг муҳими, халқ олдидаги ижтимоий масъулияти юқори даражада бўлиши талаб этилади.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси соҳани қай даражада шиддат билан ривожланиб бораётганини, ушбу соҳани тартибга солиш ва вужудга келаятган ижтимоий муносабатларни замон талаблари даражасида ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳани бошқариш ва унинг фаолиятини белгилашга масъул давлат органлари фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сон, 108-модда

<sup>2</sup> Ўша манба, 110-модда



бўйича Ҳаракатлар стратегиясини жорий «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да ва кейинги йилларда амалга оширишга оид давлат дастурида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кучайтириш борасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

*биринчидан*, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги<sup>1</sup> ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳада қуйидагилар акс этади: оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмлари; оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назорати шакллари амалга ошириш тартиби ва журналистнинг эркин фаолият юритиши учун қўшимча кафолатлар;

*иккинчидан*, Журналистларнинг амалий касбий малакаси ва амалий кўникмаларини ошириш Дастурини ишлаб чиқиш бўйича вазифа белгиланган. Унда, хусусан, журналистларни хорижий давлатларга малака ошириш учун стажировкага юбориш, хорижий журналист ва экспертларнинг Ўзбекистонда семинар-тренинг ва маҳорат дарсларини ўтказиш масалалари ўз ифодасини топади.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, ахборот соҳасидаги амалда бўлган қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мамлакат фуқароларининг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишдаги кемтик жойларни тўлдириш, шунинг баробарида, ҳокимият ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлашда, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда ОАВнинг ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни вужудга келтириш, журналистларнинг касбий маҳоратларини тизимли ривожлантириб бориш механизмларини янада кучайтириш имконини беради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 20-модда.

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, халқаро ҳамжамият томонидан умумэтироф этилган шахс ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигининг тан олинishi муносабати билан суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилиниши лозим бўлган соҳалардан бири сифатида этироф этилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоий муносабатларни янада ривожлантириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш, энг аввало, шахс, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа узвий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун шароит яратилмоқда.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, судлар томонидан фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар умумэтироф этилган нормалар асосида такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш.

Ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар изчиллигини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин.

*Биринчи босқич* 1991–2000 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда, янги давлат ва жамият барпо этишнинг оқилona стратегияси ишлаб

чиқилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, мамлакатимиз тарихида илк бор Конституциявий суд қарор топиб, янги мазмундаги умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорий этилди. «Судлар тўғрисида»ги Қонун, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, одил судловга оид бошқа қонунчилик базаси вужудга келди. Фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатланди.

2000 йил 14 декабрда «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши процессуал қонунчиликка судларда иш юритишда тортишувчилик принципини таъминлаш ва амалга ошириш, жиноят ва фуқаролик тартибидаги ишларни кўришнинг барча босқичларида прокурор ҳамда адвокатнинг тенглигини таъминлаш, одил судловни сифатли ва тезкор амалга ошириш, суд қарорлари адолатлилигини таъминлаш, юқори турувчи судларнинг якуний қарор қабул қилишда масъулиятини кучайтиришга қаратилган қатор ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилишини белгилаб берди. Шу мақсадда ишларни апелляция босқичида кўриш тартиби жорий этилиб, кассация инстанцияси ислоҳ қилинди. Натижада фуқаролик ва жиноят судларида биринчи инстанция ва тергов органи томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни тез ҳамда самарали равишда бартараф этиш имконияти юзага келди.

*Иккинчи босқич* 2001–2009 йилларни ўз ичига олиб, ушбу босқич фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, бунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, сиёсий ҳаёт, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий соҳаларни изчил ислоҳ қилиш таъминланди.

Жиноий жазоларни либераллаштиришнинг янги босқичи 2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди. Мазкур Қонунга кўра:

– жиноятларнинг таснифи ўзгартирилиб, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди;

– жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди;

– иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди, 11 та моддага етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди;

– жиноят қонунчилигига ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мос бўлган ярашув институти киритилиб, ўтган йиллар давомида ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган жиноятлар доираси ҳам кенгайтириб борилди. Республикамиз бўйича 2015 йилда 14 482 нафар шахс, 2016 йилда эса 14 843 нафар шахсга нисбатан кўзғатилган жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилиб, ушбу шахслар «судланган» деган ижтимоий-ҳуқуқий оқибатдан халос бўлган;

– эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олишнинг бир ярим йилдан ўн ойгача қисқартирилиши, алоҳида ҳолларда эса, бир йилгача муддатга узайтирилиши мумкинлигининг белгиланиши, туман ва шаҳар прокурорларининг тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилиниши одил судловни амалга оширишга, судга қадар иш юритишнинг тезкорлиги ва сифатини оширишга, айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахсларни асоссиз равишда узоқ муддатда қамоқда сақланишининг олдини олишга имкон берди;

– жиноят ишини судда кўришнинг 2 ойлик муддати белгиланиши ва судларда ишни кўриш муддатини узайтириш тартибининг жорий этилиши жиноят ишларини кўришни асоссиз равишда кечиктирилишининг олдини олишга хизмат қилди.

Бу давр жиноий жазолар тизимидаги ўлим жазосини бекор қилиниши билан ҳам аҳамиятлидир. Фавқулодда жазо чораси ҳисобланган ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан эътиборан жиноий жазолар тизимидан чиқарилиб, ўрнига оғирлаштирувчи ҳолатларда

қасддан одам ўлдириш ва оғирлаштирувчи ҳолатларда терроризм жиноятини содир этганлик учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Мазкур босқичнинг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, бунда суд ҳокимияти босқичма-босқич мустаҳкамланди, судларнинг мустақиллиги таъминланди, бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди.

Жумладан, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилди.

Ўз навбатида, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида суд ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган мулкӣ ёки номулкӣ муносабатларни тартибга солиб, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Шунингдек, прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини чеклаш, прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш мақсадида 2005 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, мазкур тартиб 2008 йил 1 январдан эътиборан амалга оширилиши белгиланди.

Ушбу босқичда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқӣ муносабатларнинг бутун тизими модернизация қилиниб, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқӣ асослари яратилди.

*Учинчи босқич* 2010 йилдан 2016 йилга қадар бўлган даврни ўзи ичига олиб, мазкур босқичдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида

сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» билан боғлиқ бўлиб, унда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этишда суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислох қилишнинг энг муҳим жиҳатлари акс этди.

Натижада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2012 йил 18 сентябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий этилиб, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини берди. Бундан ташқари ушбу Қонунга мувофиқ суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколати чиқарилди.

Амалдаги қонунчиликда прокурорнинг суд мажлисида айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаганлиги суднинг мақсад ва вазифаларига зид равишда айблов ҳулосасининг судьялар томонидан ўқиб эшиттирилишига сабаб бўлган. Юқоридаги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритилиб, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурор зиммасига юклатилди.

Шунингдек, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар ҳам давом эттирилиб, 2015 йил 11 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида жиноий жазолар тизимига озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган янги жазо тури – озодликни чеклаш жазоси киритилди.

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мақсади тадбиркорлик субъектларига эркинликлар яратиш, уларни жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиб, 2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, Жиноят кодекси 189-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари декриминализация қилиниб, жиноий қилмишлар доирасидан чиқарилди, шунингдек, 184-моддаси: «Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади», деган бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг тўртинчи босқичи 2016 йил сентябрь ойидан кейинги давр бўлиб, ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 2017 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши билан сифат жиҳатдан янги давр бошланди.

Қабул қилинган ушбу норматив ҳужжатларда:

– судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш);

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, унинг ўрнига Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти

мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ташкил этиш;

– 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш белгиланди.

Мазкур Фармон ва Ҳаракатлар стратегиясида қайд этилган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2017 йил 29 апрелда «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш каби вазифалар бу борадаги ишларнинг асосини ташкил этади.

2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инобатга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартишлар киритилмоқда.

Жумладан, камоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилмоқда.



Яъни, жиноий жазолар тизимидан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бири чиқарилаётганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илғор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш мақсадида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилмоқда.

Шунингдек, «Хабеас корпус» институти қўлланиш доирасини янада кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддатнинг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Ярашув институти жиноят процессида қўллаш доирасини кенгайтириш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим турдаги жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш, жабрланувчининг аризаси асосида жиноят иши кўзғатилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қонунийликни таъминлаш ва мамлакатимизда ислохотларни самарали рўёбга чиқаришда юридик хизматлар ролини ошириш мақсадида давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг туб моҳияти суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймасликка эришди.

Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намоён қила бошлади.

Яъни, 2000 йилда 103,8 фоиздан 2007 йилда 109,5 фоизгача иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилган бўлса, 2008 йилдан бошлаб пасайиб ўртача 8,0 фоиз атрофида иқтисодий ўсиш суръати кузатилган. Ушбу даврдаги пасайиш 2008 йилдан бошланган ва ҳозирга қадар ҳам якуни кузатилмаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида юз берган.

Мамлакатимизда иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришларни давом эттириш, аҳоли турмуш фаровонлиги ва яшаш сифатини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган бўлиб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим:

– макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;

– таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;

– қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш;

– вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ҳамда оптимал фойдаланиш.

2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи тармоқ дастурларини ўз вақтида амалга ошириш белгиланмоқда. Бу борада 8 та ўрта муддатли тармоқ дастурлари қабул қилинган. Жумладан:

– рангли ва нодир металлларни чуқур қайта ишлаш дастури қабул қилинган бўлиб, унга кўра, 543 млн. долларлик 27 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бунинг натижасида электродвигателлар ишлаб чиқаришни 24 мартага, мис трубалари – 1,3 марта, қўрғошин – 3,8 марта, ферросилиций – 4,4 марта оширилиши таъминланади;

– углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш дастурига кўра, 34 млрд. долларлик 81 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган. Бунинг натижасида полиэтилен ишлаб чиқариш 3,2 мартага, полипропилен 11,2 мартага оширилади, поливинилхлорид ишлаб чиқариш ташкил этилиб, 3,6 мартага оширилади;

– минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш дастурига кўра, 2,7 млрд. долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг

натижасида карбамид ишлаб чиқариш 1,9 марта, аммофос – 2,9 марта, мураккаб ўғитлар – 4,3 марта, қишлоқ хўжалиги техникаси баллонлари – 2,5 мартага оширилади;

– қурилиш саноатини янада ривожлантириш дастури бўйича 1,2 млрд долларлик 80 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 мартага ошади;

– фармацевтика саноатини янада ривожлантириш дастури бўйича 224 млн долларлик 67 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 марта, жумладан, дори маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 мартага ошади;

– чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш дастурига кўра, 76,5 млн долларлик 59 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 мартага, жумладан, чарм-пойабзал – 4,5 мартага, тери маҳсулотлари – 2,5 мартага оширилади;

– тўқимачилик, тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш дастури бўйича 2,2 млрд долларлик 140 та лойиҳа амалга оширилади;

– мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва экспортини кўпайтириш, хом ашё базасини кенгайтириш дастурига кўра, 596 млн долларлик 180 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада, сабзавот, картошка, полиз, мева ва узум етиштириш – 1,3 марта, гўшт – 1,2 марта, сут – 1,4 марта, тухум – 1,6 марта, балиқ – 2,2 мартага оширилади.

Шунингдек, ушбу дастурлар доирасида 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд долларга тенг 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, жумладан, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида қиймати 147,0 млн долларга тенг 63 та лойиҳа; рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича қиймати 217 млн долларга тенг 6 та лойиҳа, кимёвий ашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25,0 млн долларлик 2 та лойиҳа, углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн долларлик 6 та лойиҳа, тайёр чарм пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни

**Дастур доирасида 2017 йилда фойдаланишга топшириладиган  
йирик лойиҳалар**

<b>Конвейер ленталар, қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқариш (Ангрен ЭИЗ)</b>	<b>«KENWOOD» савдо бренди остида замонавий электр маиший жиҳозлар ишлаб чиқариш (Наманган вилояти)</b>
<b>Лойиҳа қиймати</b> 214,0 млн долл.	<b>Лойиҳа қиймати</b> 5,5 млн долл.
<b>Фойдаланишга топшириш</b> декабрь 2017 йил	<b>Фойдаланишга топшириш</b> декабрь 2017 йил
<b>Лойиҳа қуввати</b> 1000 п.м. конвейер ленталар, 200 қишлоқ хўжалиги шиналари, 3 млн дона автомобиль шиналари	<b>Лойиҳа қуввати</b> 100 минг дона электр чайнак, 60 минг дона дазмол, 100 минг дона вентилятор
<b>Иш ўринлари</b> 1 119 киши	<b>Иш ўринлари</b> 300 киши

**3 - р а с м. 2017 йил – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари  
йили» Давлат дастури доирасида фойдаланишга  
топшириладиган йирик лойиҳалар.**

кенгайтириш бўйича 6 млн долларлик 9 та лойиҳа, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн доллар қийматга тенг 7 та лойиҳа, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн долларлик 29 та лойиҳа, тайёр тўқимачилик ва тикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн доллар миқдоридаги 15 лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган.

2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш, саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, истеъмол товарлари турлари ва сифатини яхшилаш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, ишлаб чиқарувчиларни халқаро ярмаркаларга жалб этишни кенгайтиришни таъминлаш назарда тутилади. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини кўпайтириш ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхоналар рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш кўзда тутилган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга оширишда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва фақат энергия самарадорлигини таъминлайдиган ҳамда энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш йўли билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сиғимини камайтириш лозим бўлади. Қайта тикланадиган энергия манбаларини, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг синондан ўтган технологияларини жадал ривожлантириш, энергия тежайдиган замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва материалларнинг турларини, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини ҳисобга олувчи автоматлаштирилган тизимлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда ёппасига татбиқ этиш, янги турар жой ва маъмурий биноларни, саноат объектларини қуриш ва реконструкция қилишда замонавий архитектура-қурилиш ечимлари ҳамда қурилиш конструкциялари ва изоляция материалларининг янги энергия тежайдиган турлари ёрдамида энергия самарадорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтирилган дастурларни амалга ошириш учун уларни зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари билан яқиндан манфаатли ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Мамлакатимизда 2017–2021 йилларда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтириш орқали инвестициявий лойиҳаларни рўёбга чиқариш назарда тутилмоқда. Мазкур вазифа қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан:

– 2016–2020 йилларда 27 та лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банкининг 3,0 млрд доллар;

– 2017–2019 йиллар давомида 20 та лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банкнинг 2,97 млрд доллар миқдоридаги маблағини жалб қилиш.

2. 2017–2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Ислон тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш доирасида мазкур банкнинг 1,0 млрд доллар қийматидаги кредитларини жалб қилишни назарда тутувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Устувор ижтимоий-иқтисодий, инфраструктура ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чет эл ҳукумат ташкилотларининг (Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт-импорт банки, EDCF фонди, Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Швецария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (ШТҲА), Франция тараққиёт агентлиги (ФТА), Европа ҳамкорлик комиссиялар ва бошқалар) имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгиланган.

2 - ж а д в а л

**2017–2020 йилларда инвестиция лойиҳалари молиялаштириши кўзда тутилаётган халқаро молия институтлари бўйича йиғма маълумот йирик лойиҳалар**

Халқаро молия институтлари номи	Лойиҳалар сони	Кредит суммаси (млн долл.)	Асос
Жаҳон банки	27	3 000,1	2016–2020 йилларда ЖБ билан ҳамкорлик стратегияси
Осиё тараққиёт банки	26	3 485,0	2017–2019 йилларда ОТБ билан ҳамкорлик дастури
Ислон тараққиёт банки	19	1 147,1	2017–2019 йилларда ИТБ билан ҳамкорлик дастури
Европа тикланиш ва тараққиёт банки	31	1 939,0	ЕТТБ иштирокида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятини ўрганиш бўйича Йўл харитаси

Дунёнинг йирик халқаро молия институтлари ҳисобланган Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби молия институтларидан

жами 103 та лойиҳа бўйича умумий қиймати 9,5 млрд доллардан ортиқ миқдорда кредит линиялари олиш мўлжалланган.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат банк тизимида ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларни бартараф этиш кўзда тутилган. Бундай муаммоларга миллий валюта ва ички баҳоларнинг барқарорлиги, валюта курсининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигига салбий таъсир этиши, тадбиркорлик субъектларининг ўз ихтиёридаги хорижий валютадан эркин фойдалана олмаётгани, нақд ва нақд пулсиз тўловларда фарқнинг мавжудлиги, тижорат банкларининг барқарорлиги ва молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш кабилар миллий банк тизими ривожланишига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишда ички баҳолар барқарорлиги ҳамда валюта бозори устидан тизимли мониторинг ўтказиш муҳим ҳисобланади. Бу борада ички баҳолар барқарорлигини таъминлаш мақсадида истеъмол нархларини замонавий усуллар асосида ҳисоблашни жорий этиш орқали инфляцияни жиловлашга доир чора-тадбирлар ва қарорларни қабул қилиш самарадорлиги ошади. Нақд пулсиз тўловлар бўйича товар ва хизматлар баҳосининг сунъий равишда оширилишига йўл қўйилмайди. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2777-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжат нақд пул маблағларини банк муомаласига жалб қилиш ва ҳисобга олишнинг тўлиқлигини таъминлаш, чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан асоссиз равишда нарх-наволарни ошириш ёки нақд ё нақдсиз тўловга қараб чегирмалар қўлланилиши қисмида истеъмолчилар ҳуқуқларини қатъий таъминлашга қаратилган. Қарорда чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан сотилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун нақд пул ёки пластик карточкалар



орқали тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш ҳолатларига йўл қўйилса, бу ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузиш деб ҳисобланиб, энг кам иш ҳақининг 30 баробари миқдорида жарима қўлланиши белгиланди.

Шунингдек, валютани тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарнинг ихтиёрида хорижий валюта миқдорини қолдириш асосида тадбиркорлик муҳитини яхшилашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини таъминловчи валюта курсини амалга ошириш, биржада хорижий валютани эркин харид қилиш, тижорат банкларининг хорижий кредит линиялари ва инвестицияларни жалб этишда барча зарур чораларни белгилловчи ҳужжатни ишлаб чиқиш, шу асосда чора-тадбирларни изчил ва тизимли равишда ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон банк тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири кредитларни иқтисодиёт таркибида ошириб бориш ҳисобланади. Ҳозирда банк кредитларининг ЯИМга нисбатан ҳажми 35 фоиздан ошмайди. Бу эса мос давлатларга қараганда қарийб бир ярим баробар кам. Ушбу муаммони ечиш ва банкларнинг кредит фаолиятини кенгайтириш учун ресурс базасини ошириш ҳамда мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш мақсадида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш борасида қабул қилинган қатор директив ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида кредит ташкилотлари томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу йўналишга ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатида 4,6 трлн сўми ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп. Унинг 1 трлн сўмини микрокредитлар ташкил этади, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп.

Банклар томонидан ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, 2017 йилнинг I чорагида мазкур йўналишга 79,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, мазкур кўрсаткичнинг 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошиши таъминланди<sup>1</sup>.

2017 йил давомида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида жами 5 трлн сўмдан кам бўлмаган миқдорда кредитлар ажратилишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу кредит маблағларини, авваламбор, кичик ишлаб чиқаришни ташкил қилишга, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга ҳамда янги иш ўринлари яратишни назарда тутувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтиришга асосий эътибор қаратилади.

Банк тизимида ўз ечимини кутаётган муҳим муаммолардан яна бири, нақд ва нақд пулсиз тўловларда товар ҳамда хизматлар баҳоси ўртасидаги тафовутнинг мавжудлигидир. Қисқа муддат ичида виртуал қабулхонага келиб тушган 7000 дан зиёд пластик карточкалар билан боғлиқ шикоятлар бу тизимда қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммонинг вужудга келишига тўлов тизимига хизмат кўрсатадиган ахборот инфраструктурасининг узлуксиз ишламаслиги, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда ортикча ҳужжатларнинг талаб этилиши, аҳолининг пластик карта орқали исталган жойда эркин фойдаланиш имконининг чекланганлиги таъсир этган.

Бу борада амалга ошириладиган чора-тадбирлар комплекс равишда ташкил этилиши, тадбиркорлик субъектларини терминал

---

<sup>1</sup> <http://www.cbu.uz/uzc/press-tsentr/press-relizy/2017/05/84840/>

ва зарур техника билан тўлиқ таъминлаш, аҳоли учун пластик карточкалар орқали ҳисоб рақамини тўлиқ бошқариш учун зарур инфратузилмани шакллантириш билан бир қаторда, назорат органларининг эътиборини кучайтиришни назарда тутати. Соҳага замонавий ахборот, коммуникация технологияларини жорий этиш, СМС-банкнинг, Интернет-банкнинг, Мобил-банкнинг имкониятларини кенгайтириш амалга оширилади.

Молия-банк тизимини ривожлантиришда тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Санация режаси билан рози бўлмаган кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими кучайтирилади.

Илғор хориж тажрибасида иқтисодий зарур инвестицион ресурслар билан таъминлаб берадиган юқори ликвидли ва барқарор молия бозори муҳим ўрин тутати. Мазкур бозор, бир томондан, инвесторлар учун юқори даромадли қулай қимматли қоғозларни таклиф этса, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш корхоналарини арзон ва ортиқча гаров таъминотини талаб этмайдиган молиявий ресурс билан таъминлайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истикболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган. Ушбу концепция молия бозори фаолиятини тартибга солувчи давлат органлари фаолияти назорат хусусиятидан қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий ишлар кўрилиши режалаштирилмоқда.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва бу жараёни жадаллаштириш, уларни хусусийлаштиришда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, хусусий мулк қилиб сотилган объектларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат мулки бўлган ностратегик объектларни, шу жумладан, давлат кўчмас мулк объектларининг инвестиция

мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда уларни «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Бунда сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига йўналтирилишининг белгиланганлиги маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга замин яратади.

Шунингдек, янги иш ўринлари яратиш имконини берган асосий фондларни модернизациялаштирган ва мукамал таъмирдан чиқарган давлат мулки объектининг ижарачисига уни хусусийлаштиришда ижарага олинган объектни, биринчи навбатда, сотиб олиш учун устунликка эга бўлиши, танлов ва аукционнинг бирдан бир қатнашчисидан савдо шартларига тўлиқ мос келадиган таклиф тушганида давлат мулки объектини харид қилиш-сотиш тўғрисидаги шартномани тузишга руҳсат берилиши, 2017 йил 1 июлдан бошлаб давлат мулки объектларини баҳолаш активлар қийматига таъсир қилувчи бозорнинг жорий конъюнктураси ва объектив омиллар йиғиндисини ҳисобга олувчи янгиланган миллий стандартлар асосида амалга оширилиши, сотилаётган давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари бўйича харид тўловларини тўлаш муддати давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда Ҳукумат ёки Тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссиясининг қарорларида бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, 3 йилгача муддатни ташкил этиши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари кўшма мажлиси йиғилишидаги нутқида: «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса

ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни «*Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади*». Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатида, Президент сиёсатида тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман»<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш Ҳаракатлар стратегиясида муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралаштириш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-гаомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш каби жиҳатларни назарда тутувчи давлат сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги 4848-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар

---

<sup>1</sup> *Шавкат Мирзиёев*. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бир-галиқда барпо этамиз. – Т.: «Ўзбекистон». 2016. 15-бет.

томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини қайд этиш ўринли. Мазкур Дастур тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари текширувларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашининг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштириш, молиявий ҳамда солиққа тортиш тизими ва божхона ишини такомиллаштириш, тадбиркорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини кучайтириш, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш, инвестициявий жозибадорлиги ва республиканинг халқаро рейтингини ошириш соҳаларида комплекс чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишни назарда тутди.

Президентимиз мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари олдида 2020 йилда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни камида 2,3 марта кўпайтириш вазифасини қўйди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ернинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорлар топиш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантириш ҳам муҳим масалалар сирасига киради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинлар, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш каби муҳим устувор вазифаларни амалга

ошириш белгиланмоқда. Бунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни амалга ошириш натижасида самарали замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини яратишни кўзда тутлади. Мазкур йўналишда 2017 йилда пахта экин майдонларини 49 минг гектар ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш, қисқарган экин жойларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиш, жумладан, картошка – 8,1 минг гектар, сабзавот 27,2 минг гектар, интенсив боғ – 5,9 минг гектар, тоқзор – 2,9 минг гектар, озуқа экинлари – 10,9 минг гектар ва мойли экинлар 4 минг гектар. Бунинг натижасида паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80,0 млрд сўмга қисқартириш, кўшимча 1 млн тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, худудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд аҳоли сонини 75,6 минг нафарга етказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробарга оширишга эришилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида сўз борар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаган: «Халқимиз етти хазинанинг бири деб биладиган паррандачилик ва балиқчилик бўйича ишга солинмаган имкониятлар кўп, бу тармоқлар аҳолини гўшт ва тухум билан таъминлаш, оилаларга даромад манбаи яратишда муҳим ўрин тутлади. Агрофирмалар ташкил этиш орқали бу маҳсулотларни экспорт қилиш ҳам мумкин.

Аҳолининг томорқадан самарали фойдаланиши, лимон, ёнғоқ, анор, анжир каби сердаромад экинлар экиши зарур»<sup>1</sup>. 2017–2021 йиллар давомида замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга, эртапишар ва ширин таъмга эга пакана ва ярим пакани дарахтларни экиш орқали боғ ва узумчиликни ривожлантириш, экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш белгиланди (3-жадвал).

---

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/politics/isti-bolli-i-tisodiy-loyi-alar-a-oli-farovonligini-yanada-osh-27-01-2017>

Республика бўйича 2020 йилгача мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштиришнинг якуний прогноз кўрсаткичлари

Худудлар	Жами оптималлашадиган майдон, (минг га)	Шу жумладан, экинлар бўйича		Оптималлашадиган экин майдонларида жойлаштирилаётган экин турлари					
		Пахта майдонлари	Сувли қалла майдонлари	Картошка	Сабзавотлар	Интенсив боғлар	Озуқа экинлари	Мойли экинлар	Бошқа экинлар
Қорақалпоғистон	7,0	7,0		1,5	2,2	0,5	0,7	0,9	1,2
Анджон	15,2	11,2	4,0	2,8	6,4	1,6	2,6	1,1	0,7
Бухоро	15,0	10,0	5,0	2,4	7,1	1,2	3,1	0,8	0,4
Жиззах	27,5	22,5	5,0	4,0	11,0	1,5	7,8	1,6	1,6
Қашқадарё	22,4	18,4	4,0	2,3	9,7	1,8	5,1	1,8	1,7
Навобий	3,4	3,4		0,5	1,4		1,0	0,5	
Наманган	15,1	10,1	5,0	3,0	6,8	1,6	2,1	0,8	0,8
Самарқанд	22,2	16,2	6,0	4,2	8,3	2,0	6,3	0,7	0,7
Сурхандарё	19,3	14,3	5,0	3,0	8,7	1,8	4,0	1,2	0,6
Сирдарё	27,7	22,7	5,0	3,8	10,1	1,6	8,8	2,1	1,3
Тошкент	19,4	13,4	6,0	4,0	7,5	2,3	4,0	1,0	0,6
Фарғона	17,5	12,5	5,0	4,1	7,0	1,8	3,3	0,6	0,7
Хоразм	8,8	8,8		0,4	4,8	0,3	1,5	0,9	0,9
<b>Ж А М И</b>	<b>220,5</b>	<b>170,5</b>	<b>50,0</b>	<b>36,0</b>	<b>91,0</b>	<b>18,0</b>	<b>50,3</b>	<b>14,0</b>	<b>11,2</b>

Бунда 2016 йилдаги жами мевали боғлар майдонида интенсив боғларнинг 10 фоиз улушини 2020 йилга бориб 30 фоизга ошириш натижасида уларнинг ҳосилдорлигини камида 3–4 мартага оширишга эришиш кутилмоқда.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш сув ресурсларидан оқилон ва тежамли фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда:

– 734,9 км магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар, 348,3 км ёпиқ ётиқ дренаж тизимлари, 6 дона мелиоратив насос





**4 - р а с м. Интенсив боғ ва тоқзорлар ташкил этиш лойиҳаси.**

станциялари, 79 дона тик қудуқлар, 131 та мелиортив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;

– 14537,2 км очик коллекторлар, 1330,5 км ёпиқ ётиқ дренаж тармоқлари, 15 та мелиоратив насос станциялари, 791 дона мелиортив тик қудуқлар, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш;

– 500 км каналлар, 74 км суғориш лоток тизими, 106 дона гидротехник иншоотлар, 10 км босимли сув қувурлари, сифими 625 млн метр кубга тенг бўлган сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км қирғоқбўйи минтақасини ҳимоялаш;

– 142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг асосида етказиш кўзда тутилган.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга оширишга 905 000,0 млн сўм, шундан 457 273,0 млн сўм ёки 50,5 фоизи давлат бюджети маблағлари сафарбар этилиши назарда тутилади.

Мамлакатда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархнинг кескин ошишининг олдини олишда уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини, жумладан, сабзавот ва узум – 105,7 %, картошка – 106,3 %, полиз – 106,1 %, мева – 106,0 %, гўшт – 105,6 %, сут – 108,1 %, тухум – 111,3 %, балиқ

– 120 % ва асални – 118,2 % га ошириш белгиланган. Шунингдек, 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжалиги ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қурилади, ҳўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборлар ташкил этилади ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омбор модернизация қилинади.

4 - ж а д в а л

**Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жалб қилинадиган халқаро ташкилотлар маблағлари**


Лойиҳа номи	Маблағ ажратувчи ташкилот	Маблағ миқдори, млн доллар
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш	Осиё тараққиёт банки	150
Чорвачилик секторини ривожлантириш	Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки	4,4
«Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш»	Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси	23,8
«Оролбўйи минтақасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларини юмшатиш»	Халқаро тараққиёт уюшмаси	14,0

Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий жиҳатдан босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларни хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги sanoat тармоқларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг юртимиз иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Давлат бюджети тақчиллигининг белгиланган меъёрлардан ортиб кетиши (маълумки, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан халқаро молиявий ташкилотлар томонидан давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори даражаси ЯИМга нисбатан 5 фоизгача бўлиши тавсия этилади) миллий

иқтисодиётнинг молиявий жиҳатдан соғлом эмаслигини, уни таъминловчи молиявий тартиб ва талабларга риоя этилмаганлиги, яъни молиявий интизомнинг йўқлиги ва албатта бу борада тегишли ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади. Ҳаддан ташқари катта тақчилликка йўл қўйилган мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлашда муайян қийинчиликлар пайдо бўлади. Республика-мизда 2005–2008 йиллар мобайнида давлат бюджети дефицитига барҳам берилиб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга қадар оширишга эришилди. Кейинги йилларда ҳам мазкур жараёнга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамай, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, 2016 йилда мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадларининг унинг харажатларидан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,1 фоизи даражасида бўлишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу йўналишдаги устувор вазифага тўхталиб: «Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир. Бюджет профицити ҳақида сўз бориши зарур. Бу




5 - р а с м. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ҳолатининг ўзгариши, ЯИМга нисбатан фоизда

муҳокама қилишни эмас, балки сўзсиз бажаришни талаб этадиган стратегик вазифадир. Бунинг учун жойларга чиқиш, ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш кундалик қоидага айланиши керак. Фақат шундагина натижага эриша оламиз»<sup>1</sup>, – деб таъкидлади.

Бюджет субвенцияси юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтарилмаслик шарти билан, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ажратиладиган пул маблағларидир. Бошқача айтганда, бюджет субвенциясини қуйи бюджетнинг юқори бюджетга боғлиқлиги даражасини ифодалайдиган кўрсаткич сифатида кўриш мумкин. 2012 йилдан буён республикамизда бюджет субвенцияси халқ таълими соҳаси ходимлари иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларга ажратиб келинмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш белгиланган. Чора-тадбирлар дастури доирасида минтақаларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш назарда тутилган. Пировардида, 2017–2021 йилларда алоҳида вилоятлар ва туманларга ажратиладиган субвенциялар миқдорини қисқартириб бориш белгиланган. Биргина 2017 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг барча туманларини субвенциядан чиқаришни сўзсиз таъминлаш вазифаси белгиланган. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳар ва туманларнинг босқичма-босқич субвенциядан чиқишига эришиш, фискал номарказлаштириш жараёнларини

---

<sup>1</sup> Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)



**6 - р а с м. Ҳудудлар бўйича субвенциядан чиқариш дастурининг таҳлили.**

чуқурлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бунда маҳаллий бюджетлар тасарруфида қоладиган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг рўйхати ҳамда миқдорини қайта кўриб чиқиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг минтақалар маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш назар тутилади.

Ҳудудларни ривожлантириш, уларнинг молиявий мустақиллигини ошириш, юқори бюджетларга қарамлигининг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши назарда тутилаётган субвенциядан чиқариш дастурининг таҳлили қуйидагича: Қорқалпоғистон Республикаси бўйича 2016 йилда 12 та туман ва шаҳар субвенция олган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 6 тага, Андижонда 12 тадан 10 тага, Бухорода 5 тадан 2 тага, Жиззахда 11 тадан 9 тага, Қашқадарёда 6 тадан 5 тага, Навоийда 4 тадан 3 тага, Наманганда 11 тадан 7 тага, Самарқандда 12 тадан 8 тага, Сурхондарёда 12 тадан 7 тага, Сирдарёда 8 тадан 3 тага, Фарғонада 15 тадан 8 тага, Хоразмда 8 тадан 7 тага туширилса, Тошкент вилояти бўйича 2017 йилдан бошлаб барча туман ва шаҳарлар субвенциядан чиқарилиши белгилаб қўйилган.

Маҳаллий бюджет харажатларидаги субвенция улушининг турлича бўлишининг бир қанча сабаблари мавжуд. Биринчи навбатда, мазкур туманнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги, солиқ тўловчилар сони таъсир қилса, шу билан бирга, катта лалмикор (лалмикор ерлар учун ер солиғи ставкалари паст даражада) ер майдонига эга бўлиб, аҳоли сони ва шундан келиб чиқиб, ижтимоий объектлар (мактаб ва шифохона) сони кўплигидан харажатларнинг юқорилиги сабаб бўлади.

5 - ж а д в а л

**Оролбуйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури**

Асосий йўналишлар	Лойиҳа сони	Дастлабки умумий қиймати, млрд. сўм
Янги иш жойларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш	4733	2 541
Сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасини ошириш, канализация, санитария ва маиший чиқиндилардан фойдаланиш тизимларини яхшилаш	16	1 300
Минтақада соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва аҳоли генофондини асраш тадбирларини амалга ошириш	15	208
Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, таълим тизими ва маданиятни ривожлантириш, ерларни чўлга айланишига қарши курашиш	24	2 123
Минтақа аҳоли пунктлари транспорт, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, суғориш ва ташқи ёритиш тармоқларини такомиллаштириш, Нукус ва Урганч шаҳарлари замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этган ҳолда иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш	10	1 400

Шуни қайд этиш лозимки, амалга оширилаётган дастурларнинг туб моҳияти ҳудудлар иқтисодий ривожланишини таъминлашга эришиш орқали маҳаллий бюджетларги тушумларни ошириш ҳисобланади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий

ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш жараёнида худудларни ривожлантириш, уларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаритилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида туризм иқтисодиётнинг динамик ривожланувчи ва нисбатан фойдали тармоқларидан бирига айланмоқда. Шу боис, 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида туризм индустриясини жадал ривожлантириш иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини яхшилаш йўналиш сифатида алоҳида ўрин олган.

Ўзбекистонда туризмни фаол ривожлантиришга туризм активларининг сезиларли ҳажми (иқлим ва атроф-муҳит, маданий, диний ва тарихий ёдгорликлар), Ўзбекистоннинг тезкор ривожланувчи иқтисодиётга эга Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Россия, Хитой ва Ҳиндистон сингари йирик давлатларга яқинда – қулай жойлашуви, бизнеснинг ривожланишини рағбатлантириш бўйича кўрилатган давлат чоралари кўмаклашади.

Ўзбекистонда мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида МДХ мамлакатлари орасида илк бор туризм корхоналари учун солиқ имтиёзлари ва қулайликлар тақдим этилди, туризм фаолияти билан шуғулланишга лицензиялар бериш тизими эркинлаштирилди ва соддалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи чоғида: «Хоразмнинг туризм борасидаги имкониятларини тўлиқ ишга солиш, янги йўналишлар ташкил этиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, меҳмонхоналар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш зарур. Зотан, туризм мамлакат иқтисодини ривожлантириш, айниқса, янги иш ўринлари яратишда муҳим соҳалардан ҳисобланади»<sup>1</sup>, – дея қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривож-

<sup>1</sup> <http://uza.uz/politics/isti-bolli-i-tisodiy-loyi-alar-a-oli-farovonligini-yanada-osh-27-01-2017>

лантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 4861-сонли Фармонида туризм соҳасида давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишини белгилаб берадиган ушбу тармоқни тубдан ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Шунингдек, 2017 йил 1 январдан бошлаб туризм фаолиятини ташкиллаштиришни таъминлайдиган туризм корхоналари – туризм операторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмалари туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи юзасидан лицензияланиши, туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олишда туризм хизматлари сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш тизимининг мавжудлиги мажбурий лицензия талаби ва шарти ҳисобланиши, меҳмонхоналарда ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларида туризм хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензия мавжуд бўлиши бўйича талабни бекор қилган ҳолда, туризм фаолияти билан боғлиқ бўлган субъектлар – меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар ва жойлаштиришнинг шу каби воситалари томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари мажбурий сертификатланадиган бўлди. 2018 йил 1 январдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини мажбурий сертификатлаш жорий этилади. Гидлар (экскурсия етакчилари), кузатиб борувчи-йўриқчиларнинг хизматлари фақат улар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бериладиган малака сертификати олгандан кейин жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш борасида амалий чоралар кўрилди. Хусусан, «Навоий» ЭИИЗ, «Жиззах» ва «Ангрен» МИЗлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодий зоналар фаолиятига танқидий баҳо бериб: «Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ... охиригача аниқ ҳаракатлар билан мустаҳкамланмади. Исбот тариқасида «Навоий» эркин иқтисодий зонаси бўйича



маълумотларни келтираман. Ўтган 8 йил мобайнида бу ерда атиги 24 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда тўғридан тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган. Ўтган йили эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган»<sup>1</sup>.

Шундан келиб чиқиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида эркин иқтисодий зоналар, янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият юритаётганлари самарадорлигини ошириш мақсадида кичик саноат зоналари иштирокчиларининг зарурий муҳандислик-комунникация тармоқларига уланиш ҳолатини танқидий ўрганган ҳолда тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кичик саноат зоналарига уларнинг ихтисослашуви, ҳудуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва иштирокчиларга юклатилган мажбуриятлар ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш, кичик саноат зоналари ҳудудида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банклари иштирокини кенгайтириш каби вазифалар белгиланган.

2017 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги 4931-сонли Фармони қабул қилиниб, ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб

---

<sup>1</sup> Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

этиш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурслар салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсад қилиб олинган.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси учун ер участкаси ажратилиб, уни зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Ҳозиргача ушбу ҳудудда енгил саноат, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш бўйича 50 дан ортиқ лойиҳа тайёрланган. Давлатимиз раҳбари ушбу стратегик зона қурилишида сифат ва муддатга эътибор қаратиш, чет элларда унинг имкониятларини тарғиб қилиш орқали хорижий инвестиция ва технологияларни жалб этиш зарурлигини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Республикаимизнинг доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инобатга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги 5032-сонли Фармони билан «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, дунё фармацевтика саноатида 8500 турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса, уларнинг 6300 таси халқимиз эҳтиёжлари учун импорт қилинади. Шунга қарамай, ҳозирги пайтда халқаро тиббиёт амалиётида фойдаланилаётган 350 турдаги доривор ўсимликлардан 71 таси республикаимизда ташкил этилган саноат плантацияларида етиштирилади. Шунингдек, инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларига яқин бўлган, экологияси тоза ва

---

<sup>1</sup> <http://uz.uz/oz/politics/isti-bolli-i-tisodiy-loyi-alar-a-oli-farovonligini-yanada-osh-27-01-2017>

соф туманларда янги плантацияларни ташкил этиш фармацевтика соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши, авваламбор, республикамиз фармацевтика соҳасини ривожлантиришга, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдиришга кенг имконият яратади.

2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл инфратузилмасини ривожлантиришга 1 550 000,0 млн сўм сарфланиши назарда тутилган. Бунда умумфойдаланишдаги халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, хўжаликлараро автомобиль йўллари таъмирлаш, шаҳар кўчалари, аҳоли пунктларига кириш ва ички йўллارни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўл хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, қурилиш материалларининг инновацион турларидан ҳамда замонавий илғор технологиялар усулларидан фойдаланган ҳолда автомобиль йўллари сифатини яхшиловчи стандартларни такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Йўл хўжалиги соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга экани унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Иқтисодиётнинг умумий ривожи, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифати айна шу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Мустақиллик йилларида вилоятлар ва туманларнинг маъмурий марказларини боғловчи кенг тармоқли транспорт алоқалари ҳамда давлатлараро хавфсиз транспорт ташувларини таъминлашга қаратилган йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бошқариш тизими, автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш,

реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ана шу йўлларнинг бугунги кундаги ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишларига доир аниқ ва самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишни, автомобиль йўлларини бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган кўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бу борада лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сонли «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилди.

Шунингдек, Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекцияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилди.

Шунингдек, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ҳамда ихтисослашган касб-хунар коллежлари Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибига берилди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболли ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Дастурда 2017–2018 йилларда 5454 километр, жумладан, 2017 йилда – 2700 километр, 2018 йилда – 2754 километр хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотларни 330 та йўл техникаси билан таъминлаш вазифалари белгиланди.

6 - ж а д в а л

**Ҳудудлардаги йўллар қурилиши ва таъмирланиши режаси**

Ҳудуд номи	Таъмирланадиган йўл ҳажми, км
Қорақалпоғистон Республикаси	295
Андижон	324
Бухоро	439
Жиззах	222
Қашқадарё	679
Навоий	216
Наманган	309
Самарқанд	479
Сурхондарё	535
Сирдарё	267
Тошкент вилояти	516
Фарғона	520
Хоразм	321
Тошкент шаҳри	332

Республикамизга аҳолига сифатли темир йўл хизмати кўрсатиш мақсадида «Talgo-250» тезюарар поезди келтирилган эди. Яна иккита «Talgo-250» русумидаги юқори тезликдаги йўловчи поездини

2017 йилнинг 1 ва 2-чоракларида сотиб олиш, Қарши–Термиз темир йўл линиясини электрлаштириш, Бухоро–Мискин янги темир йўл линиясини қуриш, Поп–Наманган–Андижон темир йўл участкасини электрлаштириш, темир йўлларни қайта тиклаш, йўловчи вагонлар таркибини янгилаш каби масалалар ҳал этилади.

2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, хусусан, уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси белгиланган. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни таъминловчи «Камолот» ЁИХ нинг мазкур йўналишдаги фаолияти ва унинг негизида ташкил этиладиган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи асосий вазифаларига тўхталган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай дейди: ««Камолот» ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмади ... коллеж устахоналари негизида ёшларни, айниқса, уюшмаган ёшларни 6 ойгача бўлган муддатда бепул ўқитиш ва касбга қайта ўқитиш марказлари ташкил этилсин»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли Фармони билан ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилди, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар куни» сифатида ни-

---

<sup>1</sup> Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/zhismoniy-va-manaviy-etuk-yeshlar-ezgu-ma-sadlarimizga-etish-30-06-2017>

шонланиши белгиланди. 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида «катта етакчи» ва «тўғарак раҳбари» штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган «ёшлар етакчиси» штат бирлиги жорий этилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида «ёшлар етакчиси» вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдориди ҳар ойлик устама белгиланади.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланди. Таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этилишидан корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти жорий этилади. Шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018–2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйлари барпо этилади. Мазкур дастурда

барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1–2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилади. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга «Матиз» ва «Дамас» автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатга мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоиз бўлган имтиёзли кредитлар ажратилади. Туман марказ ва шаҳарларида Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилади. Фойдаланилмаётган давлат объектлари, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектлар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага берилади. «Yoshlar» телерадиоканали» АЖ фаолиятини кучайтириш мақсадида унинг 50 фоиз акциялари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқига берилади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш вазифаси белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 18 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Фармонда давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишнинг куйидаги муҳим йўналишлари белгилаб берилди:

– солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

– солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотини ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини ошириш;



– солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

– макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтиришни таъминлаш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш;

– фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

– солиқ солиш масалалари, шу жумладан, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

– кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эга малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек, ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Фармон билан солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторинги жорий этилади. Шунингдек, вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари бериш тарзидаги давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги шакли

назарда тугилади. Шунингдек, солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш муддати икки бараварга қисқартирилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида «соғлом рақобат» ни таъминлаш ва «хуфиёна бизнес» юритишга барҳам бериш мақсадида давлат солиқ хизмати органларига кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтинчалик тўхтатиб туриш, солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилиб, унинг фаолияти бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш, солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилиш, Давлат бюджетини даромадларининг прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослигини баҳолаш, солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш устидан назоратни амалга оширишга йўналтирилади.

Мазкур ҳужжатда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш мақсадида солиқ қонунчилиги ва маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланди:

– солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ва методологиясини тубдан такомиллаштириш;

– солиқ юқини янада камайтириш, бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириш;

– солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этишни

ва ушбу миқдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, кўшимча солиқ мажбуриятларини белгилаш;

– айрим якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш;

– ҳалол, шу жумладан иш ўринлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштирадиган солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чораларини жорий этиш.

Мазкур ислоҳотларнинг амалга оширилиши солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, унинг шаффофлигини таъминлайди, бу эса, шубҳасиз, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ўз ақсини топади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида мустақиллик йилларида эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш натижасида аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш назарда тутилганлигидан далолат беради.

## ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади».*

**Шавкат Мирзиёев**

Мамлакатимизда мустақилликка эришилганидан сўнг, марказлашган иқтисодиётдан воз кечиб, бозор иқтисодиётини қуриш йўлида амалга оширилган ислохотларнинг асосий бўғини мулкчилик муносабатларини ислох қилишдан иборат бўлди. Давлат мулки монополиясига барҳам бериш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини ривожлантириш, хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масаланинг туб моҳияти қуйидаги учта асосий мақсадларни қамраб олган эди, яъни эски, самарасиз мулкчилик муносабатларини ислох қилиш орқали мулкдан оқилона фойдаланиб ҳам ўзига, ҳам жамиятга наф келтирадиган ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорлик ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш.

Хусусий мулкчиликни шакллантириш ва ривожлантириш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг

негизи бўлиб хизмат қилди. Шу боис иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида давлат мулки монополиясини тугатиш ва давлат мулкини хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусийлаштириш, ўз навбатида, давлат тасарруфидаги мулкларнинг ҳақиқий эгасини, яъни ушбу бойликларни ўз мулки каби оқилона тасарруф эта оладиган мулкдорларнинг ихтиёрига беришни таъминлаши керак эди. Шу билан бирга, мамлакатда кўп тармоқли ва рақобат муҳитини рағбатлантирувчи иқтисодиётни шакллантириш ҳам хусусийлаштириш жараёнининг амалий натижаларидан бири бўлиши кўзланди.

Аввало, хусусийлаштириш жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга катта аҳамият қаратилди. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда соҳадаги ислохотлар мустақилликка эришиш остонасида бошланган эди. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонун 1990 йилдаёқ қабул қилиниб, унинг 5-моддасида ширкат (жамоа) мулки, давлат мулки, аралаш мулк, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулклари қаторида хусусий мулк ҳам асосий мулк шаклларида бири сифатида белгилаб берилди.<sup>1</sup> Ундан ташқари, 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлар мамлакатда хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш учун ҳуқуқий замин яратди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 4-5-сон, 126-модда; 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 9-сон, 181-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

Мустақиллик йилларида қарийб 80 мингта давлат мулки объекти, шу жумладан, 32 мингдан ортиқ давлат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди<sup>1</sup>. Хусусийлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари инобатга олинди. Бу, айниқса, давлат уй-жой фондиди хусусийлаштиришда яққол ўз аксини топди. 1993 йилга қадар давлат уй-жой фондидини қарийб 90 фоиздан ортиғи хусусийлаштирилди. Бунда аҳолининг айрим қатламларига (маориф, тиббиёт соҳаси ходимлари) давлат уй-жойлари бағараз берилди. Ундан ташқари шахсий томорқа учун 500 минг гектардан ортиқ ер участкаларининг берилиши собиқ иттифоқ давридан қолган муаммолар – уй-жой ва ер участкаларига муҳтожликни ҳал этиш имконини берди. Бу жамиятимиздаги барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлди.

Ваҳоланки, кўп миллатли Ўзбекистон халқи собиқ Иттифоқ даврида қарийб 75 йил хусусий мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Аҳоли онгига узоқ вақт хусусий мулкка ишончсизлик ғояси сингдирилган, унинг эгаларига «чайқовчи» сифатида қаралган.

Собиқ Иттифоқ тизимида мамлакатда мавжуд бўлган жами мулкнинг 97 фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлган. Қолган 3 фоизга яқини расман колхоз-кооператив мулки ҳисобланса-да, амалда давлат мулки сифатида фойдаланилган. Корхоналарда жамоа бўлиб тер тўкиб ишлаган ишчи ва колхозчилар ўз меҳнати эвазига олган иш ҳақига оиласи қийинчилик билан кун кечирган. Башарти бирор оила узоқ йиллар жамғарган пулига каттароқ уй-жой курса ёки аввал фойдаланилган бўлса ҳам, шахсий машина сотиб олса, бундай ҳолатлар корхона жамоаси ёки партия мажлисларида қаттиқ қораланиб, оила бошлиғига нисбатан жазо чоралари кўрилган.

Айни пайтда ҳар қандай оила аъзоси жамоавий корхона ёки хўжаликда ишлаши шарт бўлган, ўз шахсий томорқасида ишлаган

2006 й., 14-сон, 109-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда; 2011 й., 15-сон, 147-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

<sup>1</sup> Давлат рақобат кўмитасининг «Хусусийлаштириш бюллетен»лари, 1992–2005 й. ҳамда йиллик ҳисоботлари. 2005–2016 й.

кишини давлат қўллаб-қувватламаган. Оилада узоқ фойдаланиладиган истеъмол моллари (музлаткич, мебель, гилам, енгил машина ва бошқа товарлар)ни сотиб олиш учун иш жойларида навбат рўйхатлари тузилган ва эҳтиётсиз товарларни шу асосда харид қилганлар. Лекин бундай товарлар партия-давлат идоралари ва корхона раҳбарларининг таниш-билишларига биринчи навбатда берилган.

Қишлоқ хўжалигида давлатга кўпроқ пахта сотиш мақсадида ғўза экин майдонлари, юқоридан берилган режа-топшириқларга кўра, доимо кенгайтириб борилган. Пахта экин майдонлари ҳайдаладиган ерларнинг 80–90 фоизини эгаллагани боис аҳолига, айниқса, ёш оилаларга уй-жой қуриш ёки деҳқончилик қилиш учун шахсий томорқа ерлари берилмаган.

Пахта етиштириш режасини ошириб бажарган хўжалик раҳбарлари орден-медалларга сазовор бўлишган. Бундай раҳбарларни янада кўкларга кўтариб мақташ учун партия-совет ташкилотларидаги танишлари раҳнамолигида хўжаликларга давлат кўшимча маблағ ажратиб турган. Шу тариқа мўл пахта ҳосили учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнаган деҳқон четда қолиб, унинг меҳнати муносиб тақдирланмаган. Пахта экин майдонлари турли кимёвий моддалар билан ишлов берилар, ушбу моддаларнинг соғлиқка етказадиган зарарини эса деҳқон, қолаверса маҳаллий аҳоли ўзида ҳис этишга мажбур эди.

Албатта, жамиятда ҳукм сурган шу каби ва бошқа соҳалардаги ижтимоий ноҳақликлар нафақат иқтисодиёт ривожини, балки аҳоли кенг қатламларининг эртанги кунга бўлган ишончи аста-секин сўнишига олиб келган эди.

Шуларни инобатга олганда, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз мустақил ривожланишида мулкчилик масаласини тубдан ҳал қилиш ва иқтисодиётда хусусий мулк шакллари кенг жорий этиш юзасидан давлат сиёсати катта ижтимоий-иқтисодий, қолаверса, сиёсий аҳамиятга ҳам эга эди.

Гап шундаки, мулкдорлар синфи ривожланишнинг ўзаро боғлиқ иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларни ечишда иштирок этади. Иқтисодий маънода, ҳақиқий мулкдор ўзига тегишли

мулкдан самарали фойдаланиб, уни бозор муҳитида кўпайтириб боради. Бу иқтисодий рақобатни ҳаракатга келтиради ва мамлакатнинг тинимсиз ривожланишига имконият яратади. Ижтимоий маънода, мамлакат аҳолисининг катта қисмини ўз ичига олган, уни ривожлантиришда илғор фикрга эга, жамият асосини ташкил этувчи синф юзага келади. Сиёсий маънода, мулкдорлар синфи барқарор ривожланиб борадиган, демократик ва ҳуқуқий давлатни қуриш, тинчлик ва тараққиёт тарафдори ҳисобланади. Хусусий мулк эгалари бўлган мулкдорлар қатлами ҳамма вақт ҳар қандай инқилобий ўзгаришлар ва ларзаларга қарши туради, чунки жамоат тартибсизлиги уларнинг мулкига таҳдид солади.

Ушбу қоидаларни ҳисобга олиб, мамлакатимизда тарихан жуда қисқа вақтда жамиятимиз учун мутлақо янги мулкчилик ва иқтисодий муносабатларга асос солган қонунлар мажмуаси яратилди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида ўз мулкдан оқилона фойдаланиш ва бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуришга қодир бўлган ўрта тоифа мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланди. Юртимизда хусусий мулк устувор бўлган кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, у барқарор ривожланиш даврига ўтди. Ўтказилган сўровларга кўра, айти пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта мулкдорлар тоифасига мансуб деб билади. 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб эканини тасдиқлаган эди<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 85 фоиз корхоналар хусусий мулкдорлар қўлида. ЯИМнинг 83 фоиздан ортиғи айнан нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1992 йилда 5 фоизга тенг бўлган. Аҳолининг умумий даромадида тадбиркорлик фаолиятдан олинган қисми 52 фоизни ташкил қилади. Акциядорлик жамиятларининг акциялари ҳам ўз хусусиятларига кўра даромад келтириши мумкин бўлган мулк қаторига киради. Акциялар эгаси, яъни акциядор ўз акцияси улушига мутаносиб равишда корхона фойдасидан дивиденд олиш, бошқарувда

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. // «Халқ сўзи», 2013 йил 18 январь.



иштирок этиш, акциясининг бозор курси ортиши ҳисобига даромад олиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда 1,2 млн дан ортиқ жисмоний ва юридик шахслар акциядорлик жамиятларининг акциядорлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида 2017 йил 1 январь ҳолатида 659 та акциядорлик жамиятлари бўлиб, уларнинг 192 тасида давлат улуши мавжуд.

Республикаимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг асосий қисми нодавлат мулкчилик шаклида бўлиб, жами субъектлар сонининг деярли 93 фоизини ташкил этмоқда. Улардан 50,8 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, 20,2 фоизи бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ва алоқа хизматлари кўрсатишда нодавлат секторининг улуши 95 фоиздан ҳам ортади (7-жадвал).

7 - ж а д в а л

**Иқтисодиётда давлат ва нодавлат секторларининг улуши**

Кўрсаткичлар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Алоқа	Транспорт	Пуллик хизматлар	Бандлик
Давлат секторининг улуши	13,4	0,1	4,2	36,8	18,3	18,5
Нодавлат секторининг улуши	84,6	99,9	95,8	63,2	81,7	81,5


Бундан ташқари, хусусийлаштиришнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида турли мулкчилик шаклларига асосланган ва рақобат муҳити тобора кучайиб бораётган барқарор иқтисодиётни шакллантиришга эришилди. Нодавлат секторининг роли ишлаб чиқариш жараёнида, саноатда, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва аҳолининг бандлигини таъминлашда ортиб бормоқда.

Мулкчилик соҳасидаги ислохотлар натижасида мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳити яратиш, рақобатни ривожлантириш мақсадлари кўзланган эди. Мамлакатимизнинг кўп укладли иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик устуворлиги таъминланган. Бунга мазкур соҳа ривожланишини давлат томонидан кенг қўллаб-қувватлаш хусусий мулк эгаларининг

катта ҳаракатлари ҳамда манфаатдорлиги туфайли эришилмоқда. Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратишга оид 1,2 мингдан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, тадбиркорликни ривож-лантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бозор инфратузилмаси объектлари шакллантирилди. Банклар ва бошқа кредит муассасалари, товар-ҳом ашё ва бошқа биржалар, савдо-саноат палатаси, маслаҳат-консалтинг марказлари, бизнес-инкубаторлар ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларини хом ашё ва бошқа ресурслар билан таъминлаш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз самарасини берди, албатта. Натижада тадбиркорлик субъектларининг сони муттасил ортиб борди. Охириги 12 йил мобайнида тадбиркорлик субъектларининг сони 2,6 мартага ортиб, 621 мингтани ташкил этди (7-расм).

Ўзбекистонда 2016 йил бошида қарийб 250 мингта нодавлат мулк шаклидаги корхоналар фаолият юритди. Улардан 22,6 мингтаси кичик корхона, 221,2 мингтаси микрофирма, 85 минг фермер ва 3,4 миллиондан ортиғи деҳқон ва томорқа хўжаликлари эди.

90,5 минг хусусий корхоналар, шунингдек, хусусийлаштирилган давлат корхоналарининг активлари, автотранспорт, қишлоқ хўжали-



7 - р а с м. Тадбиркорлик субъектларининг сони.


ги тизимида хусусий мулк қилиб берилган боғлар, токзорлар ҳамда чорва фермаларининг эгалари даромад келтирувчи мулкларнинг мулкдорлари ҳисобланади.

Ислохотларнинг кейинги босқичларида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича 400дан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ҳамда жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортга қайтмаслиги кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз томонидан олиб борилган ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг нафақат сони, балки улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми ҳам муттасил ортиб борди. Мустақилликнинг илк йилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши қарийб мавжуд бўлмаган бўлса, 2016 йилда 56,9 фоизи яратилди (8-расм). Мамлакатда иш билан банд аҳолининг 80 фоизи ёки 10,2 миллион киши ушбу соҳада фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиётда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари юз берди. Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 24 фоиздан ортиб кетди. Шу билан бирга, саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этмоқда.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Маълум-




**8 - р а с м. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши (%)**

ки, собиқ Иттифоқ даврида саноат соҳаси ўта марказлашган йирик корхоналар, комбинат ва бирлашмалардан ташкил топган эди. Ушбу корхоналарнинг аксарияти бозор иқтисодиёти шароитларига мослашувчан эмас эди. Мустақиллик йилларида ана шу йирик корхоналар модернизация қилинди ёки давлат тасарруфидан чиқариб, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган аҳоли ва юридик шахсларга хусусийлаштириб берилди. Натижада уларнинг ўрнида бозор конъюктурасига мослашувчан кичик-кичик корхоналар вужудга келди. Фақатгина охириги 10 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш қийматидаги улуши қарийб 4 марта ортиб, 45 фоизга етди (9-расм).

Кичик корхона ва микрофирма эгалари ихтиёрида 25,3 триллион сўмга тенг ишлаб чиқариш воситалари бор. Бу тоифадаги корхоналарда битта ишчи йилига ўргача 37 миллион сўмдан ошик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 2,5 мартага кўп.

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга дастурий ёндашувнинг исботи сифатида 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб



**9 - р а с м. Кичик бизнеснинг sanoatдаги улуши (%)**

эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 1474-сонли Қарори қабул қилинишини айтиш мумкин. Мамлакатимизда тадбиркорликни амалга ошириш учун қулай муҳит яратиш, бюрократик тўсиқларни сезиларли даражада бартараф этишда ушбу Дастур доирасида амалга оширилган ишлар катта аҳамиятга эга бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари танқидий таҳлил қилиниб, ҳудудларда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлаш, бу борада ишончли кафолатлар яратиш таъминланди. Тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларини қисқартириш, бюрократик тўсиқ-ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор механизмлари ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорлар учун катта миқдорда ишлаб чиқариш ресурслари ажратилмоқда. Бундай ресурслар қаторига фермерлар ва

деҳқон хўжаликлари учун ажратилаётган қишлоқ хўжалик ерлари, кичик бизнес вакилларига ажратилаётган бошланғич сармоя, фалият юриштилари учун кредитлар ҳамда хомашёларни киритиш мумкин.

8-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, иқтисодиётнинг нафақат саноат тармоғида, балки экспортда, инвестиция, қурилиш каби бошқа соҳаларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда.

Хусусий мулк эгалари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўп сонли ахборот консалтинг, юридик, маркетинг, аудиторлик, реклама, қайта тайёрлаш ва малака ошириш каби инфратузилма муассасалари турли хизматлар кўрсатмоқда, бу мулкдорлар синфи ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда.

8 - ж а д в а л

Иқтисодиётнинг айрим соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (фоизда)

Тармоқлар	2005 йил	2015 йил	2016 йил
Экспорт	6,0	27,8	28,5
Саноат	10,0	40,6	45,0
Инвестиция	24,0	35,8	40,3
Қурилиш	50,9	66,7	70,7

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда тадбиркорлик соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 78,1 фоизи меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди.

«Оилавий тадбиркорлик» ва «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунларнинг ишлаб чиқилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантиришга туртки бўлди. Шунингдек, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига олиб келди.

Кичик бизнес субъектларининг солиқ тўлаш тартиби бирмунча содалаштирилди. Солиқ кодексининг 348-моддасига мувофиқ, барча солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ўрнига битта – ягона солиқ тўлови тўланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари даромадларидан олинадиган солиқ ставкаси 1996–2012 йиллар давомида 38 фоиздан 5 фоизга камайтирилгани эътиборга лойиқ. Солиқ юкини бундай даражагача камайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эркин ривожланишига катта имкониятлар яратади.

Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда қулай бизнес муҳитини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар юқори баҳоланиб келинмоқда. Хусусан, мазкур халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган «Бизнесни юритиш – 2017» янги рейтингда 2012 йилга нисбатан Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 та давлати орасида 79 ғоғона кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Рейтингнинг айрим мезонлари кўрсаткичлари бўйича бундан ҳам юқори силжишга эришилган. Масалан, кредитлаш бўйича Ўзбекистоннинг рейтинги 2012 йилда 158 ўринда бўлган бўлса, 2017 йилнинг рейтингда 44 ўринга кўтарилди. Ўзбекистон банк тизимида кредитлаш механизмини такомиллаштириш ва содалаштириш борасида самарали тадбирларнинг изчил, узлуксиз равишда амалга оширилиши натижасида ушбу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз сўнгги 5 йил ичида 114 ғоғонага кўтарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошишида ўз аксини топмоқда. Бизнес юритиш, жумладан, банк фаолиятини амалга ошириш шароитларининг яхшиланиши ва жорий этилган имтиёзларнинг ижобий таъсири натижасида мазкур соҳа субъектларига ажратилган кредитлар, шу жумладан микрокредитлар суммаси йил сайин ортиб бормоқда.

Албатта, бундай юқори кўрсаткичларга эришиш, халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатимиздаги тадбиркорлик жадал ривожлантирилишининг эътироф этилиши бежиз эмас. Бу ютуқларнинг замирида давлатимиз раҳбарияти ва ҳукумати томонидан ушбу соҳада олиб борилаётган оқилона сиёсат ҳамда изчил чора-тадбирлар ётибди.

9 - ж а д в а л

Ўзбекистоннинг «Бизнесни юритиш» рейтингда  
эгаллаган ўрни динамикаси

Кўрсаткичлар	Бизнесни юритиш – 2012	Бизнесни юритиш – 2017	+/-
Корхонани рўйхатдан ўтказиш	96	25	▲ 71
Электр тармоқларига уланиш	172	83	▲ 89
Кредитлаш	158	44	▲ 114
Инвесторлар ҳимояси	136	70	▲ 66
Шартномалар ижросини таъминлаш	60	38	▲ 22
Тўлов қобилиятини тиклаш	117	77	▲ 40
<b>Умумий рейтинг</b>	<b>166</b>	<b>87</b>	<b>▲ 79</b>

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони билан белгиланган тадбиркорлик субъектларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида республикамиз бўйлаб 194 та «ягона дарча» марказлари ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги «Ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2412-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инс-



пекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилиши белгиланди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда босқичма-босқич салмоқли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Аввал таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Фармонда хусусий мулкчилик, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган, янада эркинлаштирилган институционал-ҳуқуқий нормалар илгари мамлакатимиз қонунчилигида эътироф этилмаган эди. Бундай нормалар орқали тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашган, хусусий мулк эгалари ҳуқуқини бузган давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг мансабдор шахсларини жиноий жавобгарликкача тортиш белгиланди. Тадбиркорларнинг судга мурожаат этиши, хусусий корхоналарни ташкил қилиш, қурилиш учун ер ажратиш, электроэнергия, сув ва бошқа ресурслардан фойдаланишга рухсат олиш қоидалари соддалаштирилди. Шунингдек, ҳокимликлар ҳузурида «ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорларга давлат хизмати кўрсатишнинг ягона маркази ташкил этилиши, тақдим этиладиган ҳужжатлар сони ва хизматлар муддатини қискартириш, тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга имконият бермоқда.

Шундай қилиб, мустақил тараққиёт йилларида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида фуқароларни хусусий мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидан четлатиш жараёни тўхтатилди. Аҳоли орасида даромад келтирувчи мулкка эга бўлган мулкдорлар қатлами шаклланди. Улар ўз мулкидан давлат, жамият ва ўз манфаатлари йўлида самарали фойдаланиб, мамлакатимиз ижтимоий-

иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиб, иқтисодиётнинг реал секториди янги корхоналар, иш жойлари яратишга салмоқли инвестициялар киритишмоқда. Ушбу ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес негизидан йирик корхона ва компаниялар юзага келиши ҳақидаги узоқни кўзловчи ғояси амалда ўз тасдиғини топаётганининг исботи ҳисобланади. Шу тариқа ривожланиб боровчи давлат қудратли ва халқ ҳаёти фаровон бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ташқи иқтисодий фаолиятга катта эътибор қаратиб, экспорт ҳажмида хом ашёлар улушини аста-секинлик билан камайтириш стратегиясини амалга ошириб келмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, уларнинг амалиётда қўлланилиши натижасида ушбу соҳанинг экспортдаги улуши ортиб бормоқда.

2000 йилда кичик бизнес субъектларининг экспортдаги улуши 10,2 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилда қарийб икки баробарга кўпайиб, 19,4 фоизни ташкил этди. Сўнгги уч йилда кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳияти мустаҳкамланиб, улуши ортиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2022-сонли Қарорига мувофиқ Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган.

Жамғарманинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт қилишда зарур молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, мамлакатнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

2014 йилда мазкур Жамғарма томонидан 2,4 мингта тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий, ташкилий хизматлар кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1,25 миллиард доллар миқдоридаги экспортадбиркорликни янада ривожлантириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда босқичма-босқич салмоқли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725 сонли Фармони соҳада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Фармонда белгиланган хусусий мулкчилик, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган, янада эркинлаштирилган институционал-ҳуқуқий нормалар илгари мамлакатимиз қонунчилигида эътироф этилмаган эди. Бундай нормалар орқали тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашган, хусусий мулк эгалари ҳуқуқини бузган давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг мансабдор шахсларини жиноий жавобгарликка тортиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 мартда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш Жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПКҚ-2507 сонли Қарори қабул қилинди. Жамғарманинг устав капитали 3 бараварга, яъни 5,3 миллиард сўмдан 10,3 миллиард сўмга ҳамда қўшимча 2 миллион долларга оширилди. Тадбиркорларга хизмат кўрсатишдан олинадиган шартнома қийматининг 3 фоизгача бўлган комиссия ажратмалар миқдори 1 фоизгача камайтирилди. Жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури янада кенгайтирилди. 3356 та тадбиркорга ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий кўмак кўрсатилди. Имзоланган экспорт шартномалари қиймати 2,9 миллиард долларни ташкил этди. Қарийб 1,4 миллиард доллар қийматдаги экспорт амалга оширилди.

242 та кичик бизнес субъектларига 10 та халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этишларига ёрдам кўрсатилди. Мазкур тадбирлар доирасида 425 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди, 61 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

Ўтган йилга таққослаганда, кўргазмалар сони 4 тага, тадбиркорлар сони 50 тага ёки 26%, экспорт шартномалари қиймати 3 барабар ёки 290 миллион долларга ошди. Жамғарма томонидан тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва чет эллик шериклар топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, шунингдек, экспорт шартномалари тузиш, халқаро сертификатлар, рухсат беришга оид ҳужжатлар олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича фаол ёрдам берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони тадбиркорликни ривожлантиришда яна бир муҳим кадам бўлди. Фармонда тадбиркор фаолиятини текширишларини қисқартириш, тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашиларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспортни рағбатлантириш, банк тизимини янада такомиллаштириш, «Ягона дарча» марказлари хизматларини кенгайтириш каби қатор вазифалар белгилаб берилди.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини қай даражада ҳимояланганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Тадбиркорларнинг судга мурожаат этиши, хусусий корхоналарни ташкил қилиш, қурилиш учун ер ажратиш, электроэнергия, сув ва бошқа ресурслардан фойдаланишга рухсат олиш қоидалари соддалаштирилди.

Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилди. Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолат-

ларини кучайтириш масаласини ҳал этишда суд органлари ролини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Судлар тегишли даъво аризаси кўриб чиқиладиган пайтда тадбиркорлик субъекти назорат органининг қароридан норози бўлса, унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга бўлди.

Агар тадбиркорлик субъекти солиқ ва божхона қонунчилигини бузган бўлса, унинг мулки фақат суд қарорига биноан мусодара қилиниши мумкинлигини белгиладиган қонун нормаси жорий этилди, даъво аризасини кўриб чиқиш муддати ҳам сезиларли равишда қисқартирилди.

Энди микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилади ва бундай текширувлар фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

Тадбиркорларга давлат мулки бўлган объектларни бериш орқали улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4933-сонли Фармонида асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига давлат мулки бўлган ностратегик объектларни сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар тегишли равишда маҳаллий бюджетларга йўналтирилади. Агар давлат мулки объектини ижарага олган шахс асосий фондларни модернизациялаб, мукамал таъмирдан чиқариб, янги иш ўринлари яратган бўлса ушбу объект хусусийлаштирил-

ганда айнан ижарачига устунлик ҳуқуқи берилиши тадбиркорга яна бир қулайлик бўлди. Шунингдек, сотилаётган давлат активлари бўйича харид тўловларини тўлаш муддати 3 йилгача узайтирилгани, давлат мулки объектларини сотиб олган ва умумбелгиланган солиқлар тўловчи шахслар олди-сотди шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб 1 йил муддатга янги сотиб олинаётган давлат мулки объектлари бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинганлиги ҳам шундай қулайликлардан.

Шу билан бирга, тижорат банкларига қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, ижарачиларга 5 йил муддатгача, имтиёзли даври 12 ой бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилган. Ушбу тадбирлар жорий йилнинг ўзида 97,7 минг кишининг бандлигини таъминлаш, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, улар томонидан меҳнат шартномалари асосида қўшимча ходимларни ёллаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконини берди. 308,6 минг нафар банд бўлмаганларни хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда шахсий ёрдамчи деҳқон ва томорқа хўжаликларига ўзи-ўзини банд қилиш орқали бандлиги таъминланди.

Шундай механизм яратилмоқдаки, унга кўра республика-мизнинг барча ҳудудларида аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишини рағбатлантириш мақсадида вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари билан биргаликда ҳудуддаги барча чорва, парранда, қуён, асалари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги учун зарур уруғ, кўчат, ўғит етказиб берувчи ва иссиқхоналар қурилиши билан шуғулланувчи корхоналар рўйхатини шакллантирмоқда. Шаклланган рўйхатлар туман (шаҳар)ларда таянч қилиб белгиланган коллежларга тақсимланади. «Ярмарка» бошланишидан бир кун олдин таянч коллежларга чорва, парранда, қуён, асалари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги учун зарур уруғ,

кўчат, ўғит етказиб берувчи ва иссиқхоналар қурилиши билан шуғулланувчи корхоналар бурчаклари ташкил этилади, уларнинг тайёрлиги юзасидан Вилоят комиссиясига ахборот берилади. Мазкур ишлар нафақат коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, балки аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, халқнинг дастурхонини тўлдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг учинчи йўналишида белгилаб берилган «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари», хусусан, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ҳамда таркибий ислохотларни давом эттириш йўналишида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва тадбиркорликка қулай шарт-шароит яратиш, шу орқали барқарор тараққиётни таъминлашга замин бўлмоқда.

## **АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ**

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолаш, эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликлари ҳамда аниқ марраларни белгилаш вазифаси турган эди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналиши аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутади.



Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни яратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, катта ёшли аҳолини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари ҳам киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмаси, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта куриш, «тез тиббий ёрдам» хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Бюджет сиёсати эса мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик, бюджет тизимидаги мувозанатни сақлаган ҳолда, давлат тасарруфидаги маблағларни келгусида унинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида ўта самарадорлик билан ишлатиш лозимдир. Айтиш керакки, давлат бюджетида йилдан йилга ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг улуши ошиб бормоқда. 2016 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджет харажатларининг 59,2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 59,7 фоизгача кўпайтирилиши белгиланган. Таълим харажатлари эса ўтган йилга нисбатан 18,0 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6,9 фоизни ташкил этади. Демак, давлат бюджетидан мазкур соҳага ажратилаётган салмоқли маблағлар таълим-тарбия масканларида билим олиш шароити ва имкониятларини яхшилаш учун кенг йўл очади<sup>1</sup>.

**Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.** Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган бош мақсад – аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш. Айниқса, бо-

<sup>1</sup> <http://1news.uz/uz/society/2017-yilda-ijtimoiy-soha-qanday-moliyalashtiriladi/>

зор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашгани сари ижтимоий ҳимоянинг ҳам аҳамияти ортиб бораверади. Жаҳон мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатаптики, иқтисодий муаммоларни, иқтисодий инқирозни бартараф этиш мумкин. Аммо ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий инқироз оқибатларини юмшатиш осон кечмайди. У жуда катта куч, вақт, энг муҳими, узокни кўзлаб оқилона сиёсат юритишни талаб этади. Айрим мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига, ижтимоий масалаларни ҳал этишга эътиборсиз қараш, нотўғри ёндашувлар жуда катта ижтимоий танглик, ижтимоий бўҳронларни келтириб чиқаргани, улкан йўқотишларга олиб келгани кўпчиликка маълум. Мазкур жиҳатларда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг аҳамияти янада чуқурроқ намоён бўлади.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳага жамият эътиборини кучайтириш, манзилли ижтимоий ҳимояни кафолатлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизни тараккий эттиришнинг миллий модели асосини ташкил қиладиган беш тамойилнинг бири ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритишдан иборат. Мазкур тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилди.

Аввало, ижтимоий соҳа, хусусан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Бу борадаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. 1991 йилдаёқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, давлат пенсия таъминоти тўғрисида, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида, турли соҳа ходимларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш тўғрисида, ёлғиз кексалар, ногиронлар ва пенсионерларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш тўғрисида, кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлаш тўғрисида ва бошқа ўнлаб қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар,

нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас»<sup>1</sup>, деб баён этилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қонуний асосга эга эканлигини белгилаб берди.

Мамлакатимизда 1997 йилдан бошлаб йил номлари берилиб келинмоқда. Шу асосда Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, уларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи назарда тутилмоқда.

2007 йил 19 мартдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3864-сонли фармонига асосан болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ва «Саховат» интернатуylари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан 25 фоизгача оширилишини, 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорда қўшимча; жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши; уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, шунингдек, ногирон болаларни уйда ўқитаётган педагоглар учун белгиланадиган миқдорларда ойлик йўл ҳақи компенсацияси жорий этилди.

2011 йил 30 майдаги «2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, ҳозирги кунда уларнинг аниқ манзилли ижтимоий муҳофазасида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

2015 йил 14 апрелдаги «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4715-сонли фармонга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014, 15-бет.

кўра, ёши 100 га тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига 2015 йилнинг 1 майидан бошлаб, ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қўшимча тўлов тўлаш белгиланди ҳамда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича энг кам иш ҳақининг табақалаштирилган миқдорида ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янги рўйхати тасдиқланди

2016 йил 22 февралдаги «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4782-сонли фармонга биноан ногиронлар ва кексаларнинг «Мурувват» ва «Саховат» уй-интернатлари, Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронларнинг ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторий ва пансионатлари, Тошкент ҳамда Фарғона шаҳарларидаги имкониятлари чекланган шахсларнинг республика ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари, Тошкент шаҳридаги 2-сонли юридик коллеж белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2017 йилни **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»** деб номлади. Бу маърузада инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётимизнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши катта аҳамиятга эга эканлигини, бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтирилишини, аҳолини иш билан таъминлаш нафақат иқтисодий, айти пайтда, катта ижтимоий аҳамият касб этиши ҳақида аниқ устувор вазифалар белгилаб берилди.

2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 4906-сонли

фармонлари Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, кекса ёшдаги фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, катта авлоднинг жамият, оила ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш мақсадида қабул қилинди.

2017 йил 14 январь куни «Ганқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» деб номланган мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузада *қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган дастурни амалга ошириш* алоҳида назоратга олинishi кераклигини, ҳар бир имтиёз ва ижтимоий ҳимоя чораси ўз эгасига етиб бориши даркорлиги таъкидланди.

2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сонли қарорда 2017 йил февраль ойидан бошлаб:

*биринчидан*, барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

*иккинчидан*, 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

*учинчидан*, олий ўқув юртлари талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилишини белгилаш;

шу билан бирга, Молия вазирлиги, Пенсия жамғармаси ва почта хизмати ташкилотларига пенсияларнинг узлуксиз, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўланишини таъминлашга доир қатъий топшириқлар берилди.

2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонда **аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида** аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимояси ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур қонун ҳужжатларининг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши, ҳар йили давлатимиз бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга сарфланаётгани ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий ислоҳотлар босқичма-босқич, тизимли равишда, изчил олиб борилиши натижасида мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик сақланиб, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб, бунёдкорлик фазилатлари тобора ошиб бормоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизни изчил ривожлантиришга мустаҳкам асос яратмоқда.

Юртимизда аҳоли манфаатларини таъминлаш, айниқса, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар ҳолидан хабар олиш, ғамхўрлик кўрсатиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Бинобарин, Конституция ва қатор қонун ҳужжатларида бу бо-радаги меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилгани амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайиб бораётганидан далолат.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд барқарор механизми жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса-қариялар, ногиронлар, вақтинча ишсизлар ва шунга ўхшаш ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли вакилларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан изоҳланади.

Кўриниб турибдики, мамлакатдаги ижтимоий ислохотлар асосини ташкил қилувчи аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимига ўтилиши иқтисодий тараққиётнинг стратегик мақсадларига мос келади.

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга ошириш, худудларда кам таъминланганликнинг салбий оқибатларини юмшатиш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатининг ўсишини таъминлашга йўналтирилган аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятининг ролини кучайтириш бўйича тегишли ҳулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини бошқаришнинг янги моделини қуриш давлат бошқарувининг яқин истиқболга мўлжалланган биринчи галдаги вазифаларидан бири ҳисобланади. Республиканинг ўз иқтисодий ривожланишининг жаҳонда бозор иқтисодиёти босқичи, деб номланувчи янги босқичига қадам қўйиши шароитида ушбу муаммо янада долзарб аҳамият касб этади. Зеро, ҳозирги вақтда замонавий бозор шароитларига мос келувчи ижтимоий муносабатлар тизимини яратиш ўта муҳим масаладир. Шунинг учун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини комплекс тарзда ҳал этиш имконини берувчи тизимли ёндашув асосида уни бошқариш механизминини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бизнингча, янги механизм бошқача сифат асосида қурилиши керак. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини бошқариш самарадорлигининг баҳосини ушбу ҳолатда самарадорликнинг белгиланган параметрларида давлатнинг ижтимоий функциялар учун харажатларини камайтиришдан эмас, балки ушбу тизим барча иштирокчилари ресурсларининг муайян миқдоридан фойдаланишда ижтимоий самаранинг ошишидан келиб чиқиб аниқлаш лозим.

Бундан ташқари, минтақа **аҳолисига ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари** (АИХКМ) «мижознинг талабларини ўрганиш» тамойили бўйича ишлашдан «мижознинг эҳтиёжларини

қарши олиш» тамойили бўйича ишлашга ўтиши керак. Бу шуни англатадики, АИХКМ фуқароларнинг мурожаатларини кутиш ва уларга расмий жавоб бериш позициясидан воз кечиши ва аҳолининг турмуш шароитларини ўрганишга, уларга ёрдам кўрсатишнинг оптимал имкониятларини қидиришга ўтиши лозим. Шунингдек, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга нисбатан ялпи ёндашувни ҳам таъминлаш зарур: ҳар бир инсон учун ҳар бир муайян ҳолатни аниқлаш ва зарур ижтимоий ёрдамни кўрсатиш керак.

Ривожланган давлатлар миллий иқтисодиётининг ҳолати, жамиятнинг кадриятлар ва уларнинг меъёрлари тўғрисидаги тасавурларига мувофиқ равишда яратилган моделлар Ғарб иқтисодиёт фанида чуқур тадқиқ этилган. Уларнинг мамлакат учун энг мақбулларини танлаш ва баҳолаш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тизими, иқтисодиётдаги вазият хусусиятлари ҳамда халқимиз кадриятлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг миллий стратегияси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Тадқиқотлар минтақалардаги таркибий ўзгаришлар таъсири остида шаклланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг модели олтита мустақил гуруҳни қамраб олишини кўрсатди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни бошқаришнинг таклиф этилаётган модели аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш, ижтимоий хизматларни бошқариш самарадорлигини ошириш ва давлат ижтимоий хизматларини кўрсатишнинг сифатини яхшилашни назарда тутади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича тегишли вазирликнинг тузилмасига мос келувчи ягона модель бўйича ҳудудий органларни шакллантириш; ҳудудий органлар таркибида ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича «ягона дарча» тамойили бўйича ишловчи миқозлар хизматларини ташкил этиш; давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентларининг қулайлилик стандартларига мувофиқ фуқароларни қабул қилиш учун қулай шароитларни яратиш, бизнингча, қуйидагиларни таъминлаш имконини беради:

– фуқароларнинг алоҳида тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш;



– кекса ёшдаги фуқаролар, ногиронлар, болали оилалар, қийин турмуш вазиятига тушиб қолган фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш давлат стандартларини бажариш;

– аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

– бюджет хизматлари кўрсатиш ва фуқароларнинг алоҳида тоифаларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бошқарувнинг янги ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришни механизмнинг таркибий унсурлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусияти ва уларнинг тизимни бошқариш жараёнидаги ролини ўзгартиришга йўналтириш лозим.

Ушбу механизмни яратиш, бизнингча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш асосида минтақа аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизимини бошқаришнинг асосий субъекти сифатида давлат ҳокимияти органларининг ролини такомиллаштиришни назарда тутлади:

*биринчидан*, солиқ, кредит, бюджет механизмлари ҳамда давлат буюртмаси механизми ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар, нотижорат ташкилотлар, шунингдек, алоҳида уй хўжаликларини ўзларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини бошқаришдаги иштирокини оширишга фаол рағбатлантириш;

*иккинчидан*, давлат органларининг ижтимоий ёрдам кўрсатишга нисбатан ёндашувларини ўзгартириш, бу ижтимоий имтиёз ва субсидияларни оддий молиялашдан воз кечилишини, бандлик ва ўзини ўзи банд қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг кенг қўлланишини, аҳолининг даромад олишини таъминловчи шахсий ташаббусни ривожлантириш ва инсонлар эҳтиёжларининг қондирилишини назарда тутлади;

*учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси субъектининг давлат ҳокимияти органларига натижалар бўйича бошқариш тамойиллари ва тартиботларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида, айниқса, касб-хунар коллежи битирув-

чилари ва ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатиш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларни ишга жойлаштириш масаласи бўйича давлат бошқарув органларига вазифалар юклатилди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб:

**1. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:**

*2017 йилда 457 мингта коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласини ҳал этиш.*

– битирувчиларнинг корхона ва ташкилотларга «коллеж – корхона – битирувчи – ҳоким» тизими орқали бириктирилиши;

– битирувчиларнинг 60–70 фоизи мазкур тизим орқали мутахассислиги бўйича ишга жойлашмоқда, лекин уларнинг 20–25 фоизи бўшаб кетмоқда;

– битирувчиларни камида бир йил давомида иш билан таъминлагани учун иш берувчиларга берилган имтиёзлар кўламини кенгайтириш таклифларини ишлаб чиқиш;

– 2017 йилда қарийб 24 минг нафар битирувчи ўз бизнесини бошлаши учун зарур шарт-шароит яратиш, 360 млрд сўмлик банк кредитлари ажратишни таъминлаш чораларини кўриш;

– республиканинг 28 та йирик шаҳарларида «Микробизнес ва оилавий тадбиркорликни бошлашга кўмаклашиш марказлари» ташкил этиш;

– уларда бир жойнинг ўзида мини технологиялар кўرғазмаси, чорва, парранда олиш бўйича шартномалар тузиш, микро кредит ва лизинг хизматлари кўрсатиш, ярмаркалар ўтказиш, бизнесни очиш бўйича ўқув курслари ташкил этиш ҳамда бизнес режа ва ТЭОларни тайёрлашга кўмаклашиш.

**2. Ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатиш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларни ишга жойлаштириш масаласи бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:**

– ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатиш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар учун туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорларига асосан иш ўринларини захиралаш ва ишга жойлаштириш;

– ишга жойлашмаган ҳарбий хизматдан захирага бўшатишлар ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар рўйхатини шакллантириш, улар билан ҳокимликларда учрашувлар ташкил этиш ва уларни иш берувчилар билан бевосита боғлаш;

– меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш хизматлари орқали ишга жойлаштириш;

– февраль-март ойларида ҳарбий хизматдан захирага бўшатишлар ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш ҳамда ярмаркалар доирасида тадбиркорликка жалб этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Зеро, инсон шаъни, кадр-қиммати эъзозланган юртда фаровонлик, хотиржамлик, энг асосийси, тинчлик барқарор бўлади.

**Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони бўйича соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришда белгиланган чора-тадбирлар талқини.

«Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди:

– аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимояси ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

– аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом тур-

муш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

– оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш;

– хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

– пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

– фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар, бажариш муддати, ижро учун масъуллар, сарф-харажатлар, молиялаштириш манбалари, тақдим этиладиган

хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижалар белгилаб берилди. Унга кўра куйидагилар амалга оширилади:

Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва қариялар учун сихатгоҳлар ва интернат-уйларининг моддий-техника базасини яхшилашга эришиш ва кекса ёшдаги фуқаролар ва ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давархитектқурилиш 2017 йилда Инвестиция дастури параметрлари доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 49 312,0 млн сўм миқдорда республика ҳудудидаги ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш белгиланди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда яшаётган ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган фуқароларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар ва махсус муассасаларни витаминлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, имконияти чекланган шахсларни, «Мурувват», «Саҳоват», «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва даволаш профилактика муассасалари тарбияланувчиларини ногиронлик аравачалари билан таъминлаш; қуритилган, витаминга бой озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан қўллаб-қувватлаш; ёзги оёқ-кийимлар билан таъминлашда «Соғлом авлод учун» фонди, «Амери Керз» халқаро ташкилоти, «Resource and Policy Exchange» ташкилоти, «ТОМ's SHOES» ташкилоти келишув асосида амалга ошириш назарда тутилди.

Вилоятлар аҳолисини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари шифокорларининг жойларга чиқиб, жарроҳлик амалиётлари ва бошқа тиббий хизматлар кўрсатишини ташкил этиш бўйича махсус чора-

тадбирлар дастурини қабул қилиш орқали Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари хизматидан фойдаланувчиларга кўшимча қулайликлар яратилади ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада такомиллаштириш режалаштирилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун тиббий-ижтимоий патронаж бригадаларининг кучи билан тоғли, чўл ва бориш қийин бўлган ҳудудларда, шунингдек, алоҳида эътибор талаб этиладиган туманларда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда яшовчи (Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) аҳоли учун «Саломатлик» поездларини ташкил этиш лозим. Бу билан бориш қийин бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш орқали ижтимоий ҳолати аниқланиб, соғлом оила юзага келишига замин яратилади ва уларнинг тиббий билимлари бойитилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга татбиқ этиш, ўз навбатида, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг 343 номланиши бўйича қатъий нархларнинг назоратини амалга оширишни, дорихоналарда сотилаётган барча дори воситаларининг нархига қатъий кўшимчалар киритилишини таъминлашга имкон яратади.

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси, «Саломатлик-3» лойиҳаси, бюджет маблағлари ҳисобидан оналар ва болаларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 40 та туғруқ бўлимлари негизда туманлараро перинатал марказлар ташкил этиш орқали оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш, оналар ва янги туғилган чақалоқларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилади.

Республика скрининг марказида ва унинг ҳудудий филиалларида ҳомиладор аёллар ҳамда чақалоқлар орасида перинатал ва неонатал скрининг ўтказиш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даража-сида ҳомиладор аёлларнинг оммавий, барвақт перинатал скрининг-

гини ўтказиш йўли билан туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастурини амалга ошириш давом эттирилади.

Аёллар ҳамда қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида анъанавий минтақавий «Аёллар спорт фестивали»; «Соғлом авлод учун» кубоги учун сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, гимнастика, бадий гимнастика, спорт ракси ва гимнастрада каби спорт мусобақалари ҳамда бошқа тадбирлар ўтказиш билан аёллар ўртасида спортнинг омлавийлиги оширилади, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёллар саломатлиги мустаҳкамланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан сурункали касалликларни, жумладан, яширин ва аввал аниқланмаган касалликларни эрта аниқлаш тадбирларини амалга ошириш бўйича кўп тармоқли поликлиникаларнинг 7–9 нафар тор соҳа мутахассислари ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан хавф гуруҳига мансуб аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклар, сурункали касаллиги бор аҳолини йилига 2–6 марта (бемор ҳолатидан келиб чиқиб) тизимли диспансер кўриклари, никоҳга кирувчи шахсларни тиббий кўриклар, 3,6 млн нафар аҳолини флюорографик кўриклар билан қамраб олинишида тармоқ режаларини тузиш, тор соҳа мутахассисларидан иборат бригадаларни шакллантириш ва тиббий кўрикларни амалга ошириш билан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга эришилади.

Аҳоли орасида профилактик тадбирларни кенгайтириш мақсадида ўзгалар парваришига муҳтож, уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, сурункали касалликка чалинганлар учун жадвал асосида ташкиллаштирилган «Патронаж ойлиги»да тиббий ходимларнинг фаол иштирокени амалга оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳудудларда минтақавий семинарлар ўтказиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш назарда тутилади.

1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан камида 35 минг нафарининг санаторий муас-

касаларида бепул даволанишини ташкил қилишда ижрочиларнинг қўшма қарори билан уруш ва меҳнат фахрийларини бепул ҳар йили диспансеризация кўригидан ўтказиш, даволаш ва соғломлаштириш ташкил этилади.

10 минг ногирон ва ёлғиз қария протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан бепул таъминланади. Ногирон шахслар протез-ортопедия, реабилитация техника ва ёрдамчи воситалар билан бепул таъминлаш йўли билан қўллаб-қувватланади. Уларни жамиятга қайтариш мақсадида реабилитация тадбирларининг самарадорлиги оширилади.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, даволаш-профилактика муассасаси, туғруққа ёрдам берувчи ва болалар тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва асбоб-ускуналар билан жихозлаш ишларини бажариш 2017 йил Инвестиция дастури асосида олиб борилади. Амалга ошириладиган қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш орқали тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини замон талаби даражасига етказиш лозим бўлади.

Қуйидаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади: барча туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ва оилавий поликлиникалар; онкологик муассасалар; республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари; Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари; Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам маркази; тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиникалари ва республика клиник шифохоналари; тўртинчи даражали кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази. Натижада, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати оширилади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида: ҚВПларнинг мунтазам фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи қўшимча қулайлик яратиш мақсадида уларнинг врачларига иш жойи ёнидаги ҳудудларда уй-жойлар қуриб бериш, ҚВПларнинг моддий-техника базасини кучайтириш учун улар малакали



кадрлар билан таъминлаш ҳамда қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг янги имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, ҳудудларда ташкил этиладиган «Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» орқали аҳолининг муаммоли масалаларини ҳал этиш назарда тутилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь ва 7 февраль кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда соғлиқни сақлаш соҳасини, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини кўйди. Бу соҳада ҳақиқатан ҳам камчиликлар кўплигини ва уларнинг илдизи мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими инсонларнинг, бугунги куннинг талабларига жавоб бермаётганига бориб тақалади. Мисол учун, мамлакатимизда ҚВПларнинг қарийб учдан бир қисми самарасиз ишламоқда. Ҳамюртларимиз кўпинча туман поликлиникалари ёки хусусий муассасаларга боришни афзал кўряпти. Вазиятни тубдан ўзгартириш учун, аввало, ҚВПларни оптималлаштириш, йириклаштириш, улар қошида шошилиш ёрдам станциялари ташкил этиш ва тор мутахассисликдаги шифокорлар билан таъминлаш зарур. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган яна бир муҳим топшириқ — йириклаштирилган қишлоқ врачлик пунктлари яқинида мутахассислар учун тураржой бинолари қуриш. Шу йил охиригача ҚВПлар қошида шифокорларга мўлжалланган ана шундай уйлардан 300 таси барпо этилади.

Бундан ташқари, статистика маълумотларига кўра, «тез тиббий ёрдам» бригадалари 15–20 фоиз ҳолатларда кечикиб етиб келади. Бунинг бир қатор ўзига хос сабаблари бўлса-да, муаммонинг асосий илдизи техник имкониятларга бориб тақалади. Яъни, тиббий хизмат кўрсатиш учун автомобиллар етарли эмас. Ҳозирги вақтда республикамиз миқёсида 1800 та шундай машинадан фойдаланилаётган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи 10–12 йиллик автомобиллардир. Аслида белгиланган талаб бўйича «тез тиббий ёрдам» автоуловлари сони камида 2400 та бўлиши лозим. Шулардан келиб чиқиб,

йил охиригача 1200 та янги транспорт воситалари сотиб олинди кўзда тутилган. Диспетчерлар қайта ўқитилади, уларнинг малакаси оширилади, талаблар кучайтирилиши ҳам кўзда тутилган. «Тез тиббий ёрдам» кўрсатиш автомобилларига GPS ускуналари қўйиш ҳам режалаштирилган.

Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тиббиёт йўналишидаги хорижий олий таълим муассасаларининг дипломларини нострификация қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги *«Аҳолини доридармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»*ги Қарориди соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириши борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат асосида тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун нархларни белгилаш тартиби жорий этилди.

Имунология соҳасидаги илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятининг ўқув жараёни билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, тиббиёт олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини, катта илмий ходим-изланувчилари ва талабаларини иммунология соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришга кенг кўламда жалб этиш мақсадида Президентнинг 12 октябрда 2016 йил «Имунология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2620-сон қарори тасдиқланди.

**Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатлари ифода этилган қатор

ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) ратификация қилинган.

1991 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил топди. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 194 та туман, шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, идора ва муассасаларда 41 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1084-сонли Фармони асосида хотин-қизлар қўмиталари раҳбарларига *Бош вазирнинг ўринбосари, ҳоким ўринбосари мақомлари берилди.*

*2004 йил 25 майда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон* қабул қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Унга мувофиқ, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашишлари соҳасидаги умуммиллий сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш, хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш қўмита ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифалари сифатида белгиланди.

Шунингдек, 2004 йилда *хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш* масаласи янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Маажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши тўғрисида норма келтирилиб, квота жорий этилди.

*Янгидан сайланган мамлакатимиз Қонунчилик палатасида айни пайтда 16 нафар депутат, Олий Мажлис Сенатида 17 нафар аёл фаолият юритмоқда.* Зеро, замонавий мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ўрни нафақат ижтимоий-сиёсий фаолиятда тобора юксалиб борапти, балки давлат бошқарувида ҳам кенг иштироки таъминламоқда десак, асло муболаға бўлмайди.

*Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган юксак эътибор туфайли уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бормоқда.*

*Ҳар йили юртимизда муайян ижтимоий йўналишда эълон қилинадиган Давлат дастурида аёлларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳим ўрин эгаллайди.* Хусусан, 1999 йилга Ўзбекистонда «Аёллар йили» деб ном берилди. Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини оширишга йўналтирилган кенг миқёсли ишлар қаторида уларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор янада кучайтирилди. Ўша йили аёлни ардоқлаш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида *Зулфия номидаги Давлат мукофоти* таъсис этилди.

Мазкур мукофот аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган, мустақиллик ғояларини амалга ошириш йўлида бор куч-ғайрати билан ҳаракат қиладиган, истеъдодли қизларга адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидаги катта ютуқлари учун берилади. Бугунги кунда унга сазовор бўлган 200 нафардан зиёд қиз нафақат танлаган соҳаларида фаол меҳнат қиляпти, балки тенгдошларига ўқишда, ишда, фанда, таълимда муваффақият қозонишларига ёрдам бермоқда.

*Мамлакатимизда илм-фан ва техникани тараққий эттиришида* Ўзбекистон олималари қатор ютуқларга эришмоқда. Жумладан, республикаимиз хотин-қизлари орасида 6 нафар академик,

500 дан зиёд фан доктори ва 5000 га яқин фан номзодлари мамлакатимиз ривожига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Республика-миз бўйича олий таълим муассасаларида таълим бераётган аёл профессор-ўқитувчилар сони 10 000 га етди. 1993 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Олима аёллар жамияти» ташкил этилди, кейинчалик у «Олима аёллар ассосацияси» деб номланди. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда 100 га яқин хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотларида фаолият юритмоқда. Ўзбекистон олималари тиббиёт, психология, педагогика, тилшунослик, кишлок хўжалиги ва бошқа йўналишлардаги илмий изланишлари ва эришаётган ютуқлари мамлакатимиз, шунингдек, қатор хорижий давлатлардаги илмий марказлар томонидан юқори баҳоланаётир. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, *хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга* ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътибор туфайли уларни иш ўринлари ва имтиёзли кредитлар билан таъминлаш янгича босқичга кўтарилди. Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос ҳунармандчилик турлари ривожланган. Касаначилик фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида аёлларбоп кўплаб ўринлар қайта тикланди. Чекка-чекка кишлоқларимизда уйда фарзанд тарбияси билан банд бўлган опа-сингилларимизнинг каштачилик, зардўзлик, тикувчилик каби момомерос ҳунарлар билан шуғулланаётгани ва замонавий буюмлар яратаётганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тадбиркорлик билан машғул бўлган аёлларнинг олти мингга яқинига бошланғич иқтисодий билимларни эгаллаш, кичик бизнесни қай тарзда ривожлантириш, ҳисоб-китоб қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича зарур маслаҳатлар берилди.

**Аёл – энг аввало, она.** У саломат экан, фарзанд ҳам соғ бўлади. Бинобарин, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. «Соғлом она – соғлом бола» тамойили асосида ишлаб чиқилган ўзига хос тизим бугун салмоқли натижалар бераяпти. 2011 йилда Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломат-

лиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига киритилгани бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимизнинг хотин-қизларга бўлган эътибори, уларнинг репродуктив саломатлиги билан бир қаторда уларни маънавий юксалтириш келажак авлодимизни комил инсон қилиб етиштириш гарови ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида **қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этиш** муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Хотин-қизлар билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши ҳақида гап кетганда, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш ва оилалар фаровонлигига эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўз олдимизда намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев **2017 йил 5 январь куни** соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассилари билан бўлган учрашувда қайд этганидек, **«Аёлларимиз ибולי, ҳаёли. Баъзи масалаларда шифокорга бориб дардини бемалол айтавермайди. Шу боис хотин-қизлар учун алоҳида поликлиника ташкил қилишимиз керак. Токи улар бориб ўзини қийнаётган масалада бемалол фикрлашсин. Чунки эртанги кунимизнинг давомчиларини соғлом дунёга келтириш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг саломатлигига боғлиқ»**.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, **бузунги кунда Ўзбекистон аёллари** – иқтидорли раҳбар, уddaбурон тадбиркор, аҳоли манфаатларини муҳофаза қиладиган ижтимоий ва сиёсий давлат арбоблари.

2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3434-сонли фармонга асосан, оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва

хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Маҳаллаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар қўмиталари, яраштириш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти ривожлантирилгани, уларнинг соғлом оилани шакллантириш, оилавий масалаларга оид қонун меъёрларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича тарғибот ишларини амалга ошираётгани натижасида оилавий келишмовчиликларни маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ёрдамида, ортиқча расмиятчиликка йўл қўймай ҳал этиш орқали жамият ҳаётининг устунни бўлган оилани мустаҳкамлаш одати қайта тикланди. Шуни қайд этиш жоизки, оилада соғлом муҳитни яратиш, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор ҳам бу хайрли ишларнинг узвий бўлаги ҳисобланади.

2012 йилнинг юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлган оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятнинг ҳал қилувчи асосий бўғини, деб эътироф этиш замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-мазмун мужассам. Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир», деган эзгу тамойилнинг ҳаётий ифодасини тўлиқ рўёбга чиқаришга замин яратади.

Мамлакатимизнинг кўзлаган мақсади – нафақат бахтли ва фаровон турмуш кечириш, балки эртанги кун эгаларини комил инсон қилиб тарбиялаш. Зеро, баркамол авлод – халқимизнинг мустақиллик туфайли рўёбга чиқаётган энг катта орзуси. Истиқлол фарзандлари бугун илм-фан, спорт, санъат, маънавият ва маърифат, тадбиркорлик каби соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш керакки, инсон онги, характеридаги энг яхши фазилатлар, дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезонлар, аввало, оила бағрида куртак ёзади. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши, нималарга қизиқиши унинг қандай оилада тарбия топганига ҳам боғлиқ. Шу боис ота-боболаримиз оилавий тарбияга ғоят долзарб ва нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратишган.

Президентимиз қарорида бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш; ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, кулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш; оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш; жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Биз бугун жамиятимиз таянчи бўлган оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш тўғрисида фикр юритаётган эканмиз, ҳар биримизнинг фаолиятимизга бевосита дахлдор бўлган масалаларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Масалалардан бири, мамлакатимиз миқёсида олиб қараганда, никоҳдан ажратишлар сони йилдан-йилга камаймаётганини кузатиш мумкин. Масалан, статистик маълумотларга кўра, никоҳдан ажратишлар сони 2010 йилда 21060 тани, 2011 йилда 22749 тани ташкил этган. Хўш, нега бундай ҳолат кузатилмоқда? Бунинг сабаблари нималардан иборат?

Айтиш керакки, Олий суд томонидан 2011 йилда никоҳдан ажратиш бўйича кўрилган ишлар умумлаштириб таҳлил этилганда,



қуйидаги ҳолат кузатилди: оилаларнинг бузилишига 1039 ҳолатда эр-какнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиши, 114 ҳолатда гиёҳвандлик моддасига ружу қўйиши, 6338 ҳолатда эса, оилавий ҳаётга қайнона, қайнота ва бошқа шахсларнинг аралашуви сабаб бўлган.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, судья ҳам, ФХДЁ идораси ва хотин-қизлар кўмитаси ходими, маҳалла фаоллари ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилган низоли оиладаги шарт-шароитларни, оилани бузилишгача олиб келган сабабларни обдан ўрганиши ва оилани сақлаб қолиш чораларини кўриши керак. Низолашаётган эр билан хотинга ўз вақтида тўғри маслаҳат берилса, уларни қийнаётган муаммонинг ечимини топишга кўмаклашса, бундай оила яна аҳил-иноқ яшаб кетади. Айниқса, бундай низоли иш юзасидан хусусий ажрим чиқарган судья ушбу ҳужжатнинг тўлиқ ижросини назорат қилиши талаб этилади.

Яна статистик маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, республикамиз миқёсида оталикни белгилаш ҳолатлари 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 368 тага кўпайган. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири, айрим ота-оналар ҳали балоғат ёшига етмаган қизларини шаръий никоҳ асосида турмушга узатаётгани билан изоҳланади. Яъни, ота-онанинг истаги билан ўн беш-ўн олти ёшида турмушга узатилган қиз, табиийки, қонуний никоҳдан ўта олмайди. Бунинг оқибатида эса фарзанд туғилгач, оталикни белгилаш масаласи юзага келади.

Шунинг учун бундай ҳолатларнинг олдини олиш, қонуний никоҳнинг афзалликларини тушунтириш мақсадида судьялар, ФХДЁ идоралари ва Хотин-қизлар кўмитаси ходимлари ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириши зарур.

Бугунги кунда ФХДЁ идоралари қошида «Ёш оила дорилфунуни», «Ёш оила қурувчилар мактаби» каби ўқув машғулотлари мавжуд. Албатта, ушбу ўқув машғулотлари ёшларнинг оила ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам ушбу ўқув машғулотларида ташкил этиладиган суҳбат ва маърузалар ҳар қандай расмиятчиликдан холи, яъни ҳаётий ва жонли бўлса, ёшларни ўзига янада кўпроқ жалб этиб, амалда кутилган самарани беради.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида келтирилган хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифалар ва улардан кутилажак натижалар куйидагилардан иборат:**

**1.** Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, улар бандлигини таъминлаш мақсадида аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудларда аёлларнинг бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, педагогик маълумотга эга бўлган, бироқ бола парваришлаш муносабати билан вақтинча ишламаётган аёлларга оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатида касаначилик фаолиятини ташкил этиш учун имконият яратилади.

**2.** Хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли» танловининг маҳаллалараро ва туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш, «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси — 2017» республика танловини ўтказиш ҳамда Қўрғонтепа, Олот, Пахтакор, Дехқонобод, Косон, Нурота, Узун ва Қўшқўпир туманларида аёлларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш режалаштирилган. Ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ хотин-қизлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчи қизларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш мақсад қилинган.

*Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев «Биз бекорга она-Ватан демаймиз, бу сўзнинг рамзий маъноси бор», – деб таъкидлади. У аёлларга ҳурмат-эътибор қаратиш миллатимизнинг энг олижаноб анъаналаридан бири эканлигини, аёллар қандай касбда, қандай лавозимда*

ишламасин, улар инсоний фазилатлари, эзгу амаллари билан иззат-хурматга лойиқлиги ҳақида гапирди. Президент мамлакатимиз аёллари орасида 514 нафар фан доктори, 6 та академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 та сенатор, 15 та Қонун чиқарувчи палата депутати борлигини, бундан ташқари, маҳаллий Кенгаш депутатларининг 23 фоизини аёллар ташкил этишига алоҳида тўхталди. Ўнлаб аёлларимиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига, 240 нафар қиз Зулфия номли Давлат мукофотига сазовор бўлганлигини, бу йил ҳам 15 нафар қиз уларнинг сафини тўлдиришини айтиб, уларнинг исм-шарифларини номма-ном санаб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ўз табрик нутқида Ўзбекистонда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг 72 фоизи илм-фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида юрт ривожига ҳисса қўшаётганини, ўз-ўзини бошқариш органлари фаолларининг асосий қисми аёллардан иборат эканлигини, 8,5 мингдан ортиқ аёл маҳаллада диний-маънавий ишлар бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаётганини ҳам таъкидлаб ўтди<sup>1</sup>.

Президентимиз томонидан ёш авлодни, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечиришлари йўлида одиллик билан олиб борилаётган сиёсат замирида ана шундай катта маъно-мазмун мужассам. Зотан, давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши, мақсади – инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш тарзини яратиб бериш, айниқса, ёшларни жисмоний жиҳатдан соғлом ва кучли, иймони бут, ақлий салоҳияти юксак этиб тарбиялаш, кўп болали оилаларга, ота-она қаровидан маҳрум етимларга ғамхўрлик кўрсатишдан иборат.

---

<sup>1</sup> <http://1news.uz/uz/policy/shavkat-mirziyoev-hotin-qizlarni-ayyom-bilan-tabrikلامي/>

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ёшлар масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши саналади. Мамлакатимиз тараққиётининг «Ўзбек модели» асосида ёшларга оид давлат сиёсати тамойиллари ва механизмлари ишлаб чиқилди, унинг қонуний асоси яратилди.

Бинобарин, ҳар қандай тараққийпарвар давлатда ёшларга оид сиёсат устувор саналади. Ёшларга оид давлат сиёсати деганда, давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизими тушунилади. Бу сиёсат моҳиятан давлатни ривожлантириш, истиқболда рақобатбардошлигини таъминлаш ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Ёшларга оид давлат сиёсати аввало ҳар бир давлатнинг ички сиёсати бўлиб, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мақсадга мувофиқлаштирилишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳам ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади – ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Ўзбекистонда 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун, 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрирда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан 1993 йил 4 мартда таъсис этилган дастлабки

орден «Соғлом авлод учун» деб номланиши, 1992 йилда ёшларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг инсонпарвар нормаларини ўзида жамлаган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциянинг парламентимиз томонидан ратификация қилиниши ёшлар масаласига бўлган эътибор юксак даражада эканлигини кўрсатади.

Ёшларга оид давлат сиёсати муҳим сиёсий йўналиш сифатида изчил жараён бўлиб, у ёшлар мавқеи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеликнинг бош хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шу нуқтаи назардан, ёшларга оид давлат сиёсати сиёсий йўналиш сифатида Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари тарихида юз берган ҳамда давлат томонидан мақсадли амалга оширилган ёшларга оид барча ижтимоий ўзгаришлар, туб ислоҳотлар, трансформация жараёнларини босиб ўтди. Яъни ёшларга оид давлат сиёсати ёшлар ҳаётини демократик тамойиллар асосида ижтимоий ташкиллаштириш, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни позитив асосда қуриш, ёшлар манфаатлари ва кадриятларининг давлат манфаатлари билан мувофиқлигини таъминлаш учун олиб борилган сайи-ҳаракатлар ва мақсадлар мажмуини ташкил қилади.

Айни пайтда республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда: ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш ва такомиллаштириб бориш; ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмаларни қўллаб-қувватлаш; ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларга таълим бериш сифатини ошириш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш; ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва ёшларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш; вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш; баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Шу боисдан ўтган йиллар давомида соҳага оид 24 та қонун, Президентнинг 16 та фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 32 та идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар ҳам бевосита ёшлар тарбиясида, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иш билан бандлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда ёшлар билан ишлашда нафақат давлат муассасалари, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаол иштирок этаётганини қайд этиш жоиз. Бу механизмлар, ўз навбатида, мустақиллик йилларида «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили» Давлат дастурларини самарали амалга оширишнинг омили бўлди. Ушбу дастурлар доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларни ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни тизимли равишда соғломлаштириш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиясини таъминлашга қаратилган, муваффақият билан амалиётга татбиқ қилинган дастурлар ва уларнинг натижасида эришилаётган ижобий натижалар асосида МДХ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб турибмиз. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоида-талабларига асосланиб, амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг назарий-услубий жиҳатлари халқаро андозалар талаби даражасида шаклланган бўлиб, умумий тарзда: ёш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик; таълим олиш, ўз иқтидор ва имкониятларини намоён этиш ва амалга оширишига шароит яратиш; иқтидорли ва қобилиятли ёшлар билан ишлаш, истеъдодларни рағбатлантириш; манзилли ижтимоий ёрдам; ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб вазибаларни ўзида қамраб олган. Мазкур соҳада олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси мамлакатимиздаги барқарор ижтимоий ривожланишда ўз ифодасини топиб келмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги манфаатларини ҳимоя этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Йигит-қизларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, сиёсий маданияти ҳамда маънавий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, миллий истиклол ғоясини ёшлар онгига сингдириш вазибалари долзарб деб белгиланди.

Ҳозирги вақтда юртимиз, халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча имкониятлар етарли. Ўз келажагини ўйлаган ҳар қандай давлат, аввало, ёшлар тарбиясига катта эътибор беради. Шунини айтиш керакки, юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган давлат харажатлари йилдан-йилга оширилиб, бу масала кенг жамоатчиликнинг асосий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом этаётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берилаётгани мамлакатимиз катта суръатлар билан барқарор ривожланишида ва юртимиз дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу дастур биз

барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашга қаратилгани учун юксак маърифатга асосланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нуфузли янги университет ва ўқув марказлари ташкил этилгани ёшларимизни янада илҳомлантиради. Бу борада, айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Қиска вақт давомида ҳар томонлама етук, комил инсон ва баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Республикада олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ислохотлар босқичма-босқич, тадрижий равишда амалиётга жорий этилди. Олий таълимнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган икки босқичли тизими – бакалаврият ва магистратура яратилди. Сўнгги йилларда олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди ҳамда шаклланган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтларининг моддий таъминоти мустаҳкамланди.

Қайд этиш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бинобарин, ҳар йили ярим миллион нафардан ортиқ йигит-қиз мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяр экан, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш чуқур ўйланган ислохотларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу боис, бугунги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳадаги ислохотлар янада чуқурлаштирилиб, меҳнат бозори ва ресурсларининг имкониятларини жадал кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Соҳани ислоҳ қилиш бўйича миллий моделимизнинг ўзига хослиги шундаки, унда янгиланишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Аввал, таълим тизимининг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, педагог кадрларни тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларининг илмий-методик жараёни олиб бориши йўлга қўйилди.

Бугун чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб, келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Шуларни инобатга олиб,



умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди. Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун мультимедиа варианты илова қилинган минглаб рангли дарсликлар чоп этилди, малакали чет тили ўқитувчилари тайёрланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз кўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Ёшлар давлат ва жамиятнинг келажагини, салоҳиятини белгилловчи ижтимоий қатлам саналади ва ҳар бир жамиятнинг истиқболи унда яшаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онглилик даражаси билан белгиланади. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир. Зеро, барча даврларда ҳам ёшлар жамиятнинг энг фаол қисми бўлиб келган.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари глобаллашувнинг иқтисодий ва техникавий ютуқларидан фойдаланиб яшамокда. Натижада фазо ва вақт қисқариб, мамлакатлар ўртасидаги ўтиб бўлмас чегаралар йўқолиб, одамлар барча даврларга нисбатан чуқурроқ, бевосита ва кўп томонлама алоқаларга киришмоқда. Айни пайтда бу ҳолат салбий ҳодисаларга сабаб бўлмоқда, чунончи, узок масофалар билан қилинган алоқалар яқинлари билан муносабатни узоклаштирмоқда, ўз насл-насабидан бегоналашувига сабаб бўлмоқда. Дунё, одамлар ва кадриятлар ўз кадр-қимматини йўқотиши билан қавм-қариндошлиқдан, миллий маданияти, тарихидан узоклашиб кетмоқда. Оқибатда, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг инсонлар маънавиятига таъсир этувчи мафқуралашган ҳолдаги глобаллашуви пайдо бўлмоқда.

Бугун Марказий Осиё минтақасида турли манфаатлар ва мафқураларнинг аёвсиз тўқнашуви кузатилмоқда. Бу ҳудудни ўз геосиёсий манфаатларига мослаш мақсадидаги айрим кучлар демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниқоби остида

кенг кўламдаги мафкуравий тазйикларни уюштирмакда, аксарият ҳолларда ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлардан қурол сифатида фойдаланмокда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ташки таҳдидлар ва бузғунчи таъсирлардан ҳимоя қилиш мамлакат барқарор тараққиётининг асосий омили саналади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов ана шундай хавф-хатардан огоҳ этиб, «Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-якин манбалардан тарқаладиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий ҳамлалар таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит этикодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйикларига бардош бериши амримаҳол»<sup>1</sup>, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари йўлида катта аҳамиятга эга бўлган қонун ва қонунчилик нормалари қабул қилинди, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг мутлақо янги концепцияси яратилди. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун айнан глобаллашув даврида мамлакатимизни ривожлантириш йўлидаги барча ўзгаришларни амалга ошириш учун, бизга ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти жуда юқори.

Биз шуни унутмаслигимиз керакки, минг йиллар аввал аждодларимиз Буюк ипак йўли орқали нафақат савдо-сотик, балки маданият ва маърифат тарқатиш билан ҳам шуғулланганлар, бу билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Ватанимиз – Шарқнинг атоқли мутафаккирларини етиштириб берган кутлуғ замин. Лекин бугун уларнинг авлодлари орасидан ўз аждодларига номуносиб

---

<sup>1</sup> *Ислон Каримов*. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 113-бет.

баъзи кимсалар салбий ҳолатларга йўл қўйганларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ачинарлиси шундаки, бундай иллатлар она юртимиз Ўзбекистонда, ёшларнинг ҳуқуқи кафолатланган ва манфаатлари муҳофаза қилинган жамиятда содир этилмоқда.

Ҳозирги кунда, миллат танламайдиган, чегара билмайдиган жиноятлар мавжуд. Халқаро терроризм ва наркобизнес ана шундай жиноятлар сирасига киради. Диний экстремистик оқидамидаги шахсларнинг таъсирига кўпроқ ёшлар ва ўсмирлар тушиб қолаётгани сир эмас, чунки ниҳолни қайси томонга эгсангиз эгилаверади. Ислом динининг келиб чиқиш тарихи, унинг фалсафаси, Куръони карим, Ҳадиси шарифлар, умуман, диний билимларни билмаган ёшларнинг онгини заҳарлаб, аллақайси экстремистик уламанинг «башоратларини» тарғиб қилиш ва унга ишонтириш осон кечади. Лекин кўп холларда ёшларимиз бундай салбий ҳолатларни кўра туриб кўрмасликка, эшитсада билмасликка олиб, лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўймоқдалар. Ғарбдан кириб келаётган «оммавий маданият» эса ёшларни, миллий кадриятларимизга, урф-одатларимизга хилоф бўлган ахлоқсизлик, зўравонлик, илмсизликка ундовчи тарғибот материалларини олиб қиряпти. Оқибатда «оммавий маданият» домига тушиб қолган ёшлар ўзлари ҳам билмаган ҳолда, ўқитувчи ва ўқишга, ота-онага, кекса ва ногиронларга, ночор кишиларга нисбатан беҳурмат, беписанд, лоқайд ва билимсиз шахсга айланиб қоляптилар. Бу ачинарли ҳол бўлиб, бундай ёшлар нафақат ўзига эмас, балки барчага, пировард оқибатда жамиятга слабий таъсир қилади.

Бундай ҳолатлардан ҳамма оғоҳ бўлиши керак, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов айтганидек, «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади». Ҳозирги кунда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши глобал характер касб этган бўлиб, гиёҳвандлик асримиз вабоси сифатида бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам тез суръат-

ларда тарқалиб бормокда. Инсоният учун ижтимоий хавфли бўлган ва оғир оқибатларга олиб келадиган бу офат жаҳоншумул муаммо сифатида жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича ўн уч ярим миллион киши Афғонистонда ишлаб чиқилган героин моддасини истеъмол қилади. Ўзбекистонда наркожиноятчиликка тубдан барҳам бериш давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда истеъдодли, иродали, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган ёшларимиз кўпчиликни ташкил қилади.

Лекин, ҳозирда давлатимизни ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва халқимизнинг уларга бўлган ишончини теран ҳис қилишлари, шунга мос фаолият олиб боришлари лозимлигини тушунтириб бориш, таълимнинг ҳар бир босқичида иш юритаётган ҳар бир мураббий ва ўқитувчининг асосий фаолиятига айланиши зарур. Қачонки ёшлар онгида, Ўзбекистон – ягона Ватан, шу Ватандагина инсон камол топиши мумкинлиги қатъий ишончга айланса яъни мафкуравий иммунитет ҳосил қилинса, улар давлатимиз билдирган, бу ишончни аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ-истикболи йўлидаги фидокорона меҳнати билан оқлай олади. Мамлакатимизда ёшлар учун амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад аниқ, чунки олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, ёшларнинг қандай инсон бўлиб етишишига боғлиқ.

Мутахассислар фикрича, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркиби, айниқса ёшлар қатлами нисбатан тез ўзгарувчан, динамик ўсувчи ва мунтазам шаклланиб бориши сабабли доимий йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туришни тақозо этади. Ҳар бир давлат ўзининг келгуси истикболи давомчиси бўлган ёш авлодни демократик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбия қилишнинг уддасидан чиқиши, уларни ижтимоий жиҳатдан

етарли даражада қўллаб-қувватлаши энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифалар тўла-тўқис амалга оширилмаётган эди.

Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», деган серҳикмат мақол бор. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги таҳликали дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилаётган турли тўс-тўполонлар, тартибсизликлар негизига эътибор берадиган бўлсак, уларда давлатнинг ўсиб-униб келаётган ёшларга, уларнинг ҳаётдаги кизиқишлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эътиборсизлиги, улардаги ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замоннинг янги таҳдидларига жавоб бермаслиги оқибатини кўриш мумкин. Уларда, айниқса, ёшлар тарбияси, уларни иш билан банд қилиш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачинарли, албатта. Бундай мамлакатларда давлат ва ёшлар ўртасида узилиш пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин.

Кўпгина муаммоларнинг замирида замон талаб қилган аниқ касб-ҳунарга эга бўлмаслик, натижада, ишсизлик, бекорчилик ётади. Айниқса, бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бу технологияларни бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида қўлласалар, кимлардир ижтимоий тармоқлар орқали миллионлаб онги мўрт, мустақил фикрлашга, позицияга эга бўлмаган ёшларни тўрға тушириш, ўз қабих мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқдалар. Мақсад — ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёхуд халқнинг онгига, унинг сезгитуйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. У бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Қолаверса, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар кuni» сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқига 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар кўйилди.

Ёшлар иттифоқи республикамызда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди.

Ёшлар иттифоқига бир қанча вазифалар юклатилди.

Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш, шунингдек, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш Иттифок олдидаги муҳим вазифалардан.

Дарҳақиқат, бугун ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига қўмаклашиш, шунингдек, ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-

коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш долзарб масалалардандир.

Бинобарин, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш, ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғарақлар, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этишда фаоллик кўрсатиши белгиланди.

Дарҳақиқат, ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш бугун кўпчиликни ўйлантираётган ва ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган масалалардан биридир.



## **ХАВФСИЗЛИК, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИ**

**Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Ўзбекистон – суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустақамловчи муҳим қоидадан бошланади. Конституциянинг 1-моддасида: «Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади», – деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида эса: «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир», – деб мустақамланган. Ушбу моддалар мазмунидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш конституция билан кафолатланган.

Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг иродасини ифода этади. Фақат суверен давлатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла, ҳар томонлама таъминлаши мумкин. Давлат суверенитети деганда давлат ҳокимиятининг устуворлиги, унинг мамлакат ичкарасида ҳам, халқаро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бир пайтда, давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конституциявий таъминидан бири давлат суверенитети принципи ҳисобланади.

Суверенитет, аввало, давлат томонидан унинг ички функциясини амалга ошириш вақтида кўринадди. Жамиятда ҳуқуқий тартибни ўрнатиш, мансабдор шахсларга, жамоат бирлашмаларига ва фуқароларга ҳуқуқлар берилиши ҳамда мажбуриятлар юклатилиши – буларнинг ҳаммаси давлат ички сиёсатида ҳокимиятининг устуворлигини билдиради.

Давлат ҳокимиятининг олийлиги, унинг ўша давлатдаги барча ҳуқуқий муносабатларни белгилашида, умумий ҳуқуқий тартиботни ўрнатганлигида ҳамда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаганлигида намоён бўлади. Давлатнинг бутун ҳудудида олий давлат органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунларнинг устуворлиги давлат ҳокимияти олийлигини билдирувчи асосий белги сифатида тан олинади.

**Давлат ҳокимиятининг олийлиги** ҳокимиятнинг шундай ҳолати, бунда бошқа ҳеч бир ҳокимият ундан устун бўлмайди. Бироқ ҳокимиятнинг олийлиги унинг чексизлигини билдирмайди. Ҳуқуқий давлатда у доимо қонун билан чеклаб қўйилади. Давлатнинг суверен ҳокимияти ўзга барча ҳокимиятлардан устун туради. Давлат ҳокимиятининг олийлиги уни ягона сиёсий ҳокимият сифатида расмийлаштиради, бу давлат ҳокимияти билан мувозий тарзда бошқа бирон-бир сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлишини истисно этади.

**Давлат ҳокимиятининг яхлитлиги** давлат олий ҳокимиятини ташкил қилувчи ягона орган ёки органлар тизими мавжуд бўлишида ифодаланади. Давлат ҳокимияти бирлигининг юридик белгиси давлат ҳокимияти олийлигини ташкил қилувчи органлар тизимининг бевосита давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни қамраб олишини англатади. Шу тизимга тегишли органлар эса, бир хил субъектларга, бир хил вазиятларда ўзаро истисно қилувчи ҳуқ-атвор қоидаларини ифода қилмайди. Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги, шу давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади.

*Давлатнинг суверен тенглиги* принципи халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принципларидан бири сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида ҳам мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир. Давлатнинг демократиклиги, аввало, унинг халқпарварлигининг таъминланишида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафкуравий ва сиёсий ҳурфикрликда, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришида ўз аксини топади. Бинобарин, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг манбаи халқдир. Бу давлатнинг халқчиллигини, демократиклигини англатади.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Ҳокимият кимдир бошқаришни, унинг хоҳиш-иродасини ўзига қаратишни англатади. Ҳокимият – ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамиятининг юзага келиши билан пайдо бўлади ва барча инсонлар жамиятида мавжуддир, чунки барча инсонлардан жамиятни турли восита ва эҳтиёжлар орқали бошқаришни таъминлаш талаб қилинади.

Демократия халқ ҳокимиятчилигининг барча даражада тан олиниши ва реал амалга оширишидир. Халқ суверенитети халқнинг ўз ҳокимиятини ўзи мустақил, тегишли конституциявий механизмлар воситасида ўз манфаатлари йўлида амалга оширишини англатади. Халқ ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳокимиятнинг тўла соҳиби сифатида майдонга чиқади ва у ҳокимиятни ҳеч ким билан бўлишмайди. Ҳокимиятни Конституциянинг 7-моддасида назарда тутилмаган тартибда ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, давлат ҳокимиятининг янги ва мувозий таркибларини тузиш ғайриконституциявий ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

*Суверенитетни таъминлаш, давлат ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилишнинг халқаро ҳуқуқий асослари.* Ҳар бир давлат халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари суверенитетини,

яъни уларнинг ўз анъаналари доирасида бошқа давлатларнинг ҳар қандай аралашувидан холи равишда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимиятини амалга ошириш, шунингдек, ўз ташқи сиёсатини мустақил юритиш ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбурдир.

БМТ Устави 2-моддасининг 1-банди шундан далолат берадики, «Ташкилот ўз аъзоларининг суверен тенглиги принципларига асосланган». Ушбу принципнинг ривожланиши куйидагича:

– БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тааллуқли бўлган 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда тўлиқ баён қилинган;

– 1989 йилги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашига иштирокчи давлатлар вакиллариининг Вена учрашуви принциплари тўғрисидаги декларацияда ривожлантирилган;

– 1990 йилги Янги Европа учун Париж хартиясида тасдиқланган ва ҳ.к.

Суверен тенглик принципининг асосий ижтимоий вазифаси – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ёки бошқа турдаги фарқлардан қатъи назар, барча давлатларнинг халқаро муносабатларда кенг иштирок этишини юридик таъминлашдан иборатдир. Халқаро мулоқотнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида давлатлар бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

1970 йилги Декларацияга биноан, «суверен тенглик» тушунчаси куйидаги элементларни ўз ичига олади:

- 1) давлатлар юридик жиҳатдан тенгдирлар;
- 2) ҳар бир давлат тўлиқ суверенитет ҳуқуқидан фойдаланади;
- 3) ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳуқуқ субъекти эканлигини ҳурмат қилиши шарт;
- 4) давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир;
- 5) ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимини эркин танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир;
- 6) ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва виждонан бажариши ҳамда бошқа давлатлар билан тенг, тинч-тотув яшаши шарт.

ЕХХҚнинг 1975 йилги Яқунловчи акти принциплари тўғри-сидаги Декларацияда, давлатлар суверен тенглик принципига фақат у БМТ Уставида ва 1970 йилги Декларацияда баён қилинганидек риоя қилишнигина эмас, балки суверенитетга хос бўлган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш мажбуриятини ҳам ўз зиммаларига олдилар. Бу қуйидагиларни англатади:

– давлатлар ўз муносабатларида тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишларидаги фарқларни ҳурмат қилишлари шарт;

– йўналишлар ва қарашларнинг ҳар хиллиги, ички қонунлар ҳамда маъмурий қоидалар суверенитетга риоя қилиш йўлида ғов бўлмаслиги шарт;

– ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатини ўз хоҳишича ва Халқаро ҳуқуққа мувофиқ белгилаш ва амалга ошириш ҳуқуқи;

– давлатнинг халқаро ташкилотларга кириш, иттифоқчилик шартномаларини ҳам қўшган ҳолда, икки томонлама ёки кўп томонлама шартномаларга аъзо бўлиш ҳуқуқи ҳамда нейтралитет (бетарафлик) ҳуқуқи.

Ҳозирги замон сиёсий курашларида бирон-бир давлатга ўз хавфсизлигини фақат ҳарбий-техника воситалар, қуроли кучларни кўпайтириш билан таъминлаш имкони берилмайди. Бугунги кунда мамлакат хавфсизлигини таъминлашда, асосан, сиёсий ва дипломатик воситалар, шу жумладан, юридик воситалардан фойдаланишни устун қўйиш зарурлиги аён бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб пухта ўйланган ташқи сиёсатни изчил амалга ошириб келмоқда. Унинг замирида халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъана ва қадриятлари, эзгу орзу-интилиш ва манфаатлари мужассамдир.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституциямизга, мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз бундан буён ҳам ташқи сиёсатимизни олиб

боришда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз. Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содиқмиз»<sup>1</sup>.

**Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш.**

Жамият ривожланишининг ҳозирги замон босқичи ўзида ахборотлар йиғиндисини, ахборот инфраструктурасини, ахборотларни йиғиш, шакллантириш, тарқатиш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи субъектларни, шунингдек, бунда юзага келадиган жамоатчилик муносабатларини бошқариш тизимларининг ўсиб бораётган ролини характерлайди. Ахборотлашган муҳит жамият ҳаёт тизимини шакллантирувчи омил бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий, маънавий, мудофаа ва бошқа хавфсизликни таъминловчи таркибий қисмларига фаол таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ахборот хавфсизлигини таъминлашга жиддий тарзда боғлиқ ва техника тараққиётининг бориши жараёнида бу боғлиқлик ўсиб боради. «Хавфсизлик тушунчаси, – деб ёзади Ислом Каримов, – фақат ҳарбий соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги барчага маълум. Кейинги пайтда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, инсонпарварлик ва бошқа белгиларини ўз ичига оладиган ҳарбий бўлмаган жиҳатларини англаш анча кўпайди. Давр хавфсизликнинг яхлитлигини ҳамда энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган иш сифатида уни таъминлаш воситалари муаммосини шакллантиради»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари этиб тайинланган Эдуардс Стипрайс, Қирғизистон Республикаси, Франция Республикаси, Италия Республикаси, Чехия Республикаси, Япония, Миср Араб Республикаси, Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Данияр Сидиқов, Виолет де Вильмор, Андреа Бертоцци, Ярослав Сиро, Нобуаки Ито, Амони ал-Иттр, Аҳмет Башар Шен, Ҳишам бин Мишал ал-Сувейлимдан ишонч ёрликларини қабул қилиш маросими. 2017 йил 2 май.

<sup>2</sup> *Ислом Каримов*. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 35-бет.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида мамлакатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашни мукамаллаштириш бора-сида қатор чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш базаси шакллантирила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сири ҳақидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг архив фонди ва архивлар ҳақидаги қонунчилик асослари, «Ахборотлар, ахборотлаштириш ва ахборотлар ҳимояси ҳақида», «Халқаро ахборот алмашувларда қатнашиш ҳақида» ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинди, ахборот доирасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солувчи (бошқарувчи), уларни реализация қилиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш механизмларини яратиш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Давлат ҳокимияти органларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Давлат ҳокимияти органлари манфаатларини кўзлаб, махсус вазифаларни бажарувчи ҳимояланган ахборот-телекоммуникация тизимлари яратилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси ҳузурида «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 250-сонли Қарорига асосан, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

– «Электрон ҳукумат» тизими ахборот тизимлари комплекслари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

– амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш доирасида ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш;

– давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

– ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, «Электрон ҳукумат» тизими ахборот тизими, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган ташкилий ва дастурий-техник ечимларни самарали қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш;

– давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан мониторинг натижалари тўғрисидаги статистик маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этиш;

– «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг, шунингдек, Интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари билан ҳамкорлик қилиш, давлат органларининг компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича биргаликдаги ишларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни муҳофаза қилиш бўйича консультация хизматлари кўрсатиш;

– қонун бузувчиларни таҳлил қилиш, идентификациялашда, ахборотлар маконидаги руҳсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

– Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлиги ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ўзаро амалий ишларни ташкил этиш мақсадида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.



Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда марказ ўз фаолиятини олиб бормоқда. Албатта, бу соҳадаги ишларни биргина марказ билан ҳал қилиб бўлмайди. Кўриб турибмизки, ҳозирги глобал дунёда энг қиммат нарса ахборот бўлиб бормоқда, уни сотган ҳолда даромад олиш биринчи даражадаги бизнесга айланиб қолган. Ўз навбатида, ахборотларга эга бўлиш учун уларга хужумлар уюштириб келинмоқда. Ана шу маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, яъни киберхуружларнинг олдини олиш, ушбу йўналишда етарлича хавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш чора-тадбирлари белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Бу соҳада нафақат киберхужумлардан ҳимоя қилиш масаласи, балки халқимизни диний экстремизм, терроризм ва Интернет тармоғи орқали бўладиган балолардан ҳимоя қилиш масаласи ҳам ётади. Албатта, бу соҳадаги ишларни амалга ошириш ва чора-тадбирларни самарадорлигини янада такомиллаштиришда ушбу қарорнинг ўрни муҳим бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ишларда юзага келган вазият қуйидаги вазифаларни зудлик билан ҳал қилишни талаб этади:

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналашларини, шунингдек, ушбу сиёсатни реализация қилиш билан боғлиқ тадбирлар ва механизмларни ишлаб чиқиш;

– ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва башоратлаш шакллари, методлари ва воситаларини мукамаллаштиришни, шунингдек, ушбу таҳдидларга қарши турувчи тизимларни ҳам қўшган ҳолда, ахборот хавфсизлиги тизимини ривожлантириш ва мукамаллаштириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ва воситаларини баҳолаш самарадорлиги мезонлари ҳамда методларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу тизим ва воситаларни сертификациялаш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаларини, фуқароларни ахборотларни олиши ва бунга имкониятлари, давлатнинг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигига тегишли ҳуқуқий меъёрларини реализация қилиш шакли ва усулларини ҳам қўшган ҳолда мукамаллаштириш;

– Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат ҳокимияти органлари, субъектлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш,

– ҳозирги замон геосиёсий вазиятларини Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шартлари ва инфор­мацион қуроллар қўлланишининг реаллигини ҳисобга олган ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш;

– давлат ахборот сиёсатини шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш ва яратиш ҳамда реализация қилиш;

– давлат телерадио эшиттириш ахборот сиёсатини, давлат оммавий ахборотларининг бошқа воситаларини шакллантиришда давлатнинг иштирок этиши самарадорлигини ошириш методларини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш, телекоммуникациянинг энг муҳим соҳалари, унинг хавфсизлигини, биринчи навбатда, қуролланиш ва ҳарбий техника намуналари учун ихтисослаштирилган ҳисоблаш техникалари яратиш соҳасида хавфсизликни таъминловчи технологик мустақиллигини таъминлаш;

– Ўзбекистон ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий таҳлилинини жадаллаштириш;

– халқаро телекоммуникация тизими ва алоқа тизими ёрдамида бериладиган ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-техник ва ҳуқуқий масалаларини ҳал этишда халқаро ва чет эл органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

– Ўзбекистон ахборот инфраструктурасини фаол ривожлантириш, унинг глобал ахборот тармоқлари ва тизимларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш учун шароитларни таъминлаш;

– ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратиш.

Юқорида айтилган вазифаларни амалга оширишда, биринчидан, субъектнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги фаоллиги ва маъсулиятни ошириш сабаблари, унинг ахборотнинг яшаш усули билан ахборотга бўлган эҳтиёжи ва манфаатлари ўртасидаги зиддиятларни аниқлашга ёрдам беради. Шу сабабли ахборотга бўлган эҳтиёж ва манфаатлар ахборотлаштириш амалиётининг объектив асосини ташкил этади.

**Атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш.**

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган кунлардан бошлаб экологик муаммоларни ечиш, атроф муҳит ҳолатини сақлаш ва яхшилаш бўйича ҳуқуқий кафолатларни яратиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги сиёсатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаралмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон турли соҳалардаги халқаро муносабатларни тартибга солувчи кўплаб конвенция ва келишувларни имзолади ҳамда кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади.

Собик тоталитар тузумдан табиий ресурсларни беқарор бошқариш, шунингдек, коммунал, саноат манбалари ва ерларни суғоришда фойдаланилган сувлар ҳисобига зарарланиш каби мураккаб экологик муаммоларни мерос қилиб олди. Бу мамлакат табиий ресурслари ва атроф-муҳитни бошқариш соҳасида бир қатор муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган қишлоқ хўжалиги, энергетика ва саноат тизимларидаги жиддий таркибий муаммолар ҳисобига рўй берди. Мамлакатимизда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиб, давлат ва жамият қурилиши тизими динамик ривожланмоқда. Мавжуд бой табиий ресурслар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур шарт-шароитларни яратиш барқарор ривожланишни таъминловчи асосий омиллардан саналади. Бу, шунингдек, мамлакат аҳолиси саломатлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини чуқур англаган ҳолда

мустақилликнинг дастлабки кунларидан қулай табиий муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга киришилди.

Ўзбекистон Рио Декларациясини имзолади, Иқлим ўзгариши конвенцияси, Киото протоколи, Монреал протоколига Лондон, Копенгаген, Монреал, Пекин тузатишлари, Чўлланишга қарши кураш бўйича БМТ конвенцияси, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция, Базель конвенцияси, Ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси конвенцияси, Бонн конвенцияси, Рамсар конвенцияси, Бутунжаҳон ва маданий меросни муҳофаза қилиш конвенцияси ва бошқа кўплаб экологик йўналишдаги халқаро шартномаларга қўшилди.

Ҳозирги кунда ушбу халқаро ҳужжатларда юклатилган мажбуриятларни бажариш бўйича сезиларли ўсишга эришилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган экологик сиёсат натижасида инсон саломатлигига хавфлилик даражаси юқори бўлган ҳудудларда атроф муҳит сифати яхшиланди ва экотизим барқарорлашди. Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни соғломлаштириш, яъни кичик сув ҳавзалари, ичимлик суви сувўтказгичларини қуриш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Охириги 20 йил ичида атмосферага ифлослантирувчи чиқиндиларни ташлаш 2,1 бараварга, захарли оқава сувлар 2 бараварга камайди.

Ҳаракатлар стратегиясида бу масалада Орол фожеаси оқибатларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кучайтириш ва радиация хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш белгиланди.

**Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун фавқулодда вазиятлар рўй берганда қутқарув ишлари ўтказилиб, одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф-табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган, шунингдек, фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарни халққа олиб, хавfli омиллар таъсирини тугатиш учун авария-қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси тушунилади.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бундай вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш усуллари, воситалари, саъй-ҳаракатлари мужмуи демакдир. Ҳозирги пайтда ёнғин хавфига қарши кураш ойлиги ўтказилмоқда. Бунинг учун турли хил машқлар, аҳоли ўртасида, таълим муассасаларида ёнғиннинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу соҳада оммавий ахборот воситаларида турли тавсиялар берилмоқда. Телевидение орқали уйда ва муассасаларда ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи электр асбоб-ускуналарни ўз вақтида ўчириш, қаровсиз қолдирмаслик, газ билан ишловчи иситиш ускуналарини доимо назоратда сақлаш учун турли хил маслаҳатлар берилмоқда.

Демак, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун олдиндан турли хил тадбирлар ўтказиш, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамлар соғлиғини сақлаш, атроф-табiiй муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга хизмат қилади. Мисол учун, тоғли зоналарда сел келиши, қиш ойларида қор кўчкисининг олдини олиш учун одамлар аввалдан огоҳлантирилади. Бу нарса ўзининг ижобiiй натижаларини бермоқда. Республикамизда сел ва қор кўчкисидан аҳолининг зарар кўриши сезиларли даражада камайган.

Айниқса, қиш ойларида тоғли зоналарда қор кўпайиши натижасида Қамчик ва Тахтикарочи доволларининг ёпиб кўйилиши, транспорт воситаларининг текис йўлдан қатнови ташкил қилиниши яхши натижалар берган, турли хил авария ҳолатларининг олди олинган.

Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг тегишли хизматлари томонидан исгазидан, озик-овқат маҳсулотларидан оммавий заҳарланишлар ҳамда табиий газ чакнаши билан боғлиқ вазиятларнинг профилактикаси мақсадида ўтган 2016 йил мобайнида 634 минг 596 та шахсий ҳовли жойлар, 23 минг 108 та кўп қаватли уйлар ва улардаги 918 минг 97 та аҳоли яшаш хонадонлари ўрганиб чиқилиб, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди.

Ўтган йил давомида республика тоғли ҳудудларидаги қор захиралари ва баланд тоғли кўлларнинг ҳолатини баҳолаш ҳамда қор кўчкиси ва сел хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш мақсадида 7 маротаба аэровизуал кузатув ишлари амалга оширилди.

Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида дарё ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тозалаш бўйича 1362,6 минг м<sup>3</sup> тупроқ, 91,4 минг м<sup>3</sup> тош иши, 8,2 минг м<sup>3</sup> бетон иши ва 172 тонна металл ишлари амалга оширилган.

Ҳаракат стратегиясида фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабар бериш ва аҳолини хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш, фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатларга тайёрлигини ошириш, табиий, техноген ва экологик характердаги фавқулодда вазиятлар эҳтимолини мониторинг ва прогнозлаштиришнинг ягона тизимини яратиш чора-тадбирларини назарда тутовчи Вазирлар Маҳкамаси қарорини ишлаб чиқиш таъкидланган. Унда фавқулодда вазиятларда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган вазифа ҳамда функциялар, шу жумладан, аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш, бундай вазиятларда қилинадиган биринчи даражали ҳамда кечиктириб бўлмайдиган ишлар, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган яхлит тизимни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар назарда тутилади. Шунингдек, фавқулодда вазиятларда аҳолининг тайёрлигини оширишга қаратилган бир қатор вазифалар, давлат органларининг бу борадаги ўрни, уларнинг аҳоли билан ўзаро ҳамкорлиги, аҳолини фавқулодда вазиятларда амалга ошириладиган тадбирларга ўргатиш кучайтирилади.

**Давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговор қудрати ва салоҳиятини ошириш.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўзининг янги мудофаа тизимини яратиш, замонавий, ихчам армиясини барпо этиш вазифасини ўз олдига қўйди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари

вазирлиги тузилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари сафи миллий кадрлар билан тўлдирилди, барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий курул-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз барпо этилди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилиб, уни ўташ муддати бир йил қилиб белгиланганлиги, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақируви резерви хизмати жорий этилгани миллий армиямиз қиёфасини ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қурулли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда доимо хушёр ва огоҳ бўлиш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини, Қурулли Кучларимизнинг салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш – хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шarti ва кафолатидир».

Қурулли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири – офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофи-

миздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиздир.

Қуролли Кучларимизни модернизациялаш жараёнида миллий армиямизнинг ташкилий-штат тузилиши принципиал жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув, оператив тайёргарлик ҳамда қўшинларни жанговар қўллашнинг ҳақиқий марказига айланган самарали бошқариш тизими яратилди. Мобиль, тезкор ва ҳар қандай ностандарт вазиятларни назорат қила оладиган бўлинмалар шакллантирилди. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги бўйича янги дастурлар жорий қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Амалий машғулотларга ҳам жиддий ёндашиляпти.

Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдек долзарб масалага ҳам давлатимиз раҳбарияти томонидан доимо катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу мақсадда қабул қилинган дастурлар доирасида 15 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар оиласи уй-жой билан таъминланди. Бу йўналишдаги тизимли ишлар, шубҳасиз, келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

Айни пайтда, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ҳам юқори даражага кўтарилмоқда. Шунингдек, ҳарбий санаторийлар фаолияти йўлга қўйилган.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳарбий қисм ҳамда бўлинмаларда, барча вилоят, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, конференциялар, видеомулоқотлар ўтказилмоқда. Уларда Қуролли Кучларимизнинг бугунги салоҳияти, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашда ҳар бир фуқаронинг масъулияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

**Мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган**



демократик давлатлар қаторига кириш, ахил қўшничилик муҳитини шакллантириш. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, яқин ва узоқ қўшнилар билан дўстона муносабатда бўлиш ғояларига асосланади. Дарҳақиқат, халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, 2012 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунда ҳам бизнинг хавфсизлигимиз билан боғлиқ бўлган принциплар белгилаб берилган. Концепцияда дунёдаги халқаро муносабатларнинг бугунги аҳволига, жаҳон аренасида кузатилаётган мега трендлар ва туб ўзгаришларга кенг қамровли тавсиф берилган. Жумладан, глобаллашув жараёни изчил ва орқага қайтариб бўлмас хусусият касб этгани таъкидланар экан, унинг, бир томондан, давлатларнинг ривожланиши учун қулай имкониётлар очиб бериш, иккинчи томондан эса, иқтисодиёт, энергетика, экология, озик-овқат билан таъминлаш, ахборот алмашиш, гуманитар хавфсизлик соҳаларида турли хавф-хатарлар туғдираётгани эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2016 йил 8 сентябрда ўтказилган қўшма мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев: *«Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик, илгаригидек, давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади»*<sup>1</sup>, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ушбу ғояларга содиқ қолиши нафақат Ўзбекистон, умуман, минтақа хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб қолади.

Дунё иқтисодиётида ва сиёсий аренасида Осиё давлатларининг ўрни ва роли ўсиб бораётгани эътиборга олинган. Иқтисодий масалалар, модернизация жараёнлари бутун жаҳонда устувор аҳамият касб этаётгани таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, халқаро ва

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ. 2016 йил 8 сентябрь.

минтақавий хавфсизликка раҳна солаётган анъанавий ва ноанъанавий таҳдидларнинг турлари кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон чегаралари яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сакланиб қолаётгани, дунёнинг бизга яқин бўлган муҳим минтақаларида янги куролли можаролар ва қирғинбарот низоларга олиб келувчи вазиятларнинг кўпайиб бориши каби салбий омиллар мавжудлиги таъкидлаб ўтилган.

Авваламбор, узоқ ва яқин қўшни давлатлар билан тил топишиб, улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкор ва ҳамжиҳат яшаш, энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блоklarга қўшилмаслик, муқаддас юртимиз тупроғида чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштирмаслик ва ҳарбийларимизни ўзга мамлакатлар ҳудудига киритмаслик принциплари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати чегара давлатлар билан яқин қўшничилик сиёсатининг кенг ривож топишини назарда тутди. Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат раҳбари вазифасини бажарувчиси бўла турибоқ қайд этган. Хусусан, «миллий манфаатларимизни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсати фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади», – деб таъкидланганди.

Янги ҳокимият фаолиятининг илк кунлариданоқ яқин қўшни мамлакат – Қирғизистоннинг ўзбек миллатига мансуб аҳоли энг кўп жамланган жанубий вилояти – Ўш вилоятига Ўзбекистоннинг делегацияси ташриф буюрди.

Худди шу даврда Тожикистоннинг шимолий ҳудудларига ҳам Ўзбекистон делегациясининг дўстона ташрифи бўлиб ўтди. 25 йиллик танаффусдан сўнг яқин кунларда икки мамлакат ўртасидаги авиамулоқот йўлга қўйилди.

Замонавий шароитларда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга мамлакат ҳокимияти томонидан катта эътибор берилмоқда.

2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан сўзланган маърузада мамлакатнинг ташқи сиёсати хусусида қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган эдилар. ***«Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни, аввало, халқимиз,***

*Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширамиз.*

*Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиши ташкил этади.*

*Биз бундан буюн ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз. Бу борада очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш тамойилига содиқ қоламиз.*

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади»<sup>1</sup>.*

Шу қаторда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳам алоқалар мустаҳкамланиши кун тартибидан жой олган.

Россия Федерацияси билан Стратегик шериклик, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа муҳим келишувлар асосида дўстона алоқаларни изчил ривожлантирган ҳолда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бирламчи вазифалар сифатида белгилаб олинди.

АҚШ билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ташқи сиёсатимизда устувор аҳамиятга эга бўлиб қолиши глобал ва минтақавий муаммоларни ечишда муҳим роль ўйнайдиган Хитой билан ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш манфаатларимизга жавоб бериши, инвестициялар, фан ва технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида Осиё – Тинч океани мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга устувор даражада аҳамият берилиши, Европа ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик тараққий эттирилиши кабилар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қайд этилган.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 8 декабрь

Умуман олганда, амалга оширилган илк қадамлар, мамлакатимизнинг келгуси манфаатларига ҳар томонлама жавоб берадиган ташқи сиёсат юритилишидан далолат беради, десак муболаға бўлмайди.

**Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.** Бугунги кунда дунёда трансчегаравий ҳамкорлик ва глобал интеграция муносабатларига алоҳида урғу берилаётган бўлса-да, давлат чегаралари ҳамда уларнинг белгилаб қўйилиши хануз ўз долзарблигини йўқотганича йўқ. Давлат чегарасининг асосий вазифаси давлат ҳудуди доирасини, яъни унга тегишли куруқлик, сув ва ҳаводаги кенгликларни, шунингдек, унинг юрисдикцияси амал қиладиган сарҳадларни белгилашдан иборат.

Давлат чегараси ҳар қандай давлатнинг муҳим атрибутларидан бири бўлиб саналади. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги мустақиллиги ҳамда суверенитетини билдирувчи асосий восита – бу давлат чегарасидир. Шунинг учун ҳам, давлат чегараси у ёки бу мамлакат ҳудудини белгилаб беради ҳамда халқаро ҳуқуқда дахлсиз деб тан олинади.

Ҳар бир давлат учун унинг чегараси жамият ҳаётининг моддий асосини ташкил этувчи барча мавжуд ресурслари билан бирга, муайян ҳудуднинг давлатга тегишлилиги доирасини белгилаб беради. Шунингдек, чегара давлатнинг ҳудудий устуворлиги, яъни унинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ барча мажбурлаш воситалари билан таъминланган давлат ҳокимиятининг ушбу мамлакатга тегишли ҳудудда тўлиқ амал қилиши доирасини ҳам белгилайди. Давлатларга тегишли ресурслар ҳамда давлатлар олий ҳокимиятларини амал қилиш ҳудуди доирасининг аниқ белгилаб қўйилганлиги улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш ҳамда чегараларда дўстона ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур чегара муаммоларига нисбатан ёндашуви Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида ифодалаб берилган. Унга кўра, Марказий Осиёдаги таркиб

топган давлат чегараларини, уларнинг дахлсизлигини тан олиш ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг конституциявий қондаси, суверенитетни таъминлашнинг ҳамда сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти бўлмоғи лозим.<sup>1</sup>

Давлат чегарасини аниқлаштириб олишда:

*биринчидан*, Марказий Осиёдаги давлат чегараларининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинмаганлиги минтақа хавфсизлигига таҳдид солувчи хавф омилларидан бири бўлиб, ўзаро муносабатларда соғлом сиёсий муҳитни яратиш ҳамда минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келмоқда;

*иккинчидан*, ҳудуд ва чегара муаммолари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси учун потенциал хавф манбаи бўлиб, совет даврида ўтказилган миллий чегаралаш сиёсатининг салбий оқибатлари ўзини яққол намоён қилмоқда;

*учинчидан*, дунё куч марказлари АҚШ, Россия, Хитой ва Европа, шунингдек, минтақавий етакчи давлатлар Марказий Осиёда ўз манфаатларини излаётган ҳозирги шароитда, минтақа республикалари ўртасида ҳудудий келишмовчиликларнинг мавжудлиги уларга қулайлик туғдириб, минтақада бекарор сиёсий вазиятни юзага келтириш ва ўз таъсир доирасига олиш воситасига айланиб қолиши мумкин;

*тўртинчидан*, мавжуд ҳудудий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги Марказий Осиё давлатлари ўртасида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Муҳтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон ташқи сиёсатини ривожлантиришнинг янги устувор йўналишлари, ташқи сиёсат концепциясининг асосий тамойиллари, қўшни давлатлар, минтақалараро стратегик шериклар билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро савдода фаол иштирокини, хавфсизлик ва иқтисодий тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш давлатимизда олиб бораётган сиёсатининг пировард мақсадидир.

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 77-бет.

## МАЪНАВИЯТ, МАДАНИЯТ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини нишонлаш арафасида Ўзбекистон ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда эришган натижаларини сарҳисоб қилиб, босиб ўтилган шарафли, шу билан бирга, машаққатли йўлга назар ташлар эканмиз, маданият ва санъат соҳаларидаги ислоҳотлар, янгиланишлар асосида халқимизнинг истеъдоди, меҳнати билан кўлга киритилган ютуқларни эътироф этмаслик мумкин эмас.

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам маданият барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим ва таъсирчан омилига айланди.

Ўзбекистонда маънавий янгиланишлар, аввало, тил сиёсатида ўз ифодасини топти. Дарҳақиқат, мустақиллик арафасидаёқ ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бўлди.

Маълумки, тил чуқур ижтимоий мазмун касб этиб, ташкил топади, тилидан махрум бўлиш, уни йўқотиш миллатнинг муқаррар таназзулини англатади. Чунки миллатнинг маданий-маънавий бойлиги, тафаккури, тарихи ва маданияти унинг тилида ўз ифодасини топади. Шунинг учун уни асраш ва ривожлантириш ўта муҳимдир. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши туфайли она тилимиз ўзининг қонуний ҳимоясига эга бўлди. Давлат тили мақоми 1992 йил декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, янги алифбо ўзбек ти-

лининг миллий хусусиятларини ёзувда мукамалроқ акс эттириш имконини берди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, Ўзбекистоннинг жаҳон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, ёшларнинг хорижий тилларни, ахборот технологияларини ҳар томонлама мукамал эгаллашлари учун қулай имкониятлар яратилишига хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ишлардан яна бири – илм-фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларнинг таваллуд айёмлари нишонланишига ўзбек халқи давлатчилиги, илм-фани, маданияти тарихини, мустабид тузум йилларида унутилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми сифатида қаралди.

Уларнинг ибратли ҳаёти, ижтимоий фаолияти ҳамда ижодий мероси ёш авлодни халқимиз маданияти тарихи билан ғурурланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга зарур шарт-шароит яратди, ёшларнинг илм-маърифатга бўлган интилишини рағбатлантирди.

Ўзбек мумтоз адабиётининг улкан намояндалари, илм-фан ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуғ қомусий олимлари, ўзбек бадиий тафаккурини юксалтирган мутафаккир шоирлари, бастакорлари, мусаввирлари таваллуд саналарининг нишонланиши уларнинг бетакрор ижодий меросини халқимизга тўла етказишга ва жамият маънавиятини юксалтиришга хизмат қилди.

Мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз ҳамда кадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келган, қадимий шаҳарлар юбилейларининг нишонланиши маънавий ислоҳотларнинг узвий бир қисмидир. Ушбу тадбирлар халқимизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларимизни бой маданий меросимизни кадрлашга, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга ўргатади. Шу билан бирга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўҳна шаҳарларга бағишлаб ўтказилган тантаналар Ўзбекистоннинг дунё микёсидаги обрў-

эътиборини янада оширишга, тарихимизнинг бебаҳо саҳифаларини тиклашга, маданиятимизни бойитишга ҳамда олий мақсадимиз – келажаги буюк давлатимиз пойдеворини шакллантириб, ўзимизнинг миллий анъаналаримизга суянган дастурлар асосида тараққий топган демократик давлатлар қаторида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига хизмат қилади.

Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги бўлмиш моддий ва маънавий маданиятини муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб этишга йўналтирилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида маданий мероснинг сақланиши таъминланиб, маданий бойликларнинг қонунга хилоф равишда олиб чиқилиши ҳамда олиб кирилишидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинди. Шунингдек, ноёб моддий маданий мерос объектларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини ошириб, халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашди

Фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш мақсадида амалга оширилган ишлар, хусусан, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлаш уни миллат бирлиги, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айлантирди.

Ўзбекистон ҳудудидаги музейлар тизимининг янада такомиллашуви улар халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнининг ортишига, музей ашёлари ва коллекцияларини илмий тадқиқ қилиш ишлари кучайишига, музей фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишининг мувофиқлашувига, музей фондларида сақланаётган ноёб экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, музейларнинг замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминланишига, моддий-техник базаси мустаҳкамлашига хизмат қилди.

Шунингдек, музейлардаги ноёб экспонатлар билан танишув фуқароларда, айниқса, ёш авлодда миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларининг кучайишига хизмат қилди.

«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил этилиб, улар ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги



ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний ақс эттирувчи, миллий мустақиллик ғояларига мос экспозициялар билан бойитилди. Мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, кадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг ҳурмати жойига қўйилди. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда мамлакатда эришилган ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган музей экспозициялари ташкил этилди.

Музейлар фондидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини юриштиш, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий, қатъий назоратга олиш, бу соҳада тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилди, музейшуносликда умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилиши таъминланди.

Диний кадрятларнинг тикланиши ҳам халқимиз маънавияти юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу соҳадаги ўзгаришларга асос бўлган қонунчиликнинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат бўлди.

Ислом дини, диний маросимларнинг тикланиши, албатта, ҳар бир инсонга доимо ўз-ўзини идора қилишга, яхши хислатларни ўзида мужассам этишга, ёмонликлардан тийилиб, меҳр-оқибатли, мурувватли бўлишга чорлайди. Мустақиллик йилларида ислом динининг мавқеи тикланди, диний маросимлар, байрамлар халққа қайтарилди, мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этишлари учун имкониятлар яратилди, диний-ахлоқий масалалар бўйича китоблар чоп этилди, дин эркинлигини таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Ислом оламининг донишмандлари Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Имом Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Имом Абу Мансур ал-Мотурудийнинг 1130 йиллиги, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хўжа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг нишонланди. Улар яратган асарлар қайта чоп этилиб, халқимиз бу маънавий меросдан баҳраманд бўлишига имкон яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1990 йил 2 июндаги «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги Фармониغا биноан, 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон мусулмонлари Макка ва Мадинага ҳаж қилиш имкониятига эга бўлдилар. Президентнинг махсус Фармони билан Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити кунларининг доимий суръатда байрам қилиниб, дам олиш куни деб эълон қилиниши ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг халқимизнинг қадимий анъаналарига нисбатан ҳурмат ва эҳтироми белгиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита, 1999 йил 7 апрелдаги Фармониغا биноан, Тошкент Ислом Университети ташкил этилди, ҳозирги кунда Халқаро Ислом тадқиқотлар маркази ва Тошкент Ислом университети самарали фаолият кўрсатмоқда.

Маданий сиёсат соҳасидаги давлат бошқарув компетенциясини, аввало, маданий меросни асраш, таъмирлаш, тўплаш ва сақлаш, шунингдек, ноқонуний олиб чиқиб кетилишидан ҳимоя қилиш каби фаолият ташкил этиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонуности ҳужжатлари ушбу соҳадаги чора-тадбирларнинг ҳуқуқий базасини ташкил этди.

Маълумки, инсон, халқ тақдирида унинг тарихий хотираси катта ўрин тутди. Тарихий хотира инсонни фаолликка, ҳаракатга ундайди. Аксинча, тарихий хотираси йўқ инсон ўз халқи, Ватани тақдирига лоқайд, масъулиятсиз муносабатда бўлиб, Бехбудий ибораси билан айтганда, манқуртга айланади.

Дунёда ҳеч бир халқ, ҳеч бир элат миллий ғурурга эга бўлмасдан жадал ривожлана олмаслиги тарихий тажрибадан аён. Ўзбек халқининг миллий ғурури, авваламбор, унинг тарихий тафаккурига, тарихий хотирасига, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган ва давлатчилиги қадимий тарихга эга бўлган аждодларининг улкан маънавий меросига муносиб ворис бўлиши лозимлигини англашга асосланади.

Мустақиллик ўзбек халқининг кадр-қиммати, шаъни, ғурурини қайтарди. Тарихий ҳақиқат қарор топиб, буюк алломаларимизнинг

маданий мероси, халқимизнинг маънавий қадриятлари, анъаналари тикланди.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетганларининг номи, хурмати тикланди, асарлари нашр этилди. Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2000 йил 12 майда Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. 2001 йил 31 август – қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида Ўзбекистонда илк бор ўтказилди. 2002 йил 31 август – Тошкентнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи бунёд этилди.

Мустақилликнинг илк давриданок Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти илм-фан, маданият ходимлари ва санъаткорларга ижодий фаолликларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижодий эркинликларини таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларнинг ижтимоий ҳимоялаш масаласига жиддий эътибор қаратиб, қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Истиқлол, аввало, бадий ҳаётда ижод мустақиллиги қарор топишига зарур шароитларни яратди. Маданият ва санъатнинг барча соҳаларидаги ривожланишнинг ижобий динамикаси кузатилиб, айниқса, тарихий ва маънавий мероснинг ўрганилиши, кенг тарғиб этилиши ҳамда келажак авлодга етказилишига қаратилган тадбирларда яққол намоён бўлди.

Ўзбек халқининг тарихи, маданияти, маънавий-ахлоқий қадриятларига бўлган муносабатнинг ўзгариши санъатнинг барча соҳалари ривожига самарали таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон санъатининг барча турларида янги ижодий тамойиллар шаклланди. Санъаткорлар учун мафкуравий тазйиқлардан холи ижодий эркинлик муҳитида асар яратиш имконияти вужудга келди.

Санъатнинг барча соҳаларини ривожлантириш учун қонуний ва ташкилий асос яратилди. Санъат соҳасидаги халқаро тадбирлар Ўзбекистон ва турли мамлакатлар ўртасида бардавом маданий мулоқотлар боғланишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, хайкалтарошлик, рангтасвир, амалий безак санъати, мусиқа, кино, театр, телевидение каби соҳаларда ижодкорларнинг янги авлоди вояга етиб, бугунги кунимиздаги ижтимоий воқеликни

бадий воситаларда тўлақонли англашга хизмат қилаётган асарлар яратилди.

Соҳибқирон Амир Темур хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳамда буюк аллома ва мутафаккирлар таваллудларининг нишонланиши муносабати билан улар ҳайкаллари ўрнатилиши монументал ҳайкалтарошлик санъатига бўлган қизиқишни орттирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида республика ҳудудида қуриладиган ёдгорлик ва ҳайкалларнинг бадий-эстетик жиҳатдан мукамал бўлишини таъминлаш, ижодий кучлар имкониятидан тўла фойдаланиш, ёдгорликлар ўрнатиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ҳайкалтарошларнинг асарларида ўзига хос тарзда услубий ечимлар топишга муваффақ бўлишлари ҳам халқимиз тарихий хотирасига муносиб асарлар яратилишига олиб келди.

Ўзбекистон ҳукумати ҳомийлигида ижодий, илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш муассасаси сифатида Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши ҳам халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий, амалий, миниатюра санъати анъаналарини ривожлантиришга қаратилган тадбир бўлди. Дарҳақиқат, санъат турлари орасида, айниқса, рангтасвир мустақиллик йилларида жадал ривожланди. Ундаги услуб ва йўналишлар хилма-хиллиги ҳамда рассомларнинг мавзу ва шакл танлашдаги тўла эркинлиги бадий жараён ривожига беҳад таъсир кўрсатди.

Санъатнинг амалий ва бадий турлари, жумладан, кулолчилик, гиламдўзлик, наққошлик, каштачилик, заргарлик, зардўзлик, ўйинчоқлар яшаш, либос яратиш соҳалари қайта тикланиб, ривожланди. Бунда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари катта аҳамиятга эга бўлиб, уларга мувофиқ, уй шароитида юксак савиядаги бадий буюмлар ишлаб чиқараётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимларнинг амалий ёрдамлари муҳимлиги кўрсатилган. Ҳунармандларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқ имтиёзлари берилиши ҳам соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Республикамизда «Халқ устаси» унвонининг таъсис этилиши амалий безак санъати ривожлантирилишига давлат томонидан берилаётган аҳамиятнинг ёрқин кўрсаткичидир.

Мустақиллик йилларида бадиий-муסיқа меросимизни ўрганиш, унинг анъанавий ва замонавий турларини ривожлантириш учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқлар байрамини ўтказиш тўғрисида», «Республикада муסיқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида», «Ўзбекистонда эстрада санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлар эълон қилиниши, «Офарин», «Ниҳол» совринларининг таъсис этилиши, Самарқандда «Шарқ тароналари», Тошкентда халқаро симфоник муסיқа фестивалининг ўтказилиши каби мунтазам тадбирлар муסיқа санъати ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори миллий театр санъатининг истиқболини белгилаб берди. 2001 йили Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомининг берилиши ушбу жамоанинг республика сахна санъати ривожига хизматларини эътироф этиш қаторида унинг ижодий мактаб сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ҳозирда театр жамоалари, ижодкорлар хориждаги фестивалларда катнашиш, гастроль сафарларини уюштириш, режиссёрлар, композиторлар билан ҳамкорлик қилиш орқали халқаро маданий муносабатларнинг тўлақонли иштирокчисига айланди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам республика ва халқаро фестиваллар, танловлар ўтказиб келинмоқда. «Наврўз», «Театр: Шарқ ва Ғарб», «Ҳумо», «Баҳор чорраҳасида», «Андижон баҳори», «Верди фестивали», анъанавий кўғирчоқ театрлари фестивали, «Дебют», «Сени куйлаймиз, замондош!» – шулар жумласидандир.

Репертуардаги янгиланиш жараёнлари маданий ҳаёт билан боғлиқ тарзда кечди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тарихий мавзуга кенг ўрин берилиши жамиятни мустақиллик ғояси атрофида бирлаштиришга хизмат қилди.

Театрнинг адабиёт билан ҳамкорлиги ҳам давом этди. Алишер Навоий дostonлари каби миллий мумтоз намуналар, насрий асарлар сахналантирилди. Матн остидаги фалсафани англаш, янгича

«ўқиш»лар устида изланишлар олиб борилди. Фольклор жанри ҳам эътиборда бўлди. Айниқса, драматургияда фольклор-этно-график манбалардан таъсирланиш жараёни миллий урф-одатлар, кадрятларга эътибор билан янада уйғунлашди.

Мустақиллик йилларида телевидение тизими тамомила янгиланди, нафақат оммавий ахборот воситаси, балки, санъат тури сифатида тараққий этишига ҳам зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу жараёнлар жаҳонда шиддат билан ўзгариб бораётган телесаноат талабларига жавоб бериши билан характерлидир.

Агар истиқлолга эришилган дамда мамлакат ҳудудида кам миқдорда телеканал фаолият олиб борган бўлса, ҳозирда у кўп каналли тармоқ даражасига кўтарилди. Шунингдек, аксарият давлат каналлари тўлиқ сутка давомида ишлашига эришилди.

Ислохотлар каналлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириб, профессионализмни кучайтиришга, маҳсулотларнинг техник ва бадий сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Айниқса, 2011 йилдан бошлаб юқори технологияларга асосланган рақамли телеканаллар ташкил этилиши ва бу жараён давом этаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу борада 2012 йил 30 июлда имзоланган «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида»-ги 1794-сонли қарор билан миллий телевидениенинг технологик базасини модернизациялаш ишлари жадаллаштирилди.

Телевидение демократик давлат, фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида мамлакатни демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлардан аҳолини хабардор қилиб бориш, таълим, маданият ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш масалаларини кенг ёритиш, ёшларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини ривожлантириш, спорт ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

2017 йил ҳар соҳада бўлгани каби маданият соҳасида ҳам ислохотлар, янгиланишлар жадаллашуви йили бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасида Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилди. Сабаби 2004 йилдан бошлаб фаолият олиб борган Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мазкур соҳаларда давлат сиёсатини самарали амалга оширишни тўлиқ даражада таъминлаш имконини бермади, кўпинча фаолияти маданий-оммавий ва спорт тадбирлари билан чекланиб қолди. Натижада маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс ҳал этиш масаласи долзарблашди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги Қарори билан «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тасдиқланди.

2017 йилда Ўзбекистон маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш билан чекланиб қолгани йўқ.

Тарихий хотирани тиклаш борасида тизимли чора-тадбирлар қаторида мамлакат миқёсида атоқли шахсларнинг юбилейлари ўтказилиши қайтадан ташкил этилди.

Халқ дипломатияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Наврўз умумхалқ байрами халқ сайли тарзида ўтказилди. Китобхонлик маданиятини ошириш ҳам эътиборда бўлмоқда.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай янгилик уни ташкил қилган инсонларнинг маънавияти даражаси билан белгиланар экан, мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маънавий меросини тиклаш ва ривожлантириш, маданиятини юксалтириш энг асосий вазифа даражасига кўтарилди. Халқимизнинг, айниқса, юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий қобилияти ва истеъдодини аниқлаш, рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича изчил дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонда ёшлар сиёсати доирасида маданият соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мутлақо янгича дунёқарашга эга бўлган, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан етук авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Табиийки, ҳар бир давлат ва жамият ўзининг ривожланиш тараққиётини белгилашда стратегик мақсадларни илгари суради. Стратегиянинг танланиши ва унинг қўлланиши стратегик бошқаришнинг асосий мазмунини билдириб, ўзида нима, қачон ва қандай усуллар билан амалга оширилиши лозим, деган саволга жавоб бериши керак.

Стратегия, одатда, давлатнинг узок фаолияти давомида шаклланиб боради ва ўз моҳиятига кўра пировард натижани билдириши лозим. Одатда, у режанинг вақт интервалида (чораклик, бир йиллик, беш йиллик) белгиланган мақсадга олиб келиши лозим. Шунинг учун ҳам стратегия узок муддатли режалаштиришда намён бўлади.

Маълумки, жорий йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармон имзоланди. Бугунги кунда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, қолаверса, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан чуқур таҳлиллар асосида ўрганилмоқда.

Айни вақтда, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этилади.

Фармондан келиб чиқиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши



бўйича Ҳаракатлар стратегияси олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ушбу Ҳаракатлар стратегиясининг «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланган бешинчи йўналиши доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг анъанавий маданий меросини қайта тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб, самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Турли миллатлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 16 ноябрь куни ЮНЕСКО Халқаро ташкилоти томонидан 5.61 резолюциясида қабул

қилинган «Бағрикенглик тамойиллари Бутунжаҳон декларацияси» лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. «Бағрикенглик тамойиллари Бутунжаҳон декларацияси» миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган фундаментал халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бугунги кунда унинг меъёрлари республика қонунларига тўлиқ мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил январь ойида Республика Байналминал маданият маркази ташкил этилди.

Ушбу марказ тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, миллий ва умумбашарий анъаналарни раванқ топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Динлараро бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, у ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби бир қанча эзгу фазилатларга таянади. Инсонларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка даъват этади. Шунинг учун ҳам, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов: «...башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда», – деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон, жамоа ва миллат башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳим. Зеро, бағрикенгликсиз тинчлик, тинчликсиз тараққиёт бўлмайди.

Диёримиздан чиққан алломаларнинг асарларида диний бағрикенглик билан боғлиқ қадриятлар тарғиб қилинган кўплаб фикрларни учратамиз. Буюк аллома, мотуридия йўналиши асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг (870–944) асарлари бунга мисол бўла олади. Мотуридийнинг Қуръон тафсирига бағишланган, ислом оламида жуда кенг танилган «Таъвилот аҳл ас-сунна» асаридаги «Ҳаж» сурасининг 40-ояти тафсирида шундай дейилади: «Черков

ва синагогаларни вайрон қилиш ман этилади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдир». Самарқандлик фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (ваф. 1003 й.) эса ўзининг «Баҳр ал-улум» номли тафсир китобида Қуръондаги «Мумтахана» сура-сининг 8–9-оятлари шарҳида: «Сизлар билан динда уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг» деб таъкидлайди. Ҳаким ат-Термизий (ваф. 932 й.) асарларида ҳам христианларнинг баъзи тоифалари ҳақида фикр юритилиб, улар Муҳаммад (а.с.) башорат қилган «нажот топган фирқа» деб тавсифланади. Бурҳонуддин Марғиноний (1123–1197) ўзининг «Ҳидоя» асарида «мусулмонлар диёрида черков ва ибодат-хоналар бузилиб кетган бўлса, уларни ўз жойида яна қайта тиклаш мумкин»лигини алоҳида айтиб ўтган.

Истиклол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани юртимизда истикомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари, жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил яшайди. Ана шундай кўп сонли миллат ва элатларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда. Шунингдек, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши, меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирги вақтда юртимизда 16 та диний конфессия, 2200 дан ортиқ диний ташкилотларнинг диний бағрикенглик асосларига риоя қилган ҳолда ўзаро тинч-тотувликда умргузаронлик қилаётгани сўзларимиз далилидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар

бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Асосий қонунимизда ушбу ҳуқуқнинг акс этиши мамлакатимизда инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланиши асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдиз ва мустаҳкам қонуний асосларга эга бўлиб, бизда дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», – деб белгиланган. Ушбу моддани амалга ошириш механизми 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида кенг ёритиб берилган. Унинг 3-моддасига кўра, Виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Айни пайтда, турли миллат ва элатларнинг миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш, бойитиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларимизда етти тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қирғиз, туркман, қozoқ ва тожик тилларида билим берилаётгани, шунингдек, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллатларнинг ўн та тилида фаолият олиб бораётгани бунинг ёркин ифодасидир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш белгиланди. Унда диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши таъсирчан кураш олиб бориш, уларнинг ҳар

қандай кўринишига барҳам бериш, ушбу иллатларнинг ўз вақтида олдини олиш, шунингдек, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш лозимлиги мустаҳкамланди.

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепцияси лойиҳасини ҳамда бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда Республика байналмилал миллий маданий маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлар бошланди. Концепцияда мамлакатимиздаги кўпмиллатли халқимизнинг ўзига хос фазилатларидан келиб чиқиб, миллатлараро тотувликни, ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган, миллатларнинг ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиши тамойилига асосланган муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишлари назарда тутилади. Ташкил этилаётган «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда» каби шиорлар остидаги фестиваллар, Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамлари кўп миллатли аҳолининг чинакам дўстлик айёмига айланиб улгурди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг маданияти, тили, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилиниши қатор қонун ҳужжатларида ҳам акс этган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликнинг таъминланиши мустақиллик йилларида биз эришган энг катта ютуқларимиздан биридир. Бугун одамлар онгида ана шу эзгу қадрият ва унинг ўзгармас моҳияти кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 24 январида қабул қилинган Фармонга мувофиқ Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Президент «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида бўлган учрашувда: «Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожиди янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва

фуқаролараро ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилдир», – дея таъкидлади<sup>1</sup>.

Шавкат Мирзиёев нутқида Биринчи Президент Ислом Абдуганиевич Каримовнинг юртимизда мавжуд бўлган 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаши учун бор куч ва имкониятларини ишга солгани, натижада, миллат ва элат вакиллари умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилишаётгани, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон оғир уруш йилларида ҳам қанчадан қанча болаларни тили, дини, миллати, иркидан қатъи назар ўз қаромоғига олгани ва уларга ғамхўр, ота-оналарча муносабатда бўлгани маълум. Бу каби хислатлар, ўз навбатида, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, энг аввало, бой тарихий-маънавий мерос, миллий кадрият, урф-одат ва анъаналар асосида миллий ўзлигини англаган, ғурур-ифтихори юксалган, умуминсоний кадриятлар, замонавий технологиялар, илм-фан ютуқлари асосида дунёқараши шаклланган баркамол авлодни тарбиялашни назарда тутди. Таъкидлаш лозимки, бизнинг жуда кўп бойликларимиз бор. Аммо энг катта бойлик, мамлакатнинг биринчи раҳбари таъкидлаганидек, миллатлараро тотувликдир.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 25 январь сони.

---

---

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Мустақиллик – буюк келажак пойдевори .....	5
Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини ошириш – демократик ислохотларнинг янги босқичида .....	16
Давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш – давр талаби.....	43
Қонун устуворлигини таъминлаш – фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлик- ларининг муҳим гарови.....	66
Иқтисодий ислохотлар халқ фаровонлиги йўлида.....	74
Хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва тадбиркорликка қулай шарт-шароит яратиш – барқарор тараққиёт гарови .....	108
Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – халқ фаровонлигининг муҳим таянчи .....	128
Ёшларга оид давлат сиёсати – жамият ривожининг муҳим омили.....	156
Хавфсизлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат – Ўзбекистоннинг пировард мақсади.....	169
Маънавият, маданият – барқарор ривожланишнинг муҳим омили.....	190
Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликнинг таъминланиши .....	200

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

## **ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!**

### **ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

*Тошкент «Маънавият» 2017*

Мухаррир: *Ш. Тўрахўжаева*

Рассом: *С. Шухрат*

Мусахҳих: *Д. Исмоилова*

Компьютерда тайёрловчи: *Ш. Соҳибов*

Лицензия АИ №189, 10.05.2011 йилда берилган. Босишга 14.08.2017 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . «Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табағи 12,9. Нашр табағи 11,2. Буюртма № 17-55. Адади 1500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.  
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 17-17.